



НОДИРА СОАТОВА

# АНЬАНАВИЙЛИК ВА ВОРИСЛИК



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ  
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

СОАТОВА НОДИРА ИСОМИДДИНОВНА

АНЪАНАВИЙЛИК ВА  
ВОРИСЛИК

Тошкент  
“MUMTOZ SO‘Z”  
2019

УЎК: 821.512.133.1

КБК: 82.3(5ў)

Ушбу монография Абдулла Қодирийнинг "Үткан кунлар" романидаги халқ оғзаки ижоди ва Алишер Навоий эпик тасвир анъаналарининг монографик ўсунинда ўрганишга бағишланган. Айни жиҳатдан, ушбу иш оғзаки ва ёзма адабиётнинг ўзаро алоқалари, адабий анъана ва новаторлик, ёзувчи маҳорати ва замонавий мавзулари бўйича чуқур ўрганишини мақсад қилганлар учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:**

ЎзР ФА академиги Наим Каримов

**Тақризчилар:**

ф.ф.д., профессор Сайдбек Ҳасанов

ф.ф.д., профессор в.б. Шоира Дониярова

**82.3(5ў)**

**С**

Анъанавийлик ва ворислик. Н.И.Соатова; масъул муҳаррир Наим Каримов. – Т.: МУМТОЗ SO'Z, 2019. – 138 б.

*Монография Жиззах давлат педагогика институти илмий  
Кенгашининг 2019 йил 31 августдаги 1-сонли мажлисда  
нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-6084-5-0

© Н.И.СОАТОВА, 2019

© "MUMTOZ SO'Z", 2019

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевининг: "...биз халқимизнинг маънавий камол топишида маданият намояндаларининг улкан хизматлари борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз"<sup>1</sup>, – деган сўзлари, назаримизда тўлалигича қалам аҳлига ҳам дахлдордир.

Дарҳақиқат, XX аср ўзбек адабиётининг Чўлпон, Фитрат ва бошқа йирик вакиллари ижоди миллий қадриятлар билан боғлиқ бадиий маданиятимизни ўрганишда бой материал беради. Бу улуғ сиймолар ичida буюк сўз санъаткори Абдулла Қодирий ижодий мероси алоҳида ўрин тулади.

Сўз санъати мумтоз намуналарининг буюклиги шунда кўринадики, бу асарларни қайта-қайта талқин ва тадқиқ этиш ва ҳар гал уларнинг янги кирраларини топиш мумкин. Ўзбек романчилигининг тўнғич ва етук намунаси бўлмиш Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи ҳам шундай бадиий баркамол асарлар жумласига киради. Яратилганидан буён үтган бир асрга яқин вақт мобайнида роман ҳар жиҳатдан “кўп ва хўб” ўрганилди. Шунга қарамай, унинг ҳали текширилмаган жиҳатлари ҳам оз эмас. Асарни халқ оғзаки ижоди ва мумтоз сўз санъати анъаналарининг таъсири нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ана шундай ҳали маҳсус тадқиқот мавзуи бўлмаган масалалардан ҳисобланади.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятнинг ривожланиши - халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017. 4-август.

Зеро, буюк адид ижодининг ўзига хослиги ва маҳоратининг шаклланиши, "Ўткан кунлар"нинг биринчи ўзбек тарихий романи сифатида майдонга келишида нафақат Шарқ ва Ғарб романчилиги, балки, энг аввало, ўзбек халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимизнинг эпик анъаналари ҳам муҳим роль ўйнаган.

Бинобарин, араб ва Ғарб романчилигидан ҳар қанча таъсирланган бўлмасин, Абдулла Қодирий ижодини миллий-адабий манбалардан ажратиб олиб ўрганиш мумкин эмас. Зеро, "халқимизни шу замоннинг "Тоҳир-Зухра"лари, "Чор дарвеш", "Фарҳод ва Ширин" ва "Баҳром-гўр"лари билан таништириш"<sup>1</sup>га бел боғлаган адиднинг оғзаки ва ёзма адабиётимиздан етарли даражада хабардор бўлиши ҳамда бу таъсирнинг "Ўткан кунлар"да бевосита, билвосита акс этиши табиий эди.

Халқимизнинг достончилик, эртакчилик санъатидан, мумтоз шоирларимизнинг бой адабий меросидан, биринчи навбатда, Алишер Навоийнинг энг яхши асарларидан баҳраманд бўлган Абдулла Қодирий ўз халқига янги бир адабий жанрни-романи тортиқ қилишга биринчилардан бўлиб журъат килди. Бу ишга шунчаки эмас, изчил ва пухта тайёргарлик билан киришди. У халқ оғзаки ва достончилигидаги бой тажриба ва анъаналарга таянган ҳолда умуминсоний ғоялар, олижаноб қаҳрамонлар, урф-одатлар ва бошқа миллий қадриятларни бадиий мужассамлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб олди.

Абдулла Қодирийнинг мумтоз адабиётимиз даҳолари ижодидан, жумладан, Алишер Навоий "Хамса"сининг эпик анъаналаридан, биринчи навбатда, ишқ ва вафо достони саналмиш "Фарҳод ва Ширин" ҳамда "Лайли ва Мажнун" достонларидан ижодий таъсирланиб, "Ўткан кунлар" рома-

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўткан кунлар. Мехробдан чаён. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. -Б. 6.

нида бетакрор характерлар яратиши, ўзбекона миллий рухни акс эттириши, ҳаёт манзараларининг ҳаққоний тасвирига эришишини ўрганиш Ўзбекистон мустакилликни кўлга киритган кундан бошлаб, давлатимиз томонидан илгари сурнлаётган баркамол авлод тарбиясига билвосита ва беносита хизмат қиласи.

Халқ оғзаки ижоди ёзма адабиётнинг сарчашмасигина булиб қолмай, адибларимиз ҳамиша суюниб, қувват олиб келган битмас-туганмас илҳом манбаидир. Жаҳон адабиётида бу буюк манбадан у ёки бу даражада таъсирланмаган адаб, бу улут уммондан сув ичмаган адабий асар йўқ қисоби.

Гарсиа Маркес, Чингиз Айтматовдек замонамизнинг дуниёга машхур забардаст адибларининг халқ асотир ва ривоятларига тез-тез мурожаат қилишлари, ўз асарларини бу асотир ва ривоятларига чукур ҳаётий фалсафа асосига куришлари, таникли ёзувчи Шукур Холмирзаевнинг “истиклол адабиёти ривоятнамо адабиёт бўлади”, деб башорат қилиши<sup>1</sup> фолклор дурдоналарининг қиммати сира камай-маслиги, аксинча, мудом ошиб боришини яна бир карра тасдиклайди.

“Ўткан кунлар” агадиятини таъминлаган омил ҳам худди шу - унинг бой фолклор ва ёзма адабиётимиз пой-девори устига кўрилганидир. Бу таъсирни биз асар тили, услубидан тортиб сюжет қурилиши-ю образлар оламигача - барча-барчасида кўрамиз. Роман бу жиҳатдан анча--мунча ўрганилган бўлса-да, лекин у бевосита халқ оғзаки ижоди ва мумтоз сўз санъати намуналарига қиёсан тадқиқ этилган эмас.

<sup>1</sup> Холмирзаев Ш. Адабиёт, адабиёт, адабиёт... (Ш.Холмирзаев билан сұхбат) // Ёзувчи, 1997. 15- январ.

Тўғри, ўзбек адабиётшунослигида Абдулла Қодирий ижоди, хусусан романлари бўйича кўплаб илмий рисола ва монографиялар<sup>1</sup>, диссертациялар<sup>2</sup> яратилган. Бу тадқиқотларда Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли, бадиий тили ва услуби, “Ўткан кунлар” романининг ғоявий–бадиий хусусиятлари ва миллий ўзига хослиги тахлил этилган бўлсада, адаб ижодида Шарқ адабиётининг романтик – қаҳрамонлик намуналари табиатидан келиб чиқадиган адабий анъаналари мутлақо ўрганилмаган. Умуман, XX аср ўзбек адабиёти намояндлари ижодида йирик эпик асарларнинг майдонга келиши учун халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимиз намуналарида эришилган бадиий тажриба ҳозирга қадар юзаки ўрганилиб, бу анъаналарнинг Қодирий Фитрат, Чўлпон, Ойбек сингари ёзувчилар ижодида тутган ўрни, улар маҳорати, бадиий услуби ва тилининг шаклланишига таъсири очиб берилмаган.

Ўзбек адабиётида роман жанрининг туғилиши ҳакида сўз борганида ҳакиқий маънодаги реалистик романнинг пайдо бўла бошланганлиги 20-йилларнинг ўрталарига тўғри келиши эътироф этилади. Бироқ, бу эътироф ўзбек романларининг “ўтмиш”и бўлмаган, у айнан шу вактнинг ўзида юзага келган, деган сўз эмас, албатта. Ўзбек реалис-

<sup>1</sup> Алиев А. Абдулла Қодирийнинг тарихий романлари. -Т.: Фан, 1960; Кулжонов М. Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1966; Мирвалиев С. Ўзбек романни. -Т.: Фан, 1969; Мирзаев И. Абдулла Қодирий. -Т.: Фан, 1975; Шу муаллиф. Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси. -Т.: Фан, 1981; Лутфиддинова Х. Ёзувчининг эстетик идеали ва аёллар образи. -Т.: Ўзбекистон, 1994; Шу муаллиф. Лолазор ичидаги гул. -Т.: Ўзбекистон, 1994; Ганиев Э. Рухий гўзаллик қисмати. -Бухоро: 1994; Норматов У. “Ўткан кунлар” ҳайрати. -Т.: Ўқитувчи, 1996; Шу муаллиф. Қодирий боғи. -Т.: Ёзувчи, 1995; Кўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. -Т.: Халқ мероси, 1999;

<sup>2</sup> Абдураҳмонов М. Абдулла Қодирийнинг психологик тасвир маҳорати: фил. фан. номзоди...дисс. -Т., 1977; Лутфиддинова Х. Ёзувчининг эстетик идеали ва аёллар образи.- фил. фан. номзоди...дисс.- Т., 1994; Бобониёзов А. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романнада тасвирий воситалар ва тил бадиияти. - фил. фан. номзоди...дисс.- Т., 1995; Маҳмудова З. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романнинг миллий ўзига хослиги: фил. фан. номзоди...дисс.- Т., 1996;

тик романларининг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнаган манбалар тўгрисида илгари ҳам ёзилган. Чунончи, С.Мирвалиев ёзади: “Кузатиш шуни кўрсатадики, ўзбек романларининг пайдо бўлишида бир неча муҳим омиллар манбалар мавжуд бўлиб, улар ўзбек адабиётида роман жанрининг юзага келишида катта роль ўйнайди. Йирик адабиётшунос И.Султонов ўзининг “Ўзбек адабиётида социалистик реализм тарихидан” деган докторлик диссертациясида ана шу ҳақда гапириб, дейдик: “Ўзбек романинг туғилишида муҳим роль ўйнаган икки манбани: инқилобгача бўлган ўзбек гуманистик ва демократик адабиёти ҳамда рус реалистик адабиётининг энг яхши анъаналарини ўзлаштириш тажрибаларини кўрсатиб ўтишга тўғри келади...”. – Аммо муаллиф фольклор ва воқелик сингари яна муҳим икки манбани негадир унутган. Аслида эса, ана шу икки манба илғор гуманистик, демократик адабиёт ва рус реалистик адабиёти билан қўшилган ҳолда, ўзбек реалистик романини юзага келтирган”<sup>1</sup>.

Роман жанрининг туғилиши тўрт манбага таянганини С.Мирвалиев “Ўзбек романи” монографиясида кенг таҳлил қилиб берган бўлиб, улар:

1. Тарихий ҳаёт – воқеликнинг ўзи.
2. Бой ҳалқ оғзаки ижодиёти.
3. Мумтоз адабиётнинг бой анъанаси.
4. Рус, қардош ва жаҳон ҳалқлари романчилиги.

Модомики, бу тўрт манба ўзбек романининг туғилишида асосий омил бўлган экан, ушбу монографияда биз “Ўткан кунлар” романининг миллий манбалари бўлган ҳалқ китобларида ҳамда мумтоз адабиётимизнинг улуғ вакили Алишер Навоий “Хамса”сидаги эпик анъаналар хусу-

<sup>1</sup> Мирвалиев С. Ўзбек романи. –Т.: Фан, 1969. 26-27-бетлар.

сида сўз юритамиз ва уларни қуидаги тамойиллар асосида очиб беришга ҳаракат қиласиз:

➤ Абдулла Қодирийнинг халқ оғзаки ижодига муносабати масаласини ўрганиш;

➤ халқ китоблари анъаналарининг “Ўткан кунлар” бадиий қурилмасидаги ўрнини кўрсатиш;

➤ Алишер Навоий “Хамса”си эпик анъаналарининг “Ўткан кунлар”даги Абдулла Қодирийнинг тасвир усулига таъсирини ёритиш;

➤ “Ўткан кунлар” романи билан “Фарҳод ва Ширин” достонини қиёсий ўрганиш, улар ўртасидаги романтизм ва реализм ижодий методлари билан боғлиқ муштарак ва фарқли жиҳатларини белгилаш;

➤ Фарҳод ва Ширин ҳамда Лайли ва Мажнун образларидаги ишқ ва вафо қўшигининг Кумуш ва Отабеклар тақдирида қайта жаранглаши мисолида анъанавийлик ва новаторлик муаммосини тадқиқ этиш.

Шунингдек, монографияда бугунги ўзбек романчилигига миллий-бадиий тафаккурнинг қарор топишида Абдулла Қодирий адабий тажрибаларининг аҳамияти масаласига ҳам ойдинлик киритишга уринамиз.

“Ўткан кунлар” романининг миллий-адабий манбала-рини ўрганиш – унинг халқ китоблари ва Алишер Навоий ижоди (“Фарҳод ва Ширин” ҳамда “Лайли ва Мажнун” достонлари) билан муштарак, вобаста жиҳатларини тадқиқ этиш ишимизнинг асосий илмий янгилиги ҳисобланади. Қўйилган муаммо адабий таъсир ва ворисийлик, анъана ва новаторлик нуқтаи назаридан ёритилади. Бунда сюжет, конфликт, характер яратиш каби бадиият қонуниятлари хусусида ҳам фикр юритилиши, табиий. Хусусан, Алишер Навоий эпик анъаналарининг “Ўткан кунлар”да давом эттирилишининг илмий-назарий асослари, анъанавийлик-

нинг бадий ижод тараққиётида тутган мавқеи тадқиқотимизниң бош масаласидир.

Уткан кунлар” романидаги халқ китоблари ва Навоий достонларига хос эпик анъаналарни қиёсий ўрганиш асносида адибнинг характер яратиш маҳоратини, ўзига хос услубини кўрсатиш, асар поэтикасини – композицияси ва сложети, тили ва бадий тасвир воситаларини тадқиқ қилишни тақозо этар экан, қуйида биз шу томонларини очиб беришга ҳаракат қиласиз.

## “ҮТКАН КУНЛАР” РОМАНИДА АНЬАНА ВА МАҲОРАТ

Эпиклик ва эпик тасвир “Үткан кунлар” мансуб бўлган роман жанрининг негизида ётади. Бундай тасвирсиз қаҳрамонлар образини яратиш, кўп қатламли воқеалардан иборат сюжетни кўриш, асардаги конфликт ва коллизияларни юзага чиқариш маҳол. Шунинг учун ҳам эпиклик ва эпик тасвир тўғрисида муайян тушунча билан ушбу бобга киришиш мақсадга мувофиқ.

Уч адабий турдан бири “эпос” юонча “сўз”, “қисса” маъноларини англатиб, ҳаётий воқеа ва ҳодисалар тўғрисида объектив нақл юритувчи, ҳикоя қилувчи адабий тур “эпос” деб юритилади. Эпик асарларда тасвир этилган барча воқеа ва ҳодисалар муаллифнинг истак-хоҳишилиз содир бўлади: қаҳрамонлар ўзларича яшайдилар, уларнинг хатти-ҳаракатлари, улар билан чамбарчас боғлиқ воқеалар сюжет муносабатларининг мантиғи билан асосланади.

Бундан бир қанча аср аввал “Шеърият санъати тўғрисида” деган асарида Аристотель Ҳомерга хос бадиий тамоийил тўғрисида сўзлаб, унинг ўзида четда бўлган “ўзига алоқадор бўлмаган” воқеа ва ҳодисалар ҳақида нақл қилишини айтган. Воқеликни ана шу тарзда қайта ифодалаш факат Ҳомергагина эмас, балки энг қадимги халқ, оғзаки ижоди асарларига ҳам хос хусусиятдир. В.Г.Белинский бу асарлар тўғрисида баҳс юритиб, уларда ёзувчиларнинг тасвир этилган воқеликка халқ кўзи билан қараганини айтган.

Эпосдаги энг муҳим нарса воқеа ва ҳодисаларни қайта тиклаш, қайта ифодалашдир. Асарда иштирок этувчи қаҳрамонлар характеристини бу воқеа ва ҳодисаларда иштирок эттирмай туриб очиш мүмкин эмас. Эпик асарларда қаҳрамон яшаган, харакат этган ва курашган муҳит тасвирига алоҳида эътибор берилади.

Эпик тасвир қаҳрамонларни бутун ҳаёти мобайнида ёхуд улар характери шаклланишининг энг муҳим даврларида ҳар томонлама кўрсатилган ҳолдагина тўлақонли бўлади. Бу йўналишдаги асарларнинг муаллифлари макон ва замонни тасвирлаш, хилма-хил ҳаётий ҳодисалар ва ваниятларни кўрсатиш, воқеликни турли нуқтадан (муаллиф, поясалар қатнашчиси, уларни четдан туриб кузатувчи персонажлар нуқтаи назаридан) акс эттириш, қисса шакли (муаллиф номидан, иштирокчи тилидан, ёзишма, кундалик тарзида ва х.к.)ни танлаш имкониятлари чекланмайди. Булар ҳаммаси эпосдаги мураккаб ҳаётий жараёнларни терди ва ҳар томонлама тушунтиришга ёрдам беради.

Санъатнинг ўзаро яқин соҳаларига хос приём ва воситалардан фойдаланувчи лирика ва драмадан фаркли ўлароқ; эпос бадий тилнинг адабиётнинг асосий элементи сифатидаги имкониятларига бутунлай асосланади.

Адабий турлар назариясида мураккаб муаммолар сифатида “эпиклик” билан бирга “драматиклик” (“драматизм”), “лириклик” (“лиризм”) сингари сўзлар ҳам юзага чикади ва улар у ёхуд бу асарнинг қайси адабий турга мансублигини омас, балки бошқа хусусиятларни ифодалаб келади.

Эпиклик ҳаётни бутун муракаблиги ва серқатламлиги билан улуғворона сокин бир шаклда идрок этишни, дунёга бўлган қарашнинг кенглигини ва уни яхлит бир тарзда тасаввур қилишни англатади. Шу муносабат билан Ҳомер достонлари ва кейинги даврларда яратилган бир қатор асарлар (масалан, Л.Н.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” асари)да бадий мужассамланган “ҳаётни идрок этиш” тўғрисида баҳс юритадилар. Эпиклик ғоявий-эмоционал йўналиш сифатида нафақат эпик асарлар, айни пайтда, драма (масалан, А.С.Пушкиннинг “Борис Годунов”) ва лирика (масалан, Ойбекнинг “Раиса”си)да ҳам ҳозир бўлиши мумкин.

Эпиклик билан бирга ҳар бир адабий турда драматизм ва лиризм унсурлари ҳам бўлиши мумкин. Драматизм деб одатда қандайдир зиддиятлар, қарама-қаршиликларни ке-чириш изтироблари, ҳаяжон ва ташвиш билан боғлик кай-фиятни, ҳолатни айтадилар, ниҳоят, лиризм эса муаллиф, ҳикоянавис ёхуд персонаж нуткида ифодаланган кўтариин-ки эмоционалликдир. Агар шу нуктаи назардан қарайдиган бўлсак, Л.Толстойнинг “Анна Каренина” ёхуд Ойбекнинг “Кутлуғ кон” романлари, Ҳамид Олимжоннинг “Офелия-нинг ўлими” шеърлари драматизм билан тўла эканлигиии сезиш қийин эмас. Худди шунингдек, Абдулла Қодирий-нинг “Ўткан кунлар” ва Ойбекнинг “Навоий” романлари, Одил Ёкубовнинг “Муқаддас” ва Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди”, Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” ва А.Иброҳимовнинг “Биринчи мұхаббат” пьесалари ҳам нэфис лиризм билан суғорилган.

Биз эпиклик ёхуд эпик тасвир деганда “Ўткан кунлар” романида драматизм ва лиризмдан ҳоли бўлмаган ишқ тасвир компонентлари йиғиндисини назарда тутамиз. Худди шу эпик тасвир компонентларидан маҳорат билан фойдаланиш натижасида Абдулла Қодирийнинг узоқ йиллар даврлар мобайнида ҳалқ томонидан севилиб ўқилиб келаётган “Ўткан кунлар” романининг “сир”ини очишига ва бу “сир”нинг пайдо бўлишидаги ҳалқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимиз таъсирини кўрсатишга ҳаракат қиласиз. Бизнинг олдимизга қўйилган бу мақсад эса, аввало, анъана ва новаторлик муаммоси ҳақида баҳс юритишни тақозо этади.

Адабиётшуносликда анъанавийлик ва новаторлик ўзаро боғлик, бир-бирини тақозо киладиган ва бир-бирини тўлдирадиган адабий категориялар бўлиб, замонавийлик билан чамбарчас боғлиқдир. Новаторлик илғор адабий

шаклаларни инкор этмайди, балки уларга таянади ва улардан ижодий фойдаланади.

Новаторлик, биринчидан, тарихий тараққиётнинг янги босқичи бўлган ҳозирги даврда рўй бераётган воқеаларни чукур тушуниш, ҳаётий жараённинг энг қайноқ жабҳаларини бадиий идрок этиш, иккинчидан, етакчи қаҳрамонлар образи орқали тасвир этилаётган даврни ёркин ва ҳаққоний акс эттириш, учинчидан, инсон характери ва руҳий дунёсини чукур очиб бериш ва, ниҳоят, даврнинг муҳим ижтимоий ва маънавий муаммоларини дадил қутариб чиқиши йўли билан намоён бўлади. Булар, биринчи навбатда, шаклга эмас, мазмунга оид масалалардир. Ижтимоий ҳаётнинг жадал суръатлар билан олға интилиши жараёнида муттасил рўй бераётган янги воқеа-ҳодисаларни илғаб олиш, ҳали тарих бисотига ўтмаган, тўла даражада тугалланмаган, яъни ҳамон шаклланиш ҳолатида бўлган ижтимоий тамойилларни белгилаш ва уларни бадиий акс эттириш жараёнида бу тамойилларнинг тарихий истиқболини кўрсатиш, янги типларни, ёрқин индивидуал характерларни яратиш жуда мураккаб ва, айни вақтда, фавкулодда муҳимдир. Қисқаси бу масаланинг қийинчиликлари ва мураккабликлари жуда кўп. Новаторлик ана шу мураккаб ижодий жараёнда таркиб топиб ва намоён бўлиб боради. Унинг шаклланиши ва ривожланиши эса, биринчи навбатда, янги воқелик ва янги қаҳрамонларни, инсон характерларини бадиий кашф этиш тамойилининг кучайиб боришида, айни вақтда, янги мазмунга мувофиқ келадиган янги бадиий шаклларнинг вужудга келишида, улар ранг-баранглигининг ошишида, янги бадиий воситаларнинг кашф этиб боришида намоён бўлади.

Ҳар бир санъаткор ўз асари орқали мавжуд воқеликдаги айрим тамойилларга муносабат билдиради, ҳатто

улар устидан ҳукм ҳам чиқаради. Бу ҳол ёзувчининг тасвир этилаётган воқеалар ва қаҳрамонларга муайян муносабатини китобхонларга ҳадеб таъкидлаб кўрсатишини ёки ўз қарашларини бўлар-бўлмасга очикдан-очик қуруқ баён қилишини, образларни ўз ғоялари жарчисига айлантириб юборишини англатмайди. Бундай ҳол асарнинг бадиий кучига салбий таъсир кўрсатиши, асар бадиий қимматининг пасайишига олиб келиши мумкин. Ҳақиқий новаторона яратилган асарларда бундай ҳол рўй бермайди.

“Улуғ санъаткорлар бадиий ижод тажрибасига таянганилари ва ўша тажрибанинг энг яхши томонларини ўз асарларида мужассамлаштирганлари ҳолда, ҳар доим бирон янгилик яратганлар, янги фикр илгари сурганлар ёки гўё ҳаммага танишдек туюлган масалаларни янгича ёритганлар. Илмий тафаккур тараққиётидаги каби, бадиий ижодда ҳам, ўтмиш тажрибаси янги-авлодлар томонидан ўзлаштирилиб, танқидий равишда қайта ишланиб, бойитилиб, чукурлаштирилиб ва янги босқичга кўтарилиб келинади. Шу туфайли ўтмишдаги энг яхши анъаналарни давом эттирувчи санъаткорлар бадиий ижод тараққиётига ўз ҳиссаларини кўшган новаторлар сифатида ҳам намоён бўладилар”<sup>1</sup>.

Навоий достонларидағи тасвир усуллари ва ифода шаклларидан ижодий озиқланган Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романни шу хилдаги асарлар жумласидандир. Алишер Навоий ва Абдулла Қодирийнинг биз таҳлилга тортган асарлари тасвир этилган тарихий давр ва қаҳрамонларнинг янгилиги, ёрқин характерларнинг яратилиши, поэтик кемпонентларнинг уйғулиги, тасвир тили ва услуби билан ўзбек адабиётининг ноёб асарлари сирасига киради.

<sup>1</sup> Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. -Т: Ўқитувчи, 1995, 185-186-бетлар.

Сўнгги чорак аср ичиде Абдулла Қодирий асарлари, жумладан, “Ўткан кунлар” романни қайта-қайта ўқилиб, ўзининг холисона баҳосини олди. Романни қайта ўкиш жараёнида асардаги новаторлик белгилари, унинг бадий мукаммаллиги, тилининг равонлиги, ёзувчининг қаҳрамонлар ички дунёсини очишдаги маҳорати ва бошқа кўпгина масалалар ўз талқини ва тадқиқини топди.

“Ўткан кунлар” романига бағишлиланган кўлгина тадқиқотларда Отабек ва Кумушбиби фожиалари сабабини ахтарганда тадқиқотчилар Абдулла Қодирий эскириб қолган урф-одатлар, “ота-она раъий”, “кундошлик балоси” ва қора кучларни кўрсатишга кўп эътибор беради, шунинг учун ҳам конфликт синфий кураш тарзида эмас, “яхши” билан “ёмон”, “эскилик” билан “янгича” курашлар, эзгу ниятли кишилар билан разиллар ўртасидаги кураш тарикасида юзага чиқади, деб таъкидлашади. Бу фикр, умуман, тўғрига ўхшаб туюлса-да, бизнингча, асосли эмас. Кишилик жамияти тарихида ижтимоий кураш ҳамиша ҳам баррикадаларда, очик тарзда намоён бўлавермайди. Унинг ички, сокин кўринишлари ҳам мавжуд. Масалан, оиласий зиддиятлар жамиятдаги ижтимоий конфликтларнинг аксадоси ёки бир бўлаги эмасми? Қолаверса, романдаги воқеалар асосан бир синф вакиллари орасида содир бўлади. Отабек ўзига тўқ, ҳаётидан нолиш учун асоси бўлмаган оиласдан чиққанига қарамай, замон пўртаналари унинг осойишта қайиғини ҳам чайқатиб юборади ва, ниҳоят, парчалаб ташлаб, унинг ўзини қирғокқа улоқтириб юборади.

Агар Абдулла Қодирий Юсуфбек ҳожи ёки Отабекдаги исёнкорликни кўрсатишга янада кучли урғу бериб, уларни ўзлари мансуб бўлган синфга бутунлай қарши ҳаракат қилдирганида, ҳаёт ҳақиқати бузилган бўлиши мумкин эди. Юсуфбек ҳожи ва Отабек эл-юрт ҳаётида рўй бераётган

вокеаларга қанчалик танқидий қарамасинлар, зулмга, зулмни туғдирувчи кучларга қарши қанчалик норозилик билдирмасинлар, барибир, улар ўзлари яшаган даврнинг фарзандларигина эдилар, холос. Тўғри, улар дунёқарашида жадидона рух, маърифатпарварлик унсурлари устун эди. Улар жамиятни маърифий ислоҳотлар ўtkазиш йўли билан янгилаш ва яхшилаш тарафдори бўлган жадидларга рухан яқин кишилар эди. Юсуфбек ҳожининг уйида бўлиб ўтган ўтиришда қипчоқ қирғини муносабати билан жамиятнинг бузилгани, бошқарув тизимининг ярамаслиги, амир амалдорларининг шахсиятпаст ва манфаатпастлиги, узокни кўра олмаслиги хусусида баҳс-мунозара бўлганда Пирназар жаллоднинг ёмонларнинг бошини олиш йўли билан жамиятни тозалаш ҳақидаги фикрига қарши ҳожи қўйидаги сўзларни бежиз айтмайди:

“Бизнинг каттадан-кичигимизнинг, – деди ҳожи, – топкан-тутқанимиз фақат бош олиш... Биз ўйлаймизки, гўё бош олиш билан олам тинчийдир ва биз ўз хоҳлаганимизни қила оламиз. Тузик, жаллод айткандек, ёмоннинг бошини олмоққа мен ҳам қарши эмасман ва лекин бунинг нозик шартлари бор: аввало, манфаати шахсиясидан воз кечиб, фақат эл баҳти учун бош тикканлар жамоаси керак ва бу жамоанинг ўз маслаки йўлида кузаткан маълум бир нишонаси бўлмоғи зарур. Ана шундан кейин ҳалиги нишонага қараб интилища оёғ остига элашкан чўп-хасларни супира бориш лозим. Мана шундагина тўкилган қонлар ўринлик ва машруъ, берилган бошлар чин қурбон ҳисобланадирлар”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Кодирий Абдулла. Ўткан кунлар. Мехробдан чаён. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1994. -Б. 319 (Бундан кейин ушбу нашрга мурожаат этилганда кўчирма олинган саҳифа қавсичида қайд этиб борилади).

Адабиётшунослар одатда у ё бу ёзувчи қаҳрамонлари-нинг синфий чекланганлиги хусусида баҳс юритадилар. Шуни алохида таъкидлаш жоизки, Абдулла Қодирий феодал давр фарзандларини ўзлари яшаган давлат тузумига карши қўя олмаган ва бу ҳолни эътибордан қочирмаслик керак.

Абдулла Қодирий ўз романи олдига қаҳрамон характерининг давр билан чамбарчас алоқада шаклланишини кузатиш ва таҳлил қилиш вазифасини қўймаган. Натижада ёзувчининг бош қаҳрамонлари асарга ижтимоий муносабатларнинг тайёр маҳсули сифатида кириб хелганлар. Асарда майший ҳаёт манзаралари ёрқин ва ҳаққоний тасвирланган бўлса ҳам, унда тарихий даврнинг чукур ижтимоий таҳлили берилмаган, яъни давр унда кўпроқ тарихий фон ролини ўйнаган, холос.

Абдулла Қодирий реалистик тасвир услубининг XX аср адабиётида пешқадамлик қилиши лозимлигини тўғри тушунган. Шунинг учун ҳам ўз салафлари ижодий тажрибасидан муттасил ўрганган ҳолда бу услубнинг ўзига мос янги тамойилларини ишлаб чиқди ва улардан ўз романида тўғри фойдаланди.

Адабиётшунос Л.Климович: “Абдулла Қодирийнинг тарихий роман жанрига мурожаат қилганлигининг ўзи ўзбек адабиёти учун чин новаторлик бўлди”, – деб баҳо берганида жуда ҳақ эди.

Новаторлик, биринчи навбатда, ижодий фикрлашдан бошланади. Ёзувчи фикрида янгилик, ўткирлик бўлиши керак. Унинг қарашлари, ўй-мулоҳазалари ҳаётнинг энг чукур қатламларини теран ёритиб бериши шарт. Ижодкор оддий кишидан, ўрта маълумотли замондошидан фарқ қилиши зарур. Бу унинг қайнок ҳаёт ичига кириб бориш, бошқалар кўра олмаган нарсаларни кўриш, хис қилиш ва

уларни юракларни тўлқинлантирадиган даражада ёрқин ва рангин акс эттириш қобилияти билан белгиланади. Алишер Навоий ва Абдулла Қодирийдаги бадиий тафаккурнинг ўткирлиги ва кўламдорлиги асарларининг салмоқли бўлишига олиб келган ва улар яратган асарларнинг бадиий қимматини белгилаб берган.

Абдулла Қодирий ўтмишни – “тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги “хон замонлари”ни янги давр ғоялари билан йўғрилган ҳолда акс эттириди. Куш учиб, қанчалик баландликка кўтарилса ҳам барибир уяси ердадир. Адабиёт ва санъатда ҳам худди шундай. Санъаткор узоқ ўтмиш тарихининг қанчалик теран жойларига кириб бормасин, барибир, ўз даврига қайтади, тўгрироғи, ўз даврининг юксак мезонлари асосида ўтмишга назар ташлайди. Қисқаси, тарихий ўтмиш материалларини, тарихий сиймолар ва воқеаларни бугунги кунга хизмат қилдира билиш катта бадиий маҳоратнинг белгисидирки, бу нарса “Ўткан кунлар” романида равшан кўринади.

Адаб халқимиз тарихига назар ташлар ва шу тарихнинг “энг кирлик” саҳифаларини тасвирлар экан, бу билан унинг миллат сифатида ўзлигини англашига, ўз истиқболини янада аниқрок кўришига ёрдам бергандек бўлади. Агар шу жиҳатдан, асарнинг ғоявий бойлиги ҳақида гапирадиган бўлсак, унда эл-юртнинг мустақиллиги, бирлиги, тотувлиги, тинчлиги масаласи асосий пафос даражасига кўтарилганини айтиш ўринлидир. Асарнинг асосий қаҳрамонлари Отабек ва Юсуфбек ҳожилар ўз юртининг, халқининг истиқболи, фаровонлиги ва осойишталик йўлига ҳаётларини, жонларини тиккан фидойи инсонлардир.

“Биз, – деб ёзган эди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров, – “Ўткан кунлар” романига бугунги истиқбол ғоялари нуқтаи назаридан янгича ёндашмоғимиз

көрак. Ана шунда ҳалигача барадла айтилмаган бир ҳакиқатни – Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида ўзбек ҳалқининг мустакил давлат бўлиб яшаган даврларини теран бир кўмсаш билан тасвирланганини пайқаймиз”<sup>1</sup>.

Абдулла Қодирий романларида тасвирланган асосий қаҳрамонлар ўзларининг ҳаётийлиги, табиийлиги, қалбларининг товланма жилвалари, маънавий юксаклиги, жозибаси, сир–асрорларга бой олами билан кишини мафтун этади. “Ўткан кунлар”да ҳатто ўзига тўқ, бадавлат оиласда тарбияланиб, вояга етган Юсуфбек ҳожи, Мирзакарим кутидор сингари жамиятнинг сара кишилари паноҳида бўлган Отабек билан Кумушнинг ҳам чинакамига баҳтли бўлишлари учун имконият йўқлигини кўрсатиш – ёзувчининг асосий мақсадларидан бирини ташкил этади. Ёшларнинг баҳтли бўлиши йўлида ғов бўлиб турган кучларни кўрсатиш хоҳиши Абдулла Қодирийдан ўтмиш ҳаётдаги тўлибтошиб ётган иллатларни, кучли тўсиқларни, ранжу машакқатларни янада қабартириб тасвирлашни ва ёрқин бадиий гавдалантиришни тақозо қилас эди. Адид шу мақсадига мувофиқ келадиган қаҳрамонларни топди, уларнинг “Тоҳир ва Зухра”лар, “Фарҳод ва Ширин”лар билан ҳамоҳанг бўлган образларини яратди.

Замонавий рух “Ўткан кунлар” романининг бутун бадиий тўқимасида, тили ва тасвир маданиятида ҳам ёрқин намоён бўлади. “Асарда замон руҳисиз китобхонга таъсир кўрсатиб бўлмайди”, – деган эди рус ёзувчиси М.Пришвин. – Асар ичидаги воқеалар нима тўғрисида бўлмасин ва улар замонавий мавзудан қанчалик узоклашмасин, барибир, ички мавзу доимо замонавийдир”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қодиров П. Абдулла Қодирий қаҳрамонлиги // Ўзбекистон овози. 1992. 11-апрель.

<sup>2</sup> Кўчирма қўйидаги китобдан олинди: Кулжонов А. Замонавийлик ва ижодий метод. – Т.: 1976. –Б. 61.

Абдулла Қодирийнинг тарихий мавзудаги романи ўзининг анъанавийлиги ва “ички мавзусининг доимо замонавийлиги” билан ҳали-ҳамон кенг китобхонлар оммасини мафтун этиб, уларга кучли таъсир кўрсатиб келаяпти. Бу романларда замонавийлик ёзувчи бадиий тафаккури, воқеликни билиш усули, тарихий ўтмишга қандай муносабатда бўлиш ва уни тасвирлашдаги нуктаи назар, образларни яратишдаги гоявий-эстетик тамойиллар сифатида мавжуд ва устувор аҳамиятга эга.

Ўзбек адабиётининг 20–30–йилларда яратилган бошқа баркамол намуналари каби бу роман ҳам адабиётимизда реализм тамойилларининг тасдиқланишида ҳал қилувчи роль ўйнади. Биз бу ерда кишиларни ва уларнинг хаёт шароитини бўяб-бежамасдан, ҳаққоний акс эттиришга қаратилган тасвир маданиятини, яъни етук реализмни кўзда тутамиз. Абдулла Қодирийнинг тарихий романлари реализмнинг барча талабларига жавоб беради ва сирасини айтганда, ўзбек адабиётида реализмнинг етакчи тасвир услуби сифатида тантана қилишида муҳим роль ўйнади.

“Уткан кунлар”, биринчи навбатда, тарихий романдир. Абдулла Қодирий ўз асарида тасвирламоқчи бўлган давр ҳаётини жуда яхши билган. Ёзувчи бир неча хонлар замонини бошидан кечирган отаси Қодир бободан жуда кўп қизиқарли воқеаларни эшифтган. Бундан ташқари, Худоёрхоннинг охирги хотинларидан бири Розия ойим билан учрашган ва Кўқонда бир ой қолиб, ундан кўпгина қизиқарли ва характерли эсдаликларни ёзиб олган. Шунинdek, у Кўқон хонлигининг сўнгги даврига оид кўпгина тарихий манбаларни ҳам синчиклаб ўрганган.

Аммо Абдулла Қодирий асарни ёзишга киришар экан, тарихий фактлар занжирига, муайян тарихий воқеалар силсиласига боғланибгина қолмай, ўз мақсадидан, роман

коинцепциясидан келиб чиққан ҳолда тўқима воқеалар ва тўқима қаҳрамонлар образини ҳам яратди. У Отабек ва Кумушнинг баҳтсиз севгиси, руҳий ва маънавий гўзаллигини тасвирлашда ўзини тарихий фактлар доираси билан чеклаб қўйиши истамади. Бу ҳол асарда тарихий ҳақиқатнинг бадиий ҳақиқатга айланишини тўла таъминлайди. Абдулла Қодирий ижоди билан бошланган ўзбек тарихий романларига хос тўқима сюжет ва тўқима қаҳрамонлар тасвири ҳозирги насримизнинг устувор ва асосий хусусиятларидан бири бўлиб қолди.

Ўзбек адабиётшунослигида замонавийлик муаммосини бир томонлама, кўпинча юзаки ўрганишнинг сабабларидан бири анъана билан замонавийликнинг ўзаро диалектик алоқасини, замонавийлик замирида вужудга келган новаторликни бирёқлама тушуниш ва талқин этишда қўринади. Аслида замонавийлик доимо анъана ва новаторлик масалалари билан чамбарчас боғлиқ муаммодир. Бу масалага таниқли олим М.Юнусовнинг “Традиция ва новаторлик проблемаси” номли монографиясида алоҳида эътибор берган.

М.Юнусов ўз асарида, биринчи навбатда, "...ёш ўзбек шеъриятининг новаторлик хусусиятларини аниқлашга интилган ва бу ўринда кўпроқ ижтимоий воқеликнинг янгилигига алоҳида эътибор қаратган. Воқеликнинг янгилиги ва шу асосда долзарб фикрни айтишга интилиш – бу ҳали асарнинг юксак бадиийлиги, деган сўз эмас, албатта. Санъат асари ўзининг чукур ғоявийлиги ва чинакам бадиияти билан тирик.

Адабиёт ва санъатдаги замонавийлик ҳаётни ва унда рўй берәётган муҳим, жиддий ўзгаришларни бадиий ўзлаштириш, уларни ҳаққоний ва гўзал бадиий образлар орқали акс эттиришда зухур бўлади. Агар “Ўткан кунлар”

романига шу нүқтai назардан ёндошсак, қуйидаги ҳолатларни күрамиз:

Биринчидан, мумтоз адабиёт ва оғзаки ижод намуналаридағи эпик тасвирдан фарқли үлароқ, Абдулла Қодирий үз асарида икки бадий қатlamдан фойдаланган. Агар бу қатlamларнинг бири ёзувчининг бадий фантазияси асосида майдонга келган бўлса, иккинчиси роман воқеалари кечган тарихий давр ҳақиқатини ифодаловчи қатlamdir. Отабек ва Кумушнинг мураккаб ҳаёти ва тақдири тасвири романда тахминан халқ, китоблари ё ёзма адабиётнинг эпик намуналарда бўлгани каби бадий тўқима кучи билан ҳаракатга келади. Аммо Абдулла Қодирий романдаги бу бадий қатlamни канчалик маҳорат билан тасвирламасин, асар тўқимасига тарихий даврнинг реал манзаралари кириб келиши билан асар реализми ёрқин тус олади, китобхоннинг Отабек ва Кумуш образларини реал кишилар сифатида идрок этиши объектив жараён үлароқ юз беради. Худди шу нүқтада ёзувчи бадий тасвирга новаторлик белгиларини дадил олиб киради.

“Ўтган кунлар” романы, – деб ёзган эди Ойбек, – тарихий сюжетта эга. Ҳақиқатдан асарда жуда кўп тарихий воқеалар, фактлар тасвир этилади, Ёзувчи тарихий материалларни кўпроқ киритиб, асарда тарихий турмушни акс эттиришга, тарихий манзарани таъмин қилишга муваффақ ҳам бўлади. Воқеалар чиндан ҳам тарихий бир шароитда, тарихий картиналар доирасида инкишоф қилинади. Воқеаларнинг давомида ёзувчи обстановкани шундай тасвирлайдики, чиндан ҳам буёқлар турмушнинг тарихий хусусиятга эга эканини гавдалантиради”<sup>1</sup>.

Ойбек “Абдулла Қодирийнинг ижодий йули” деган тадқиқотида биз тарихий давр тасвири ёхуд ҳақиқати деб

<sup>1</sup> Ойбек Мукаммал асарлар тўплами. XIV том.–Т.: Фан, 1979. –Б.122.

атаган катламни бадий хроника, дейди. Ана шу бадий хрониканинг анъанавий эпик тасвирга олиб кирилиши одибнинг, сўзсиз, новаторлигиdir.

Иккинчидан, агар халқ китобларида ҳам, мумтоз адабист намуналарида ҳам эпик тасвир қарийб бир хил оҳанг ўзи ритмда давом этган бўлса, “Ўткан кунлар”даги тасвир раинг-баранг шакл ва оҳанг касб этади; воқеалар тақозоси билан гоҳ тезлашиб, гоҳ секинлашади, ички монолог, лирик кечинма, сир сақлаш каби тасвир воситалари ва усуллари романдаги эпик тасвирга янги-янги тўлқин бериб турадики, бу ҳам биринчи, иккинчи ва учинчи бобларда юнес қиласхагимиз халқ ижоди ва мумтоз адабиёт асарларида ёркин тус олмаган.

Худди шу нарсадан келиб чикувчи учинчи бир хусусияти шунда кўринадики, Абдулла Қодирий эпик тасвирга полифонизмни, кўп овозлиликни олиб киради, “қиссадан ҳисса” қабилидаги киритма воқеалар тасвиридан фойдаланди. Чунончи, романнинг бадий курилмасига ўзгача жозиба бағишилаган уста Алим ҳикояси шундай “қиссадан ҳисса”дир.

Тўртинчидан, Абдулла Қодирий томонидан қўлланган тасвирдаги новаторлик белгилари пировардида шундай манзара яратадики, бу манзарада халқ ҳаёти ҳам ўз фожиалари, ташвишлари ва муаммолари билан гавдаланади. Ўтмиш ва ҳозирги (асарда тасвирланган) давр, халқ, ва бош қаҳрамонлар, истибодод ваadolатли замон орзуси сингари жуфт ҳодисалар асардаги эпик тасвир жараёнида аниқ қирралар касб этиб боради.

Ойбек мазкур романни таҳлил этар экан, яна бир муҳим масалага диққат-эътиборимизни қаратиб, бундай ёзган эди:

“Тавсиф бошқа, образ – характер бошқа. Воқеалар об-разлардагина конкрет тажассумга, типик чизгиларга эга бўла оладилар. “Тошкент қамалда” ва “Азизбек” деган пар-чаларда ҳам ёзувчининг асосий қиёми деталь, тавсиф бе-ришdir. Бунда “калла миноралар”, кўрғонлар, мудофаа чоралари, у замоннинг сипоҳлари мукаммал тасвирланади, катта воқеаларга субъектнинг муносабатини кўрсатишга, айrim шахсларнинг кечинмалари орқали беришга тири-шилсада, аммо тавсиф буни босиб қўяди... Тавсиф, тарихий фактларни кўрсатиш кўпинча одамларнинг иштироки билан бир қадар жонланади”<sup>1</sup>.

Ойбек эътиборини қозонган тавсиф санъати романда тасвир санъати билан қўшилиб, тарихий давр ва қаҳрамон-лар ҳаётининг мукаммал манзарасини яратганки, бадий тасвирдаги бундай мукаммаллик ва тугалланганликнинг “Тоҳир ва Зухра” халқ китоби “Хамса”га кирган “Лайли ва Мажнун” ёхуд “Фарҳод ва Ширин” достонидан топишнинг иложи йўқ. Ана шу тасвир мукаммаллиги романнинг бе-шинчи, муҳим хусусиятидир.

Хуллас, романдаги эпик тасвирнинг ана шу муҳим белгилари туфайли асар персонажлари ёрқин, тўлақонли образ даражасига кўтарилади. Бу образлар замирида ётган миллий ва маънавий қадриятлар, олижаноб инсоний фази-латлар – замонлар ўтсада – ўз қадр-қимматини йўқотмай-ди. Улар замонавийлигининг асоси худди шундадир.

Новаторлик фақат тасвир усулларида гина эмас, айни вақтда қаҳрамонларнинг танланишида ҳам аниқ қўзга таш-ланади. Асарда мураккаб воқеалар ва хилма-хил қаҳра-монлар ўртасидаги муносабатнинг акс эттирилишида ҳам, улар руҳий оламининг очилиши ва қиёфасининг гавдалан-тирилиши, тилининг индивидуаллаштирилишида ҳам,

<sup>1</sup> Ойбек. Мукаммал асарлар тўлами. XIV том. – Т.: Фан, 1979. 125-126-бетлар.

композиция ва сюжетнинг ишланишида ҳам Абдулла Қодирийнинг ўзига хос маҳорати аник сезилади. Романнинг бутун руҳида новаторлик, унга жасорат билан интилиш руҳи уфуриб туради.

Абдулла Қодирийнинг новаторлиги адабий тилдаги сохта буёқдорлик; ортиқча дабдабавозликка қарши ўлароқ поқеалар ва қаҳрамонларни тип материали орқали ёрқин бүеклар билан ифодалашга интилишида ҳам жуда равшан кўринади.

Улкан адид Ойбек: “Абдулла Қодирий малакали ёзувчи, ҳаммамиз қўлдан қўймай ўкийдиган ўзбек адабиётининг биринчи улкан ва гўзал романларининг автори эди. У тугма эпик ёзувчи кенг кўламдаги мастер, юксак маънодаги реалист санъаткор эди”<sup>1</sup>, – деганида тўла ҳаклидир.

Адиднинг ўғли Ҳабибулла Қодирий ўз мақолаларида “Ўткан кунлар”да тасвирланган айрим образларнинг тарихий замири борлигига, айрим прототиплари мавжуддигига имо-ишора қилгандай бўлади.

Ҳаётдаги янги тамойилларнинг қарор топишига қаршилик кўрсатадиган кучлар оз эмас. Уларни акс эттиришда реалистик асосларнинг кучайиб бориши ва ғоявий-эстетик тамойилларнинг янада чуқурлашуви, биринчи навбатда, санъаткорларнинг воқеликни чукур тушуниши, фаол ижод қилиши, ижодда эса муттасил изланишлари туфайли содир бўлади.

Агар “Ўткан кунлар” романига шу жиҳатдан назар ташланса, асарнинг бадиий ютуқларидан бири жаҳолатнинг пўлат чангали бутун жамиятни, ҳатто имтиёзли синф вакилларини ҳам бўғиб ташлаганининг ёрқин лавҳаларда кўрсатилишида деб, баҳолаш мумкин.

<sup>1</sup> Ўзбекистон маданияти, 1966. 1-октябрь.

Адиб жамиятнинг илғор фикр кишиларни барча инсоний ҳақ-хуқуқлардан маҳрум килиб, оғир фожиаларга дучор этишини Кумуш ва Отабек мухаббати мисолида ёрқин намойиш этган. Романин ўқиб, шундай мулоҳазага борамиз: модомики, ҳаёт имтиёзли табақа вакилларига нисбатан шу даражада бешафқат экан, оддий меҳнаткаш халқнинг эрк ва ҳақ-хуқуқлари хусусида сўзлаб ўтираса ҳам бўлади.

“Ўткан кунлар” романининг ўлмас асар даражасига кўтарилишининг сабаби шундаки, ёзувчи ўз гоясини юксак бадиий шаклда ифодалай олган. Яъни, ёзувчи олға сурмоқчи бўлган ғояни ифодалаш учун энг мухим манбага суюнган, зарур воситани тўғри танлай олған ва ундан унумли фойдаланган. Булар ўша даврга хос жонли ва типик характерлардир.

Абдулла Қодирий XX аср бошларида Европада урф бўлган, лекин омма тушунмайдиган мураккаб усулда ёзиши талаб қилувчи, мумтоз адабиётнинг баъзи “эскирган приёмлари”дан фойдаланишни қораловчи танқидчиларга жавобан ҳақли равишда ёзган эди: “...бу эски приём жўрттага халқимизнинг савиясини эътиборга олиб қабул қилингандир. Халқнинг завқини, руҳини назарда тутилмаса, “сўнгги приём” деб Европанинг сўнгги модасини тақдим қилинса, бундан нима маъно чиқариб бўлар эди... Вақтики, биз, кўпчилик ишчи ва деҳқон оммасига ёзар эканмиз, “эски приём билан ёзади, бинобарин алайҳи бу ёзувчига биринчи номерни бермаймиз” қабилидаги танқидлардан кўрқмаймиз”<sup>1</sup>.

Абдулла Қодирий замонасидан узоқ ўтмиш материалига мурожаат этар экан, ўз асарининг мазмунан салмоқ-

<sup>1</sup> Қодирий А. Ўткан кунлар ва “Ўткан кунлар” танқиди устида баъзи мулоҳазалар // А. Қодирий. Кичик асарлар. -Т.: Ўздавнашр, 1964. -Б.195.

дор бўлишига, уни замондошлари учун мухим бўлган ижтимоий муаммолар билан боғлашга интилади. Отабек ва Кумуш муҳаббати тарихини икки оғиз сўз билан ифодалаш мумкин: ота-она орзуси билан уйланиши натижасида бир-бирларидан фожиали равишда жудо бўлган киз ва йигит Шарқ халқлари учун оддий бир ҳодиса эди. Бу ҳодиса кишиларнинг онгига шунчалик ўрнашиб кетган эдики, кўпчилик унинг ғайриинсоний экани ва одамлар учун фожиали бўлишини ҳатто сезмас ҳам эди: бу ҳодиса маиший ва ахлоқий норма қаторига кириб кетган, миллионлаб кишилар ота-она орзуси билан оила қуриб, муҳаббат нима канини, муҳаббатсиз ҳаётнинг ҳаёт эмаслигини билмай, дунёдан ўтиб кета берадилар. Кумуш ва Отабек тақдири оркали ёзувчи муҳаббатдек ёниқ ва гўзал ҳиснинг жамият ҳафтидаги ўрнини кўрсатиб берди, миллионлаб кишиларга қақиқий одамларга ўхшаб яшашни ўргатди, уларда шундай яшашга интилиш туғдирди.

Абдулла Қодирий маҳоратининг яна бир қирраси шундаки, икки ёшнинг муҳаббати можароси ёрдамида у ғоят мухим ижтимоий гояни ифодалаш ва феодал тузумни “тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари” сифатида фош қилишдан ташкири, ҳозирги замонни қадрлашга чакиради ва китобхонларни ўтмишнинг ҳозирги замондаги сарқитлари билан курашга даъват этади.

Буюк ёзувчилар ўз замонасининг энг мухим ҳаётий ҳодисаларини тасвирлаши, жамият тараққиёти учун жуда зарур масалаларни ўртага ташлаши билан авлодлар учун мўътабар сиймолар бўлиб қолади.

Қолоқ жамият факат зулми билангина фарқланмайди. Зулмга мувофиқ урф-одатлар яратади, кишилар руҳиятида турғунлашиб қолган айрим қусурларни, ярамас одатларни мустаҳкамлайди. Бу урф-одатлар, турғун психологик бел-

гилар эса жамият ўтказаётган зулмни оқлайди, улар орқали ҳалқ бошига тушадиган фожиавий ҳолатлар яна ҳам даҳшатлироқ маъно касб этади.

Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар”да масаланинг бу томонини ҳам йирик планда кўрсата олди. Шу хилдаги жамият яратган урф-одатлардан бири ота-она орзуси эди. Ёшлар топган баҳт, муҳаббат ота-она томонидан доим ҳам ҳисобга олина берган эмас. Улар ўғил-қизларининг баҳтини ўзгача тушунганлар. Лайли ва Мажнун, Отабек ва Кумушлар мана шу чиркин орзу ҳаваснинг қурбонлари эди.

“Лайли ва Мажнун” ёхуд “Ўткан кунлар”ни ўқир эканмиз, ёшларнинг соғ муҳаббатини нобуд қилган урф-одатларга, уларни яратган муҳитга нафратлар ўқиймиз. Минг афсуски, жамият тараккиёти учун заарли бўлган одатлар бугун ҳам оз эмас. Бу асарларни ўқиб, шу хилдаги урф-одатлар моҳиятини тушунгандай бўламиз.

У.Норматовнинг ёзганидек: “...Ўткан кунлар” романига қадар ҳам, асар ёзилган пайтда ва ундан кейин ҳам ҳеч ким ўтган асрда миллат тақдири учун ҳаёт – мамот аҳамиятига молик тарихий ҳодисаларни, ўлканинг мустақилликдан маҳрум бўлиб, мустамлакачилар олдида таслим бўлишига олиб келган омилларни Қодирийдек чуқур, холис, таъсирчан бадиий таҳлил этган асар яратса олгани йўқ! Мана, “Ўткан кунлар”да романга хос тафаккурини таъмин этган бош омил! ... “Ўткан кунлар” бамисоли улкан ва тиник кўзгу, унда ҳалқимизнинг муайян тарихий шароит, вазиятдаги турмуши, аҳвол-руҳияти, маънавий дунёси, бўй-басти, қиёфаси кенг кўламда аниқ-равshan гавдалантирилган, ҳалканинг қандайлиги ўзига шундайлигича – бор ҳолича кўрсатилган, ўзбекнинг урф-одатлари – оила кўриш, уй-рўзгор тутиш, меҳмон кутиш, эр-хотин, ота-бала муносабатлари, тўй-ю аза, ҳар хил мажлислар, қувончли, завқли дамлар,

драматик фожиавий воқеалар, ўта шахсий-хусусий саргушишт, кечинмалар, ҳаёт – мамот аҳамиятига молик улкан ижтимоий-тарихий ҳодисалар, ўрда ҳаётидан тортиб, оддий мискин кимсаларнинг, хилма-хил табақага мансуб кишиларнинг турмуш тарзи, ташвиш-кувончларининг барчабарчаси унда мужассам”<sup>1</sup>.

Характерлар тасвиридаги психологик нозиклиги, миллий колорити, ижтимоий маъноси, сюжет ва композиция тувилишидаги мукаммаллиги билан “Ўткан кунлар” XX аср ўзбек адабиётида етакчи ўрин тутади. Маълумки, бадиий асар баркамоллигини таъминлайдиган омиллардан бири асар тилининг мукаммаллигидир. Шу жиҳатдан “Ўткан кунлар” романини текширар эканмиз, асарнинг тили содда, бой, ифода кучи зўр эканлигини кўриб, адаб маҳоратига таҳсинлар ўқиймиз. Машхур адабиётшунос Иззат Султонов: “Абдулла Қодирийнинг асарлари бадиий маҳорат намунасиdir. Бу асарларда асосий гоя доимо яққол ифода қилинади, одамлар ва уларнинг хаёт шароити худди “кўз олдимизда тургандек” тасвир этилади, бу асарларнинг сюжети доимо қизиқарли, тили бой ва ширин. Бу асарларнинг халққа манзур бўлгани бежиз эмас”<sup>2</sup>, – деб ёзганида ҳақдир.

“Ўткан кунлар” романининг бадиий аҳамияти тилининг равшанлиги, равонлиги, ёрқинлигига ҳамдир. Ёзувчи маҳорати тасвирланған ёхуд қаҳрамон руҳий ҳолатини аниқ ва ёрқин ифода эта оладиган сўз ва ибораларни топа билишдадир.

Абдулла Қодирий халқ тилини, унинг нозик томонларини ва сўз ясалиш конунларини яхши билиб, тил бойликларидан эркин фойдалана олган.

<sup>1</sup> Норматов У. “Ўткан кунлар” ҳайрати. – Т.: Ўқитувчи, 1996. –Б. 41.

<sup>2</sup> Султонов И. Ёзувчи А. Қодирий ҳақида // Қизил Ўзбекистон, 1956. 30-октябрь.

Агар асар ўқувчини ҳаяжонга сола олмаса, унинг эстетик дунёсини бойита олмаса, унинг яхшиликка ва ёмонликка муносабатини ўткирлаштира олмаса, унда нималар айтилмасин, қандай мавзу ва муаммолар қўйилмасин, у ҳакиқий санъат намунаси бўла олмайди. Бугун жаҳон тортишув қонунини менсимаслик мумкин бўлмагани каби, санъатнинг бу қонунини ҳам назар-писанд этмаслик мумкин эмас. Мазмун ва шакл бирлиги санъат асарининг мояхиятини ташкил этувчи муҳим мезондир.

Абдулла Қодирий адабий тараққиёт ва ижодий жараённинг энг қийин масалаларидан бири бўлган анъана ва новаторликни ўз романида муваффақиятли равишда ҳал этиб берди. Ёзувчининг ижодий изланишлари ўзбек адабиётида ҳар жиҳатдан етук бўлган йирик реалистик асарнинг яратилиши билан тугалланди.

“Абдулла Қодирий, – деб ёзган эди Дўстқораев, – ўз даврида эски усул, яъни мумтоз адабиётимизга хос усул билан замонавий Европа адабиётига хос янги усулни – “янги приём”ни моҳирона пайванд қилолган эди”<sup>1</sup>.

Ҳакиқатдан ҳам, Абдулла Қодирий ўзбек адабиётида янги бир йўлни кашф этди. Ҳозирги ўзбек ёзувчиларининг ҳар бири ўз дунёқарashi ва услуби билан ўзига хос бир дунё. Улар очаётган йўллар ҳам кўркам ва баркамол. Бирок улар насрдаги адабиёт чўққисига биринчи қўйилган сўқмоқни унутмайдилар, ўрни келганда, бу сўқмоқни фахр билан тилга оладилар.

Абдулла Қодирий бадиий ижоднинг юқоридаги талабини юксак даражада адо этган адиб сифатида қадрлидир. Ёзувчи “Ўткан кунлар” романида хилма-хил характерлар яратишга муваффақ бўлди. Миллий характер яратиш маҳорати романдек катта жанрда илк бор Абдулла Қодирий

<sup>1</sup> Дўстқораев Б. Гўзал Туркистон. –Т.: Маънавият, 1997.-Б. 7.

тожрибасида кўрилди. Абдулла Қодирийнинг бу тажрибаси үзбек адаблари учунгина эмас, балки қардош халқлар адаблари учун ҳам ижодий сабоқ мактабига айланди. Бу ҳақда туркман ёзувчиси Хидир Деряев ёзади:

“Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи менда бир умрга унутилмас таассурот қолдирган ва илхом бағишлаган. Шундан кейин менда туркман халқининг ўтмиши ҳисса роман ёзиш иштиёқи туғилди. Катга ҳият билан “Кисмат” романи устида иш бошладим”<sup>1</sup>.

Еки козоқ адаби Мухтор Авезов:

“Абдулла Қодирий (Жулқунбой) романлари 1920 йилларда, гўё текис сахрода тўсатдан Помир тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлади... У йигирманчи йиллардаги бутун туркий тиллар адабиёти бадиий прозасининг энг устасидир” – деб ёзади<sup>2</sup>.

Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг асосий муваффақияти шундаки, XIX аср феодал Туркистони ҳайётининг реал материали асосида озодликни севиш ва унинг учун кураш, муҳитнинг қули бўлиб қолмаслик, нурли келажакка интилиш, қулчиликнинг ҳар қандай шаклига қарши кураш, шахс эркинлигини мадҳ этиш каби даврнинг илгор ғояларини бўрттириб кўрсатди. Бу эса Абдулла Қодирий ижодий методининг мағзини ташкил этади.

Абдулла Қодирий романида тасвирланган қаҳрамонлар ўзларининг табиийлиги, қалбларининг кўз илғамас даражада товланиб туриши, фавқулодда кучли жозибаси, сирасорларга бойлиги билан кишини мафтун килади. Шунинг учун ҳам Эркин Воҳидов: “Дунё бизни Қодирий китоблари орқали ҳам танишини орзу қиласман. Чунки бу китоб-

<sup>1</sup> Қодирийни кўмсаб. Хотидалар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши музаллифи Ш. Қодирий. – Т.: Ҳалқ мероси, 1994. -Б. 76.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

лар халқымиз кечмишини қийшик ойнага солиб эмас, бутун бойлиги ва қарама-қаршилиги билан, ҳақконий ва аждодларимиз маданиятини ҳурматлаб, чинакам инсонпарварлик ва реализм анъаналари асосида тасвир этади” – дейди<sup>1</sup>.

Китобхон турмуш фактларининг бадиий талқинига бефарқ бўла олмаса, кимнингдир қисматига ачинса, кимгайдир нафрати ошса, бу ҳақиқий санъат асарига хос новаторлик белгисидир.

Шундан келиб чикиб айтиш мумкинки, Абдулла Кодирийнинг “Ўткан қунлар” романи тасвир объектигининг янгилиги, ёрқин характерларининг яратилганлиги, поэтик компонентларининг уйғунлиги, оригинал тасвир воситаляри билан новаторлик касб этади. “Ўткан қунлар”да чинакам замонавийлик ва бадиий новаторлик омухталиги асардаги:

- ✓ мазмун ва шакл уйғунлиги;
- ✓ роман сюжети, компонентларининг поэтик янгилиги;
- ✓ миллий қаҳрамонлар характерининг ёрқин ифодалиниши кабиларда равшан намоён бўлиб, айни жихатдан узбек адабиётининг ютуғи бўлиб колди.

<sup>1</sup> Ўша жойда.

## “ҮТКАН КУНЛАР” РОМАНИ ВА ХАЛҚ КИТОБЛАРИ

Халқ сўз санъатининг ҳормас ижодкоридир. Халқ бадиий ижодиёти эса жамият тарихининг, меҳнаткаш омма орзу-умидларининг бадиий қўзгуси бўлиб, у ёзма адабиётнинг тараккиётига ҳамиша самарали таъсир кўрсатиб келди. Шу билан бирга, халқ, яратган асарлар китобат қилинди, шоир ва адиблар томонидан ижодий ишланди. Шу тариқа оғзаки ва ёзма адабиётни бир-бирига чамбарчас боғловчи “халқ китоблари” деб аталган бадиий асарлар туркуми вужудга келди.

Сўз санъатининг сарчашмаси бўлган фольклор барча даврларда халқ ҳаётининг доимий йўлдоши, энг илғор, энг гоявий адабиёт эди. Халқ бадиий ижодининг ажойиб ёдгорликлари бутун-бутун авлодларнинг онги ва фикрини ўстириш, уларнинг эстетик дидини тарбиялаш, маънавий дунёсини бойитишда мислсиз катта роль ўйнаб келган. Шоир ва фольклоршунос Ҳамид Олимжон: “Халқ ўз бошидан қора кунларни кечириб турган бир вақтда ҳам яратади, ижод қиласди. Мамлакат қабристон тинчлигига кирган ва унда ҳоким феодалларнинг жарчилари қичқириб турган вақтда ҳам халқ яратар эди. Реакциянинг энг қора йилларида меҳнаткаш халқ орасида юз берган ҳар қандай интилиш бўғиздан бўғилиб турган кунларда ҳам халқ яратар, куйлар эди”<sup>1</sup>, – деб ёзган эди.

Ўрта Осиёда “Алпомиш”, “Гўрўғли” туркуми достонлари, “Лбо Муслим жангномаси”, “Сиёвуш қиссаси”, “Ҳазрат Али қиссалари”, “Шоҳномаи туркий” каби эпик қиссалар кенг тарқалган. “Тоҳир ва Зухра”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Баҳром ва Гуландон”, “Гулфарах”, “Санобар”, “Бўз ўғлон”, “Юсуфбек ва Аҳмадбек”, “Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам”, “Вомиқ ва Узро”,

<sup>1</sup> Олимжон Ҳ. Танланган асарлар. Уч жилдлик. З-жилд. -Т., 1960. -Б.332.

“Ойсулув”, “Кунтуғмиш”, “Равшан”, “Рустам”, “Ширин билан Шакар” каби ўнлаб халқ китоблари меҳнаткаш омманинг доимий ҳамроҳи, руҳий-маънавий озиғи сифатида катта шуҳрат топди. Инсонпарварлик, эркесеварлик, Ватанга ва эл-юрга муҳаббат, халқлар дўстлиги, тинчликсеварлик, қаҳрамонлик, мардлик, саховат, адолат сингари умрбоқий қадриятлар, ғоялар ва фазилатлар улуғланган бу кигоблар-нинг аксарияти халқ қалбига сингиб кетган бўлиб, тўй ва маъракаларда, оммавий сайил ва йиғинларда қайта-қайта куйланган, иштиёқ, билан ўқилган. Ўрта Осиёнинг турли жойларида котиблар, саводли кишилар томонидан кўп нус-халарда кўчирилган<sup>1</sup>.

Халқ китобларида ўқувчини мардлик ва қаҳрамонликка, ҳалол севги ва садоқатга етакловчи ғоялар ҳам, улар-нинг мунгли кўнглини аллаловчи, юпатувчи, алам ва ар-монларга тўла, ширин хаёлларга чўмдирувчи лавҳалар ҳам кўп учрайди. Шунинг учун ҳам ўтган асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёни кезиб чиққан венгриялик шарқшунос Г.Вамбери эл ичида машхур бўлган “Юсуфбек ва Аҳмадбек”, “Тоҳир ва Зухра” каби халқ китоблари – халқ романлари ҳақида қуидагиларни ёзган эди: “Ўзбекистонда бундай романлар сонсиз-саноқсиз даражада кўп бўлиб, ўзбеклар, асосан, шу хилдаги асарларни ғоят севадилар... Бундай асарлардан ўзбекларнинг миллий ҳис ва ифтихорини, мардлик ва қаҳрамонлигини акс эттирувчи кўпгина манзараларни топиш мумкин”<sup>2</sup>.

Халқ романлари ўзига хос специфик хусусиятларга эга бўлган бадиий асарлар бўлиб, ўзбек адабиёти тарихида алоҳида жанрни, соҳани, йўналишлардан бирини ташкил

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1964. 124–125–бетлар.

<sup>2</sup> Вамбери Г. Очерки Средний Азии. –М., 1968. –С.336.

тади. Бу асарлар аслида узок вактлар мобайнида халқ томонидан коллектив ижод маҳсули сифатида майдонга келтирилган ва халқ мулки сифатида унинг эстетик ҳисситини, ақл-заковатини тарбиялашга хизмат этган. Бино-бирин, халқ китобларининг биринчи ижодкори, муаллифи ҳисобдир.

Дунёда халқ оғзаки ижоди намуналардан у ёки бу дарежада таъсирланмаган қалам ахли йўқ. Бу таъсир серқирига бўлиб, қайси бир ижодкор ижодида бирмунча буртиб кўринса, бошқасининг асарлари мағиз-мағизига сингиб кетган бўлади. Яна бир тоифа ижодкорлар борки, улар ун асарлари сюжетини бевосита халқдан олиб, уни ўз бадиий мақсадларига мос равишда қайта ишлайдилар, ривожлантирадилар. Кўпгина ўзбек шоирлари бой фольклор материаллари асосида оригинал эпик асарлар яратганлар. Халқ китоблари эпик турнинг муҳим бир қисми сифатида шоирлар учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлган. Шоирлар халқ ижодидаги тайёр сюжет ва қаҳрамонлар саргузаштини ўз ижодий лабораторияларида қайта ишлайдилар, уларга тарихий шароитнинг талаб ва эҳтиёjlари тақозоси билан айрим ўзгартишларни киритиб, бадиий жиҳатдан сайқал бериб, ёзма адабиёт намуналарини яратганлар. Шундай қилиб, халқ оғзаки ижоди билан ёзма адабиётга хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган оригинал бадиий асарлар майдонга келган ва улар халққа манзур китоблар бўлиб қолган.

Маълумки, халқ ҳар қандай шароитда ҳам ижод этган, афсона, ривоят ва эртакларда ўз орзу-умидларини ифодалаган, эзгуликни улуглаб, ёвузликни қоралаган. Ҳар бир халқ ана шу афсона ва ривоятларда ўз даври воқеалари, ҳодисалари ва муаммоларини бевосита бўлсада акс эттирган. Эртак, ривоят, достонлар оғиздан-оғизга ўтиб, ўзга-

риб, бойиб, сайқал топиб борган. Бу ривоят ва достонларга мурожаат этган ёзувчилар улардаги ибратомуз фикрлар, гоялар, қаҳрамонлар образидан ўз даврларининг ижтимоий ва маънавий муаммоларини ёритишда, ёш авлодни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, юксак ғояларга садоқат руҳида тарбиялашда фойдаланганлар.

Ўзбек халқини янги “замоннинг “Тохир ва Зухра”лари, “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод ва Ширин”лари, “Бахромгўр”лари билан таништириш”га (203) бел боғлаган Абдулла Қодирий ҳам “Ўткан кунлар” романини яратар экан, халқ китоблари деб аталган битмас-туганмас маънавият чашмасидан қониб-қониб сув ичгани сир эмас. Асарда ахлоқий-дидактик руҳнинг устунлига, унинг халқона содда ва жозибали тил, енгил ва сержило услубда ёзилганлиги, чукур фалсафий-ҳикматона мазмунга йўғрилганлига, композицияси, сюжети, образлар олами, характерлар яратиш усули, конфликт ва коллизиялари, қисқаси, бутун қурилиши шундан далолат бериб турибди.

Албатта, Қодирий халқ китобларидан ўрганиш ва таъсирланиш билангина чекланиб қолмаган, истеъоддли ва маҳоратли бир адаб сифатида новаторлик намуналарини кўрсатиб, бу анъаналарни ўзига хос равишда ривожлантирган.

Худди шу нуктаи назардан қарабанд, ўзбек халқ оғзаки ижоди, хусусан, унинг эпик достонлари ўзбек адабиётида роман жанрининг пайдо бўлишида дастлабки муҳим манба бўлган. Чунки, роман жанрига хос кўп қирралик хусусиятлари халқ достонларига ҳам тааллуклидир. Негаки, халқ достонларига эртак, қўшиқ сингари кўпгина жанрларга хос хусусиятлар сингиб кетган! Достон жанрига хос бу каби хусусиятлар бошқа фольклор асарларида уйғулаша олмайди. Халқ достонларига хос бундай муҳим унсур-

лар энг қадим даврларда фольклорнинг бошқа жанрларида тайдо бўла бошлаб, кейинчалик достон жанри такомилига таъсир кўрсатган. Айниқса, қўшиқ ва эртакларда халқ достонларига хос эпиклик шаклланиб, вояга ета бошлаган. Шунинг учун ҳам Ўрта Осиё халқлари, хусусан ўзбек адабиётида роман жанрининг туғилиши ҳакида гап борганда халқ оғзаки ижоди, биринчи галда, достончилик катта роль ушаганилигини унутмаслик лозим<sup>1</sup>.

В.М.Жирмунский ва Х.Т.Зарифов ўзларининг “Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси” деган асарларида “халқ китоблари” ва “халқ романлари” ҳакида ҳам фикр юритиб, буларни умуман “романик достонлар” деб атаганлар<sup>2</sup>.

Халқ достонлари – “халқ романлари”нинг роман жанрга хос жиҳатларига келсак, бу, биринчи галда, уларнинг эпиклигидир. Эпиклик хусусиятлари билан боғлиқ бўлган кўп мавзулилик, кўп йўналишлилик, композициявий мураккаблик, конфликтни юзага келтиришдаги изчиллик, образларни индивидуаллаштиришга интилиш, романга хос тислаши усулидан фойдаланиш – буларнинг барча-барчаси ўзбек халқ достонларида жуда мураккаб кўринишларга эга.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, халқ достонларида наср билан назм бир бутунликни ташкил этади. Бу достонлардаги насрни ҳақиқий бадиий наср намунаси, дейиш қийин. Масалан, Умар Бокий томонидан яратилган “Фарҳод ва Ширин” достонида шеърий қисм билан бирга насррий қисм ҳам мавжудки, бу Бокийнинг, бир томондан, ёзма адабиётдан, иккинчи томондан, халқ оғзаки ижодиётидан кенг фойдаланганлигини кўрсатади<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Бу ҳакда қаранг: Мирвалиев С. Ўзбек романни. -Т.: Фан, 1969. 29-30-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Жирмунский В.М, Зарифов Х.Т. Узбекский народний героический эпос. -М.: Политиздат, 1947. -С. 132-164.

<sup>3</sup> Фарҳод ва Ширин (ўзбек халқ достони). -Т.: Фан, 1966. 3-10-бетлар.

Бундай ҳоллар бадиий тасвир воситалари, тил ва услугда ҳам очиқ намоён бўлади. Ана шу ўзаро таъсир ҳам роман жанри намуналарининг яратилишида адабий замин вазифасини ўтайди. Достон ва роман жанрларининг ўзаро муносабати масаласига келганда улар ўртасида алоқадорлик, аввало, воқеа ва образларни эпик изчиллик билан тасвирлашда, шу билан боғлиқ бўлган бадиий-тасвирий воситалар ҳамда турли услугб кўринишларида қўзга ташланади. Ўзбек романларининг пайдо бўлишида ана шу достонлардаги эпиклик хусусиятлари катта роль ўйнаган.

Филология фанлари доктори, проф. X.Хомидовнинг “Кўхна Шарқ даргалари” тўпламида эълон қилинган “Асри мизгача насримиз” номли мақоласида қадимиј наср намуналарини “жанр, тематика, ғоявий йўналиш ҳамда услугб жиҳатидан” беш гурӯхга ажратиб, тасниф қиласди. Улардан иккитасини фольклор намуналари ташкил этади:

“Турли мавзулардаги ишқий-саргузашт, ахлоқий-таълимий, қаҳрамонлик руҳидаги қиссалар: “Қаҳрамони қотил”, “Қиссаи Жамшид”, “Қиссаи Дилнавоз”, “Қиссаи Аҳмадбек ва Юсуфбек”, “Девонаи Машраб”, “Иброҳим Адҳам”, “Ҳазрати Али қиссаси”, “Қиссаи маликаи Дилором”, “Қиссаи Дороби Зарринкамар”, “Жангномаи Сухроби Ял”, “Китоби подшоҳ Афросиёб”, “Сиёвуш қиссаси” ана шу хилдаги асарлар сирасига киради. Бундай асарларда сюжет бир меъёрда, фавкулодда ўзгаришлар, ногаҳоний воқеаларсиз баён этилади. Асосий дикқат бош қаҳрамон саргузаштини мукаммал, ғоятда нафис, образли баён этишга қаратилган. Уларнинг таркибида руҳий ҳолат, табиат манзаралари, жангу жадаллар, қаҳрамонларининг келбати ва салобати тасвирига бағишлиланган қўплаб рубоий, ғазал, марсия, маснавийлар учрайди. Баъзиларида воқеа бошидан охиригача назм ва наср аралаш тарзда тасвирланади.

Саргузашт романлар: “Самироншоҳ”, “Барзунома”, “Дорбнома”, “Хотамнома”, “Жаҳонгирнома”, “Сайдбаттоли гоний”, “Абомуслимнома” каби ўнлаб асарлар ўзбек халқ романчилигининг классик намуналари ҳисобланади. Бу хилдаги китобларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда воқеа кўлами жуда кенг. Асосий қаҳрамонлардан ташвири, унинг фаолиятини тўлдириб, муаллиф ижодий ниятининг мукаммал тарзда ифодаланиши учун хизмат қиладиган ўнлаб образлар: воқеа ичидаги воқеалар ёки ҳикоя гаркибидағи ҳикоялар жуда кўп. Бир романнинг ўзи бир неча ўнлаб ҳикоятлардан ташкил топган. Уларда муаллиф кистрлар, осмоний боғу роғлар, сувости шаҳарлари, даврий ва босқичли воқеаларни тасвирлайди. Қаҳрамонлар воқеалар жараёнида шажаралари билан иштирок этади. Ушбу романларнинг бадиий нафосати, тасвирий воситалардан истифода этилиши ҳам ана шу қамровнинг ҳудудсизлиги, асосий қаҳрамонлар ва иккинчи даражали тимсолларнинг тоятда кўплиги билан белгиланади”<sup>1</sup>.

Олимнинг қайд этишича, Европа ва ўзбек романчилигига устувор бўлган уч асосий сюжет тизими – воқеалар қамрови, тимсоллар силсиласи ва бадиий унсурлар “Самироншоҳ”, “Дорбнома” ва “Барзунома” каби халқ романларида тўла мавжуд ва улар “ҳозирги романлар талаби ва табиатига тоятда яқиндир”<sup>2</sup>.

Табиийки, Абдулла Қодирий бу халқ китобларининг ликсариятидан хабардор бўлган ва улар адабнинг ижодий эволюцияси, тили ва услуби, асар сюжети, композициявий қурилиши, қаҳрамонлар характерини шакллантириш, уларнинг ички ва ташқи коллизия ва конфликтларини ривожлантириш, портретларини чизищда бевосита ва билвосита

<sup>1</sup> Ҳомидий Ҳ. Кўхна Шарқ дарғалари. –Т.: Шарқ, 1999. 20-21-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша китоб, -Б.323.

таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас эди. Асарда ахлоқий-дидактик руҳнинг устунлиги сабабларини изоҳлар экан, адабнинг ўзи бу ҳақда шундай деган эди:

“Дидактика усулини кўпроқ қўллашнинг сабаби “Ўткан кунлар”нинг оммамизнинг савиясига қараб ёзилишидан-дир. Маълумки, бизнинг омма то шу кунгача ҳам ўрта аср достон ва ҳикоялари билан озикланиб келадир. Омманинг шу ҳолини назарга олганда, бармоқ билан санаарлик беш-ўнтағина (улар ҳам ўз ҳунарларида нўноқдирлар) ёшларимиз учун “сўнгги приём”ни бериш тиши чиқмаган болага курт шимитиш каби бўлар эди. Ҳолбуки, бу эски приём жўрттага, ҳалқимизнинг савиясини эътиборга олиб қабул қилингандир. Ҳалқнинг завқини, руҳини назарда тутилмаса, “сўнгги приём” деб Оврупонинг сўнгги модасини тақдим қилинса, бундан нима маъно чиқариб бўлар эди?!.<sup>1</sup>..1.

Абдулла Қодирий биринчи ўзбек реалистик романини яратар экан, анчагина машаққатли йўлни босиб ўтди. Бу соҳада аниқ – тайин адабий анъана ва тажрибанинг бўлмаганлиги ёзувчи учун турли қийинчиликларни туғдирди. Ёзувчи олдида роман сюжетини белгилаш, асар композициясини кўриш, характер яратиш, образларни индивидуаллаштиришдан ташқари, наср тили ва услубини яратиш вазифаси ҳам турарди. У ана шундай қийинчиликларни кўрабила туриб, машаққатли ишга қўл урди. Айтиш мумкинки, ўзбек адабиёти тараққиёти тарихида реалистик роман яратиш томон бўлган ҳаракат асосан Абдулла Қодирий ижоди билан боғлиқ ҳолда вужудга келди. Ўзбек романининг туғилишида асосий роль ўйнаган тўрт манбани ўз ижодида уйғунаштира олдики, биз ўз ишимизда асосан икки манба – фольклор (биринчи талда ҳалқ достонлари) ва ўзбек

<sup>1</sup> Абдулла Қодирий. Ижод мешаққати. –Т.: Ўқитувчи, 1995. -Б.12.

мумтоз адабиёти – Алишер Навоийнинг эпик анъаналари хусусида фикр юритамиз.

Абдулла Қодирий ижоди ва унинг насрый асарлари хусусида, таъкидлаб ўтганимиз каби, бир катор илмий тадқиқотлар яратилган. Бу ишлар адабиётшунослик, хусусан, Қодирийшнуносликда муҳим аҳамиятга эга. Бу тадқиқотлардан келинган асосий хулоса шундаки, 20-йиллар ўзбек адабиётининг муҳим ютукларидан бири “Ўткан кунлар” романининг майдонга келиши билан боғлик. Абдулла Қодирий гарчи асар мавзуини “Ўткан кунлар” деб белгилаган бўлса ҳам унда роман жанрига хос баёнчиликдан тортиб эпик тасвиргача, портрет ва пейзаж тасвиридан характер яратишгача, оддий тавсифдан руҳий таҳлилгача, қисқаси, ҳаётни бадиий тадқиқ қилишнииг барча усуллари мавжуд эди<sup>1</sup>.

“Ўткан кунлар” романида тасвир этилган воқелик ўзбек халқи тарихининг муҳим бир даври – ҳонликларнинг смирилиши, инқирозга юз тутиши даврини ўз ичига олади. Гарчи асарда севги-муҳабbat ва оиласий баҳт тасвири катта ўрин эгалласа-да, унда ана шу севги ва баҳт йўлидаги қарама-қаршиликлару, тўсқинликлар халқ оғзаки ижоди намуналаридаидек, халқ, китобларидаидек бадиий изчилликда тасвирланади. Кумуш ва Отабекнинг бир-бирига оташин муҳаббати, бу йўлда улар чеккан ранжу машақватлари, ошиқ-маъшуқларнинг ўз севгиси йўлидаги вафодорлиги, қатъияти, жасорати, пок ишқни химоя қилиш йўлидаги қаҳрамонликлари бевосита ишқу ошиқлик мавзудидаги “Тоҳир ва Зухра”, “Вомиқ ва Узро”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Баҳром ва Гуландон”, “Варка Билан Гулшоҳ” каби халқ китоблари, достон ва эртакларига ҳамоҳанг. Отабекнинг ишқ йўлидаги қаҳрамонликлари

<sup>1</sup> Бу хакда қаранг. Мирвалиев С. Ўзбек романи. -Т.: Фан, 1969. -Б.93.

Фарҳод, Тоҳир, Баҳром, Вомик, Варқа ва бошқаларни эслатса, Кумушнинг садоқати ва жасорати Зуҳра, Ширин, Лайли, Дилором, Гулшоҳ сингари ўз севгисини қаттиқ туриб ҳимоя қилган севги ва вафо тимсолларини ёдга туширади.

Халқ китобларининг қаҳрамонлари аксарият ҳолларда ёлғиз фарзанд бўлишади. Бунинг устига, улар кўпинча ё бойнинг, ё савдогарнинг якка-ю ягонаси. Улар бир-бири нинг ё таърифини эшишиб, ё бир кўрганда ошиқ бўладилар. Бу қаҳрамонлар бир-бирларига ё беҳисоб ранжу мashaққатлари билан қайғу-азоблар чекиш, оламга достон бўлган саргузаштларни бошдан кечириш орқали етишадилар, ё, аксинча, аввал топишиб, кейин минг бир бало-ю оғатларга гирифтор бўладилар. Севишганларни бир-биридан жудо этиб, айрилиқ ўтига ёқувчилар, уларга душманлик қилувчилар асосан кизнинг унга етолмай қолган ошиқлари хисобланадилар. Қаҳрамонлар жуда оғир синовларни бошдан ўтказадилар, бир неча марта ўлимга хукм қилинадилар ёки ўлим хавфи остида қоладилар ва ҳамиша энг сўнгги лаҳзаларда уларнинг жонлари омон қолади. Ўзларининг бехад содда, ўта ишонувчан, ғоят самимийликлари туфайли ғанимлари томонидан осон алданадилар ва ҳоказо.

Бу муштаракликларнинг деярли барчасини “Ўткан кунлар”да ҳам кўрамиз. Отабек ҳам, Кумуш ҳам – ёлғиз фарзанд. Кумуш – савдогарнинг қизи бўлса, Отабек – хукумат хизматидаги баланд мартабали кишининг ўғли. Унинг савдогарлиги, гарчи айни пайтда бошқа хизматда бўлса ҳам, отасининг бир пайтлар савдогарчилик билан шуғулланганлигидан далолат беради (Кейинчалик Отабек бир муддат савдо ишини йиғиширганда бекор қолган Ҳасаналига гузардан дўкон очиб берилиши ҳам фикримизнинг исботи). Отабек билан Кумуш ҳам бир-бирини бир

пургандәёқ, севиб қоладилар ва бир-бирларининг таърифини кейин эшитадилар. Улар осон топишган бўлсалар ҳам, лекин уларнинг ширин турмуши бор-йўғи бир ҳафта давом этади. Кейин Кумушни қўлдан чиқарган “шайтон устаси бўлғон” Ҳомиднинг чақуви, фитналари, ёвуз ниятлари туфайли Отабек икки марта ўлим оғзидан қайтади; соҳта талоқ хати уюштирилиб, севишганлар икки йил муддатга бир-биридан жудо қилинади; бу орада улар қандайдан қанча қийинчиликлар, азоб-уқубатларни, саргузаштларни бошдан ўтказадилар. Ниҳоят, Ҳомид ва унинг ҳамгопокларини ўлдириш билан Отабек ўз душманларидан кутгулади ҳамда севишганлар қайта топишадилар.

Агар китоб шу ерда ўз ниҳоясига етганда унинг ҳалқигитобларидан фарқи қолмасди. Чунки ҳалқ оғзаки ижодининг барча намуналарида сўнгсиз ранжу мاشаққатлардан кейин ошиқ-маъшуқалар, албатта, бир-бирлари билан топишиб, мурод-мақсадларига етадилар. Ҳатто “севги ҳақида яратилган энг ғамгин қиссалардан бири”<sup>1</sup> бўлмиш “Лайли ва Мажнун” ҳақидаги ҳалқ достонида ҳам, “Фарҳод ва Ширин”да ҳам пировард-натижада севишганлар тўй бўлишиб, ўз баҳтларини топадилар.

Яратилишидан бошлаб тилларда достон бўлган “Ўткан кунлар” романининг марказида ўтмишда яратилган “Лайли ва Мажнун”, “Тоҳир ва Зухра” сингари достонларни ислатадиган Отабек ва Кумушбиби ораларидағи сўнмас мұхаббат туради<sup>2</sup>. Лекин реалистик адабиёт намунасини яратишни мақсад қилган Абдулла Қодирий бу нуктада тўхтаб қола олмас эди. Шунинг учун ҳам у воқеаларни давом эттиради: Отабекнинг душманлари тугаб-битган бўл-

<sup>1</sup> Малилаев Н. Ўзбек адабиёти. –Т.: Ўқитувчи. 1976. –Б.460.

<sup>2</sup> Қаранг: Баҳрэм ва Гуландом. Зевархон. Фарҳод ва Ширин. Лайли ва Мажнун.–Т.: Адабиёт ва санъат, 1986. –Б.352.

салар ҳам ҳали Кумушнинг рақибаси мавжуд. Отабек ўзаро тенг бўлмаган курашда ўз ғанимларини ер билан яксон қилган бўлса-да, Кумуш теппа-тенг курашда ўз “ёв”и кундошини жисман енголмайди – Зайнаб уни заҳарлаб ўлдиради.

Халқ ўз китобларида реал ҳаёт ҳақиқатидан кўра кўпроқ орзу-умидларини куйлади. Шунинг учун ҳам ҳар қанча бало-ю офатларга дучор бўлмасин, сўнгсиз ранжу машаққатларни бошидан кечирмасин, қаҳрамонлар охир-оқибатда мурод-мақсадларига етадилар. Бу – халқнинг баҳтга, фаровон турмушга интилишининг ифодасидир.

“Ўзбек халқ достонларида муҳаббат масаласи кўпинча феодал жамиятнинг социал зиддиятлари билан боғлиқ ҳолда кўрсатилади. Тоҳир ва Зухралар каби афсоналарда, халқ достонларида ҳам севишганлар ўртасида чақир тиканак бўлиб ўсиб чиқадиган Қоработирлар замонанинг ҳукмрон кучлари, подшо ёки амалдорларнинг ёвузлик, зўрлик билан иш тутиши натижасида асарда кескин социал конфликт юзага чиқади. Бундай адолатсизлик туфайли ошиқ-маъшуқаларнинг бошига оғир кулфатлар тушади, жудоликка учрайдилар. Бундай чоғларда баъзан аёллар ҳақсизлик келтирган бало-офатдан кутулиш учун – эркак кийимини кийиб олиб, душманлар билан ботирларча жанг қиладилар, бандидаги ёрларини кутқарадилар. Эпосда тасвирланган ҳукмрон романтик халқ руҳи севги масаласини ижобий ҳал этишга олиб келади – севишганлар топишадилар. Ишқий-романтик достонларда воқеаларнинг бундай якунланиши тўғридан-тўғри меҳнаткаш халқ идеали, орзу-умиди билан белгиланади”<sup>1</sup>.

Абдулла Қодирий реалист ёзувчи сифатида ҳаёт ҳақиқатига қарши бора олмас, ҳам Отабек, ҳам Кумушнинг ўз

<sup>1</sup> Собиров О. Сарчашма адаб ижодида. – Т.: Фан, 1975. – Б.25.

душманлари устидан ғалаба қозониши учун имкон яратады. Шунинг учун ҳам у бирини ғолиб, иккинчисини маглуб айлади. Қолаверса, яхши кишиларнинг – Худо сүйтган бандаларнинг кўпроқ ранжу мاشақатга дучор қилиниши, уларнинг бу дунёда минг бир бало-ю оғатга гирифтор бўлиб, кун кўрмай ўтиши реал ҳақиқатdir.

Халқ китоблари романтик қаҳрамонликларга тўлиб тошган. Уларда ўзининг сонсиз-саноқсиз душманларига қарши аксарият қаҳрамоннинг ёлғиз ўзи курашга отланади. Отабекнинг ўз душманлари – Ҳомид, Мутал полвон ва Содикларга қарши бир ўзи курашиб, музaffer бўлиши ҳам ана шу романтик-қаҳрамонлик руҳидаги халқ китоблари таъсири эканлиги шубҳасиз.

Ҳар бир қаҳрамоннинг кўпинча ишонган кишиси, ёрдамчиси, ҳамдарди бўлади. “Фарҳод ва Ширин”да Шопур, “Лайли ва Мажнун”да Навфал, “Бахром ва Гуландон”да Сайфур, “Вомик ва Узро”да Амир, “Зевархон”да Ҳакимжон, “Алпомиш”да Коражон ана шундай бош қаҳрамонларнинг доимиий ҳамроҳ, ёрдамчисидир. “Ўткан кунлар”да бу вазифани Ҳасанали бажаради. Бирмунча кейин – воеалар ривожи кескинлашган бир пайтда эса асарга уста Алим кириб келади.

Халқ китобларининг қаҳрамонлари кўпинча ўзларидек бошидан кўн савдоларни ўtkazган, ишқ кўрган кишиларни учратадилар, улардан маслаҳат ва кўмак оладилар, бир-бирларига ўз саргузаштларини ҳикоя қиладилар. Бу жиҳатдан, айниқса, “Чор дарвеш” қиссаси дикқатга сазовор. Асарда тўрт дарвеш – ўз бошларидан кўп саргузаштларни кечирган ва дунёга достон бўлган Яман савдогарининг ўғли, Форс мамлакатининг шаҳзодаси, Ажам шаҳзодаси ва Чин подшоҳининг ўғли Рум мулкида учрашадилар ва бир-бирларига ўз бошларидан кечирганларини ҳикоя қилади-

лар. Бу дарвешлардан ҳар бирининг ҳаёти ўзига хос бир қиссадир<sup>1</sup>. Уста Алим билан Отабекнинг саргузаштлари ҳам қувончли ва қайгули воқеаларга бойлиги билан уларницидан қолишмайди. Умуман, қисса ичида қисса келиши қолиплаш ҳам халқ оғзаки ижоди намуналарига хос гўзал усуулардан бири эканлиги маълум. Чунончи, “Чор дарвеш” қолиплаш усулида тузилган бўлиб, қолипловчи ҳикоя Озодбаҳт ҳикоясидир; дастлаб Озодбаҳт ўз фарзандсизлигидан сўз бошлаб, мозорда икки дарвеш ҳикоясини эшилади; сўнг дарвешларни ўз саройига таклиф қилиб, Хожай сагпаратст номи билан машхур бўлган савдогар саргузаштини уларга сўзлаб беради, кейин, келган икки дарвеш саргузаштини тинглайди; ниҳоят, Озодбаҳт Бахтиёр номли фарзанд кўриб, париларнинг улуғ шоҳи Малик Шоҳбоз ёрдамида ҳаммалари мурод-мақсадларига етганликлари ҳақидаги ҳикоя билан “Чор дарвеш” тугалланади”<sup>2</sup>.

“Ўткан кунлар”да ана шундай воқеалар гирдобида қолган Отабек бундай ишқий саргузашларни ўз бошидан ўтказиб бўлган “мужассами ишқ” (203) уста Алимнинг ҳикоясини тинглар экан, унинг бошига ёғилган кулфатлар олдида ўзиники хеч нарса, деган қарорга келади. “Ўз истиқболини ана шу устаники қабилидан кўрмакчи бўлсада, бунинг учун бир нарса камдек, иккинчи уста Алим бўлиш учун бир “ўлди” сўзигина орадан тополмас эди. Кейинроқ бу “ўлди” сўзини қўшқан билан ҳам уста Алим бўлиш қийинлигини онглай бошлади, чунки Отабек Кумуш томонидан сўқилган ва ташланган эди. Ҳолбуки, Саодат сўқилмаган ва ташланмаган эди, балки эрининг бир гуноҳи сабабидан ёш умрини ҳазон қилган ва уста Алим қайнотаси

<sup>1</sup> Қаранг: Дехлавий Мир Аммон. Боғу баҳор (Чор дарвеш). -Т.: Радуга, 1989. -Б.128.

<sup>2</sup> Маҳмудов М. Хиромий ва унинг “Чор дарвеш” достони ҳақида // Хиромий. Чор дарвеш. -Т.: Уззадабийнашр, 1960. -Б.335.

томонидан ҳайвонча құвланмаған... ва қайин ота томонидан күявшының йүлиға тузок қўйилиб, Саодатни чикариб олиш фикрига тушилмаган, яъни орага шайтанат ораламаған... Бу сўнгти фикрни ул ўйламаган жойдан илҳом қабилидан туғиб олган эди, яъни ўзининг Тошканддан уйланишига туғидор томонидан ризолик берилишини илгаридан хошиманиб келинган тузок, деб тушинган эди. Муҳокамаси шу ергача келиб еткач, уста Алим даражасига етиш учун устида ҳеч бир муносабат кўрмади... Уста Алим ёзиб берган ўринига кириб ётар экан, ўз-ўзига айтар эди: “Кувланишга таҳкир этилишкага лойик кўрилган Отабек уста Алим бўлишига ҳам сазовор эмас!” (203).

Холбуки, кейинги саргузаштлари билан Отабек қиссаси уста, Алимнидан ўтиб тушди ва ниҳояси ҳам ўшандай қийгулик бўлди – Кумуш гарчи Саодат сингари туғиши устида ўлмаган бўлсада, кундошининг заҳарлаши туфайли айнан туккандан кейин вафот этади. Отабекнинг Кумуш туғишидан хавфсирашлари шу билан оқланади ва асосланади.

Саодатнинг тўлғоқ устида ўлиши билан “Чор дарвеш”-даги озарлик йигит хотинининг ўлик туғиб, ўзи ҳам ўлиши ўргасида маълум муштаракликлар мавжуд.

Таникли фольклоршунос олим, проф. О.Собировнинг куйидаги фикри ҳам эътиборга лойик:

“Кундошлик – романда ўзак масалалардан ҳисебланади... бу муҳим масала турмушда кучли ички зиддиятлар тутдирадиган ҳаёт-мамот масаласига айланади, Отабек ва Кумушнинг тақдирини ҳал этади. Соғ муҳаббат, эзгу ниятлар ойнаси қабоҳат ва разолат тошига урилиб, чилпарчин бўлади. Отабек (Тошкентда эътиборли, баобрў кишининг ўғли бўлишига қарамай) ва Кумушнинг ўртангандаги мудхиш фалокатлар гирдобида азбланишга мажбур бўлса-

ларда, маълум вақт қовушадилар. Кундошлиқ балоси зимдан ғалаён күтариб, бамисоли совуқ, шамол, изғиринли оғат бўлиб, севги гулига чанг солади, ҳаёт гулзорини пайхон қиласди; икки севишган қалбнинг кулини кўкка совуради, кўнгил уйини хонавайрон этиб, яна аввалгидек ҳаётда ёвузлик, чиркин қонунлар хукмронлиги давом этади<sup>1</sup>.

Шарқ адабиётида саргузашт етакчи ўрин тутади. Халқ оғзаки ижоди намуналаридағи ижобий қаҳрамонларнинг барчаси ўзининг гўзал ва бетакрор саргузаштига эга. Уларнинг ишқ йўлидаги кўпдан-кўп саргузашларидан кўпинча уларнинг ота-оналари бехабар бўладилар ёки қисман хабар топадилар. Масалан, Баҳромниң Гуландонни излаб Чин мамлакатига кетгани ва унинг ишқий саргузашларидан Хисрав шоҳ кейин хабар топади. Шунга ўхшаб, Отабек ҳам Кумуш қуидаги икки йиллик овора-ю сарсонгарликларини ота-онасидан сир тутади. Бу сир кейинчалик Мирзакарим қутидорнинг Юсуфбек ҳожига ёзган мактуби орқали ошкор бўлади. Шунда ҳам Ўзбек ойим ва бошқалар ундан бехабар бўлиб қолаверадилар.

Тақдир тақозоси билан бошқа юртдаги соҳибжамолга ишқ қўйиши ё уйланиш ҳам халқ китобларига хос. Отабекнинг Тошкентнинг не-не гўзаллари қолиб, Марғилондан уйланиши воқеасида ҳам шу анъана таъсирини кўрамиз. Академик М.Қўшжонов ёзганидек: “Бу воқеа классик адабиётда ва халқ оғзаки адабиётида кўп учраб турадиган сюжет ситуацияси – бирор шаҳар ё юртдаги йигит иккинчи бир шаҳар ё юртдаги қизни яхши кўриб қолади. Кўпгина қийинчиликларга бардош бериб, севгилиси висолига етади (Бу ҳолни биз романнинг салбий хусусияти сифатида таъкидлаётганимиз йўқ, балки ёзувчининг классик адабиёт

<sup>1</sup> Собиров О. Сарчашма адаб ижодида. -Т.: 7-8-бетлар.

жам дарак берадиган мисол сифатида эслаётирмиз)<sup>1</sup>.

“Ўткан кунлар”даги воқеаларни сир саклаш, ўқувчини танишириш, уни ўз ортидан эргаштириш тамойили ҳам халқ оғзаки ижоди намуналари бўлмиш саргузашт-қаҳрамонлик асарлари анъаналарига бориб тақалади. Халқ китоблари аксарият худди шундай сирлилик – тугун ҳосил силишдан бошланади ва ўқувчи эътиборини ўзига тортиб, уни қизиктириб қўйиб, хотимага олиб боради. Чунончи, сирли-сехрли асарлар, ажойиб хулк-атворли маъшукалар, улар томонидан қўйиладиган шартлар, маъшуқа амрини бўжариш учун ошиқларнинг тилсимли ғорлар, сехрли кучлар – девлар, парилар, жинларга қарши кураш олиб боришлари ва бошқалар шулар жумласидандир. “Чор дарвеш”дан Нимрӯз иқлимининг шаҳзодаси, сакпаратст хожа, озарлик киссалар фикримизнинг исботидир. Абдулла Қодирий ҳам бундай сирлиликдан усталик билан фойдаланади: дастлаб Отабек ва Кумушнинг ўзаро учрашувларини сир тутиб, факт никоҳ кечаси ошкор қиласи; кейин баттол Ҳомиднинг кирдикорлари яширин қолиб, асар иккинчи кисмининг сўнгига фош этилади; ниҳоят, Отабекнинг саргузашлари сир тутилади.

Отабекнинг ўз исмини яшириб, уста Алимга ўзини вактича Шокирбек сифатида таништиришида ҳам халқ ижодига хос сирлилик мавжуд.

“Ўткан кунлар”да асарнинг бошлариданоқ кўзга ташланадиган ёзувчининг ўзига хос услуби: тасвирда воқеаларнинг маълум бир томонини сир саклашадир, – деб ёзади М.Қўшжонов бу ҳақда. – Бироқ воқеа ё рўй берган, ё рўй бераётир ва ёки рўй бермоқчи. Буни китобхон яхши сезиб

<sup>1</sup> Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. –Т.: Халқ мероси, 1994. –Б.12.

туради. Аммо ёзувчи бу воқеа билан китобхонни дарро таништира қолмай, сир сақлайди. Баъзан воқеанинг мөхитини яширади. Аммо ҳали ўкувчига аниқ бўлмаган воқеа муносабати билан ёзувчи қаҳрамон психологиясида рўй берётган маълум бир ўзгаришларга имо килади; баъзан уларни тасвирлади”<sup>1</sup>.

Қизлар жасорати, садоқати, қатъияти тасвири ҳам халқитобларида кўп учрайди. Зухра, Ширин, Лайли ва бошқалар ана шундай ўз севгисига содик, ишқда қатъиятли, муҳаббати, ор-номуси йўлида жасорат кўрсатишга, ҳатто ўлимга ҳам тикка боришга қодир жасур аёллар тоифасидан. Ҳа, бу асарларда ошиқкина эмас, балки маъшуқа ҳам ишқ йўлида қаҳрамонликлар кўрсатади. Ҳазрат Навоий татьбири билан айтганда:

*Ишқ агар комилдурур ошиқ қилур маъшуқни<sup>2</sup>.*

Зухранинг ўлимдан тап тортмай, Тоҳир ётган қабрга кириши, Лайлининг барча гап-сўзлар, таъна-маломатларга чидаб, ўз Мажнунига содик қолиши, Узронинг Вомиқдан ўзгага теккунча зиндонни афзал кўриши, оиласи бўлишсада, Гулшоҳнинг Варқа, Зулайхонинг эса Юсуф учун ўзларини бокира сақлашлари, уларнинг ишқдаги садоқати ва матонатидан гувоҳлик беради.

“Чор дарвеш”даги шоҳ Озодбаҳт вазирининг қизи ҳам жасорати билан алоҳида ажралиб туради. Отаси зиндонга солингандা онасининг: “Кошки эди Худо кўр бўлса ҳам ўғил берса эди, бошимиздан кулфатларни аритармиди”, деб нола-фарёд қилишига жавобан: “Ўғил бола қиладиган ишни мен ҳам қила оламан”, – деб узоқ ва машаққатли сафарга отланади ҳамда отасининг зиндонга ташланишига сабаб бўлган сўзнинг жонли далилини подшоҳга тақдим этиб,

<sup>1</sup> Кўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. -Т.: Ҳалқ мероси, 1994. -Б.7.

<sup>2</sup> Навоий Алишер. Қаро кўзим. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1988. -Б.237.

унин ҳалос қиласи. Юсуфбек ҳожининг ўғли Отабекка ёзган мактубини топиб олиб, ўз ошибини дордан куткариш учун сунбеги ҳузурига аёл боши билан учиб бориши – Кумушнинг ҳам жасоратидандир. Ёки Кумуш бир лаҳза бўлсин, Отабек ёдини тарк этолмайди. Гарчи Отабекдек талоқ хати, ша бошقا бир қанча таънали мактублар олишига қарамай, юрагидан унинг муҳаббатини сиқиб чиқаролмайди. Қайтиб турмуш кўришга жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатади. Ота онасини аяб, уларга муруват юзасидан, иложсиз Комилбекка турмушга чиқишига рози бўлганида ҳам сўнгги бора, илинж сифатида тўйни нақ, бир йил кейинга суриб юборади. Чунки унинг ҳали Отабекка бўлган умидлари улиб битмаган эди. Ва тўй кечаси Комилбекнинг ўлдирилганилиги хабарини эшитиб, енгил тин олади (256).

Ҳомиднинг Мирзакарим қутидор уйининг орқасини тешиб, Кумушни ўғирлашга қасд қилиши ҳам ҳалқ қиссаларига хос воқеалардан ҳисобланади. “Самак айёр” номли романлар туркуми, “Минг бир кеча”да, кўплаб ҳалқ эртак ва достонларида уй тешиш, лаҳм қазиш ва бошқа шунга ўхшиш воқеаларни учратамиз.

Ё севикли ёрга етиш, ё унинг йўлида қурбон бўлиш – ҳалқ романтик– қаҳрамонлик асарларига хос. Отабек ҳам ўз душманларига қарши отланар экан, ё музaffer бўлиш, ё ёр йўлида жон беришни мақсад қиласи: “Душанба кун кечаси бир эмас, уч душман билан кураш тўғрисидагина ўйлар эди. Бу бирга уч масаласи бир оз унинг миясини қотирган; кишилар ёллаш, ҳукumatка билдириш, қутидорни хабардор қилиб қўйиш мулоҳазаларигача келиб еткан бўлса ҳам, аммо иззати нафси бу кўрқокликка тамоман зид турар эди. Бора-бора бу мулоҳазасини тамоман кўнглидан чиқариб ташлади; на кишилар ёллайтурған, на ҳукumatка билдира-турған ва на қутидорни хабардор килатурған бўлди. Чунки

рақиб билан дилдорнинг уйи орқасида танҳо олишмок оёғи остида қонлик тупроққа қоришмок – унинг учун жуда лаззатлик ва шоирона туйила бошлаган эди. Саройга кирп экан, ўзича: – Ширин ўлим, – деб қўйди” (245).

Унинг бу иши учун таъна қилган уста Алимга: “Мен ўзимнинг ашаддий душманим билан танҳо курашиб, ё жон бермакка ва ё жон олмоққа карор берган эдим. Шунинг учун ҳам ҳеч кимга билдирамадим”, дейдир” (261).

Отабекнинг Кумушга ёзган мактуби эса айни шундай романтик– қаҳрамонлик туйғуларига тўлиб тошган:

“Мен ўшал кечаси душманлардан бирини ўлдиридимда, сўнг даражада заифландим, иккинчи душмандан енгилишимни ва кўйингизда жон беришимни аниқ билиб, роҳатланиб кетдим... Маним учун кўйингизда ва оёғингиз учиди жон бериш жуда ширин эди ва кўбдан бери ғоям эди. Шунинг учун яқинроғингизда ўлар эканман, ўлмак учун, сўнг дақиқамда яна бир марта бўйингизни олиб ўлиш учун душман томонидан уйингизга очилган туйнукчага кирдим. Кирдимда, сизни бўйингизни олдим, хафиф тин олғандаги латиф ухлаған товшингизни эшийтдим... Шу вақт, субхоноллоҳ... ўзимда кутилмаган бир куч сезган эдим, икки эмас, икки юз душманга муқобала этишкан ўзимда қудрат кўрган эдим... Мен ўзимга бағишлиланган куч манбаъини жуда яхши онглар эдим, мендаги бу ўзгариш манбаъи уй ичида ухла-гучи бир малак эди... Сиз эдингиз!

Шундан сўнг иккинчи душманни туйнукдан чиқмаёқ ишини битирдим. Бизнинг фожиъамизнинг асл омили бўлган Ҳомид эса гўё мени кўлимда мушук каби ўйин бўлган, уни кулиб туриб, ўйнаб туриб тилимлаган эдим...” (264).

Отабекни қотиллик йўлига ундан нарса виждон азоби, йигитлик ор-номусидир. Ҳомидлар томонидан Кумушбибининг тунда ўғирланиши Отабекнинг юрагига

тичоқ уриш билан баробардир. Бас, шундай экан, Отабек-нинг ўз рақиблари билан ҳисоб-китоб қилиши – ёвуз шигтли кишиларнинг жазосини танҳо ўзи бериши мардлик, ближаноблик намунасиdir. Умуман, мазкур эпизод эртаклар “Уч оғайнни” ва бошқада тасвиrlанган қаҳрамонларнинг бир кечада довюраклик билан бажарган ишларини ишлатади. Отабек халқ ижоди намуналарида тасвиrlанган әфсоnавий қаҳрамонлардан кўра, реалистик асарлардаги үлдабурон, камсукум, эрлик шаънига гард юқтиrmайдиган ўқтам йигитларга яқин туради.

“Маълумки, эпосимизда ошиқ ва маъшуқалар исми жисмiga муносиб, суврати ва сийрати гўзал қилиб тасвиrlанади. Уларнинг хатти-ҳаракатлари, кишилар билан муносабати, дўстларга ҳамияти, садокати, ёмонларга ёндашмай юриши, кези келганда, қаҳри қаҳратон, беаёвлик каби фазилатлари омманинг одамийлик ва гўзаллик тушунчаларини тўла ифодалайди. Абдулла Қодирий яратган Отабек ва Кумушбиби образларида ана шу халқ севган ва улуғлаган фазилатларни кўрамиз, авлодлар ардоқлаган маънавий гўзаллик улар қиёфасида ғоят теран миллий хусусиятлари билан гавдаланади; шунинг учун ҳам ўқувчи ўзини Отабек билан ҳамиша бирга бўлгандай сезади, у қилган ҳар қандай ишни тўғри билиб маъқуллайди, зўравонларнинг катл этилишидан ғоят хурсанд. Китобхонни тасвиrlанаётган воеалар кетидан эргаштириб, унинг қатнашчи-сига айлантира бориш ёзувчининг халқ руҳини ифодалай олган ўлмас образлар яратишдек юксак санъаткорлик салоҳияти самарасидир”<sup>1</sup>.

О.Собировнинг бу сўзларига қўшилмасликнинг иложи йўқ.

<sup>1</sup> Собиров О. Сарчашма адаб ижодида. -Т.: 15-16-бетлар.

Халқ, ҳамиша азиз-авлиёларга эътиқод қўйиб, улар орқали мушкулларининг ечилишига ишониб келган. Ихлос – халос, деган ҳикматнинг машҳурлиги шундан. Баҳоуддин Нақшбанд қабрларининг ҳамиша одамлар билан гавжум бўлиши сирини изоҳлар экан, адабиётшунос Султонмурод Алим ёзган эди:

“Авлиёлар атрофида фаришталар, барча руҳоний мавжудотлар, аршу курси, самовоту қавокиб айланиб юрса-ю, унинг хизматида бўлса, кишилар дардларини ана шу авлиёлар рукига айтсалар, зора, бу руҳлар фаришталарга буюрса-ю, ўша дардманднинг илтижосини Оллоҳга етказишса ва шу тариқа ўша руҳга топинган одамнинг мушкули кушод бўлиб, у дардига ишфо топса!..”<sup>1</sup>.

Бу ишонч халқимизда аср-асрлардан буён яшаб келади. Паҳлавон Маҳмуд ҳақидаги халқ романида айтилишича, у ҳар гал кураш тушишидан олдин азиз-авлиёлар мозорини зиёрат қилиб, бўлажак мухорабада улардан мадад тилар экан<sup>2</sup>.

Отабек ҳам “Хўжа Маъз” қабристонида бир кеча ётиб, унинг руҳидан мадад сўраганидан кейин мушкуллари ечилиб кетади. Дўстининг “Хўжа Маъз”да тунаганини эшишиб, уста Алим: “Бузрукдан сўрайтурған тилакларингиз бор эканда” (223), – дейди. Бу халқ китобларининг таъсири бўлибгина қолмай, ёзувчининг ўз ихлос-эътиқодидан ҳам гувохлик беради.

Ҳабибулла Қодирийнинг ёзишича, ҳам тасвир ҳаққонийлигига эришиш, ҳам улуғ авлиёдан мадад олиш мақсадида Абдулла Қодирийнинг ўзи ҳам бир кеча “Хўжа Маъз”да тунаган:

<sup>1</sup> Олим С. Нақшбанд ва Навоий. –Т.: Ўқитувчи, 1996. -Б.13.

<sup>2</sup> Қаранг: Паҳлавон Маҳмуд (халқ ромони). Нашрга тайёрловчи М.Ҳасаний // Миллий тикланиш. 1996. 31-37-сонлар.

-Мен Марғилон кўчаларида юриб, карвонсарой, эски ўрда ўринларини белгиладим. Мирзакарим қутидор, уста Алим, Ҳомид, Содиклар уйини тахминладим ва "Хўжа Маъоз"да бир кеча тунадим, - дердилар дадам, баъзан күнлари келганда, бизнинг роман хақидаги майда-чуйда оима саволларимизга жавоб бериб, - "Хўжа Маъоз"да ёлғиз тунадим. Масжид айвонида узок ўтирдим. Ҳаммаёқ қоронги; одам деган гап йўқ... Бора-бора уйқу босди. Ухлаб олмокчи бўлдим. Бироқ ётиб кўз юма олмадим. Чунки гуновчилар келтирганми, масжидда қандала кўп экан, чақвериб безор қилди. Ҳовлига тушиб ётай, десам, турли ҳашаротлардан хавф қилардим... Нихоят, тобутхонага кириб ётдим..."<sup>1</sup>.

Шарқда номус, орият, нафсоният кишининг ҳатто жонидан азиз ҳисобланади. Чунончи, "Алпомиш" достонида ҳикоя қилинишича, Қоражон тутқунликда ётган Алпомишни қутқариш учун келади. У туширган арқонга осилиб юкорига чиқар экан, дафъатан Алпомишнинг хаёлига: "Бир куни келиб дўстим қилган хизматини миннат этмасми-кан?" – деган фикр келади ва арқонни атай узиб, қайта зинданнинг тубига тушади. Кейинчалик ҳам бу халоскорлик шарафини Товка ойимга эмас, балки ўзининг содик Бойчиборига раво кўради<sup>2</sup>.

"Ойсулов" достонида ҳам Ойсуловнинг ўғли – алп Кунботирни севиб қолган Доро лашкарбошиси Паҳлавон Қайсарнинг қизи Офтобой ўз ошиғини зиндандан тортиб олишга бел боғлаганида, Кунботир ўйлайди: "Мени бу тортиб олса, бир кунлари аччиқланиб қолганда ё ботирликдан гап-сўз бўлганда: "Сен зинданда ўлиб кетган одам эдинг,

<sup>1</sup> Қодирий Ҳ. Отам ҳақида. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. -Б. 65.

<sup>2</sup> Қаранг: Алпомиш (Ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик достони.) -Т.: Шарқ, 1988. -Б. 249; -Б. 284–286.

сени зиндандан мен тортиб олганман, – дер, бетимга айт маганда ҳам ичиди айттар. Кел, мени бу тортиб олмасин”, деб шуни ўзига маъкул қилиб: “Мени тортиб олмоққа сен билан канизларингнинг кучи етмас, мен сен айтган енгил одамлардан эмасман”. Мени тортса, миниб юрган тулпорим тортади, бошқа жонзод торта олмайди...”, – деди”<sup>1</sup>.

Шунга ўхшаб, Абдулла Қодирий ҳам Отабекни Кумуш олдида қарздор қилиб қўйгиси келмайди. Маълумки, Кумуш Отабекни ўлимдан – дорга, осилишдан қуткарған эди. Отабек эса, ўз севганини номуси топталиши, Ҳомид қўлига тушиб, шарманда бўлишдан халос қиласди. Отабекнинг бу хизмати Кумушнинг жасоратидан устун туради, зеро, номус ўлимдан қаттиқ.

Келтирилган мисолларга асосланиб, Қодирий ҳалқ оғзаки ижодидан таъсиранган ва ўз асарини фақат шу таъсири асосига қурган экан-да, деган бирёклама хулоса чиқариш нотўғри бўлар эди. Зеро, барча истеъдодли қалам соҳиблари каби Қодирий ҳам ҳалқ, китоблари анъаналаридан ижодий фойдаланган ҳолда, уларни янгича шароитда ривожлантирган ва янги мазмун билан бойитган. Зеро, ҳар қандай чинакам асар бу – анъана бағридаги новаторликдан иборат.

Қодирий ҳалқ, оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт намуналарини ўқиб, эшлитиб улғайган, улар таъсирида адабиётга кириб келган ва ўз услубини шакллантирган. Бу ҳол унинг ижодий эволюциясига, услубига, тилига, асарларига таъсири қилмаслиги мумкин эмас эди. Бу таъсири жилвалари гоҳ бевосита, гоҳ билвосита қўринишда намоён бўлади.

Табиийки, кичик рисоланинг бир боби доирасида бу таъсириниң барча жилваларини ёритиш романни барча ҳалқ китоблари билан қиёсан ўрганишнинг имкони йўқ.

<sup>1</sup> Ўзбек ҳалқдостонлари. Биринчи жилд. –Т.: Фан, 1956. –Б. 16.

Шунинг учун “Үткан кунлар”ни ўзаро муштарак жиҳатлари бирмуича бурттиб кўринган “Тоҳир ва Зухра” достони билан мукояса қилиш ила кифояландик.

Чин севги ва садоқатни, руҳий поклик ва гўзалликни улугловчи, аксинча, разолат, мол-дунёга ҳирс қўйиш, ғийбат ва адоватни қораловчи “Тоҳир ва Зухра” халқ китоби билан “Үткан кунлар” романи ўртасида бир қатор муштарак жиҳатлар мавжуд. Ошиқ ва маъшука ҳақида яратилган “Тоҳир ва Зухра” халкнинг энг гўзал достонларидан булиб, Шарқ халқлари орасида 6-7 хил вариантда айтилиб келинади. Биз унинг Раҳматулла Юсуф ўғли айтиб берган вариантидан тадқиқотда фойдаландик.

Раҳматулла Юсуф ўғли айтган “Тоҳир ва Зухра” достонида Тоҳир билан Зухра ёшлигига кўпинча бирга-бирга ўйнаб юрсаларда, улар Қорахон шоҳнинг қизини Тоҳирга бераман, деб қилган аҳдидан бехабар бўладилар. Тоҳир соққа ўйнаб юриб, бир кампирнинг чархига тегиб кетади. Кампир Тоҳирга унинг Сорихон вазирнинг ўғли эканлиги ва Зухра унга ёшлигидан унаштириб қўйилганлиги ҳақидағи сирни очади. Аслида Тоҳир ва Зухра ўртасидаги муҳаббат бу сирни билмасдан анча олдинроқ бошланган, улар доимо Гулховузда яширинча учрашиб юрар эдилар. Улар орасидаги ошиқ-маъшуқликдан хабар топган Тоҳирнинг иннаси юрт уламбоси – мулла Ҳакқулга бориб, вазиятни тушунтиради ва ундан совчи бўлишни, ёшларнинг бошини қонуштириб қўйишни илтимос қиласи. Мулла Ҳакқул эса, “бир неча шумликни ўйлаб, кўнглига жойлаб, Қорахоннинг олдига бориб: “Эй подшоҳим. Сизга арзим бор”, – деб подшоҳга қараб, мўйловини бураб, соқолини силаб, жўрттага йиглаб…”, Зухранинг ҳамиша Тоҳир билан ўйнаши-ю, Тоҳирнинг Зухра қасдида юришидан хабар бериб: “Эй подшоҳим, ҳалиқу қизингиз тоза йўлдан чиқмаса ҳам, шундай

холда мактабда юраверса, бугун бўлмаса, эртага иши чатоқликка айланади. Энди тезроқ бу ишнинг олдини олиб, Зухрани, биринчидан, мактабга юбормасангиз, иккинчи дан, бир белгилироқ, кишига берсангиз. Бизлар тўйини есак”, – деди”<sup>1</sup>.

“Ўткан кунлар” романида эса, Отабекнинг Кумушни севиб қолганини сезган Ҳасанали совчилик қилишни сўраб, Зиё шоҳичига боради. Лекин Зиё шоҳичи мулла Ҳақкулга ўхшаб ёмонлик қилмай, ишни ижобий битиради. Бу Абдулла Қодирийнинг халқ достонларидан ижодий фойдаланганини кўрсатади.

“Тоҳир ва Зухра”да Тоҳирнинг Зухрага элакишганидан қахри келган Қораҳон подшонинг кўнглидаги ўт кун сайин аланга олиб, Тоҳирни охири сандикқа солиб, дарёга оқизмоқчи бўлади. Бу гап элга аён бўлиб қолади.

“Қораҳон Тоҳирни сандикқа солиб, дарёга оқизар эмиш Шуйтиб, устога сандик йўндираётган эмиш”, деб Зухра ҳам эшилди. Бечора Зухра зор-зор йиғлаб, элдан яширинча уста боланинг олдига бориб, уста болага ялиниб, шундай дейди:

*Уста ука, ишла чиндан,  
Ёгочларин йўнгин тиндан.  
Сандик қанча маҳкам бўлса,  
Шунча олқиши олгунг мендан.  
Ёгочини маҳкам ишла,  
Шанглови бўп сув кирмасин.  
Бир гирдобга борганида,  
Айлантириб, чўктирмасин...  
Агар Тоҳир шу сандикда  
Минг йил қолса намиқмасин.*

<sup>1</sup> Тоҳир ва Зухра. Адабиёт ва санъат, -Т.: 1974. -Б.25. (Бундан кейинги ўриндаги иқтибослар шу нашрдан олинади ва саҳифаси қавс ичидаги кўрсатилади).

*Баландида тешик бўлсин,  
Тагин яна димиқмасин” (25–26).*

Ухранинг илтимоси билан уста сандиқни сув ўтмай-  
тиш қилиб ясайди. Натижада бу Тоҳирни ўлимдан саклаб  
вонишга сабаб бўлади.

Абдулла Қодирий ўз асари воқеаларини бир-бирига  
бонлашда, фабулани ташкил этишда, баёнчиликда кўпроқ  
отзаки ижоди анъаналарига суюнади. Маълумки,  
“Утсан кунлар”да воқеа бош қаҳрамоннинг Марғилонга ке-  
шидан бошланади. Отабек бу ерда Мирзакарим қутидор-  
нинг қизига уйланади ва бирмунча вақт туриб қолади. Худ-  
ди шу фурсатда Отабек Кумушни учинчи хотин қилиб олиш  
нижида юрган “маккор Ҳомиднинг” иблисона дасисаси”  
(260) туфайли қамалади. Бу воқеа ёзувчи томонидан жуда  
шундай тафсиллар ёрдамида ишонарли тасвир этилган. Қўқон  
хони Отабекни ҳам, унинг қайнотаси Мирзакарим қути-  
дорни ҳам дорга осишга хукм чиқаради. Ниҳоят, хукмни  
юкро этиш дақиқаси етиб келади. Отабек дор тагига келти-  
рилиб, осиш тараддуди бошланганда қутилмаган ҳодиса  
садир бўлади. Маҳбусларни биргина Юсуфбек ҳожининг  
Отабекка ёзган мактуби ўлимдан саклаб қолади. Бу хатни  
Кумуш келтиради. Одатда ҳалқ китобларида ҳам ана  
шундай тугун пайдо бўлиб, қаҳрамон тўсиқقا учраб, ўлим  
билан юзма-юз келганда қандайдир илохий куч ёки сабаб  
билан у ўлимдан, ҳалокатдан ҳалос бўлади. “Тоҳир ва  
Зухра”да ҳам шунга ўхшаш эпизодни юқорида кўриб ўтдик.  
Абдулла Қодирийнинг ўз романида ҳалқ асарларидан ана  
шу усулдан фойдаланганлиги яққол сезилиб туради. Айни  
чоғда у ана шу усул воситасида қаҳрамон тасвирида ҳам,  
воқеа баёнида ҳам роман жанрига хос эпикликни келтириб  
чиқаради.

Урганч юртида Рустамхон подшоҳлик қилар, унинг икки қизи – Гулойша ва Гулхадича дарё бўйига сайрга чиқиб туарар эди. Тоҳир оқиб келаётган сандиқни кўрган икки киз сандиқни талашиб қолади. Шунинг устига келиб қолган отаси сандиқ Гулойшага, ичидаги Хадичага, дегач, уни очишади. “Аммо Тоҳир қанча одамлар сўз сўрагани билан бир оғиз ҳам гапирмади. Рустамхон Тоҳирни гунг’ ҳисоблаб, Гулхадичага ҳийлаи шаръий никоҳ қилдириб, Гулхадича ва куёви Тоҳир учун бир ҳовли ажратиб берди. Тоҳир дим индамаса ҳам Гулхадича Тоҳирни жуда яхши кўриб қолиб, Урганчда уни гапиртира оладиган табиб, дуокаш, авровчи – жодугар бўлса, келтириб қаратаверди. Тоҳир бўлса, Зухрани ўйлаб, Гулухадичага ҳеч гапирмай юраверди” (33).

Ота–она орзуси ва қистови туфайли иккинчи марта уйланган Отабекнинг Зайнаб билан муносабатида ҳам шунга ўхшаш ҳолатни кўрамиз. “Ота–она орзусини адо этишдан бир сония ҳам ўзининг кўз ўнгидан хаёли кетмаган анув илоҳий муҳаббат учун ҳеч бир турлик камчилик келмасига ишонса ҳам ҳозир унинг юрагини бошқа бир ҳақиқат тирнай бошлаган ва виждонини фақат шу масалагина ўраб олган эди. Отабекга энг нозик саналган бу масала қаршисидаги жавоб кутиб ўлтургучиларни ниҳоят зериктирди.

– Бизни кутдирма, ўғлим.

Отабек мағлуб бир боқиши билан бу сўзни айткучи отасига қаради ва бир оҳангда жавоб берди:

– Мен сизларнинг орзуларингизни бажаришкан – агар хурсандчилигингиш шу билан бўлса – ҳар вақт ҳозирман. Аммо бир бечорага кўра–била туриб, жабр ҳам ҳиёнат...

Ҳожи ўғлининг мақсадига даррав тушина олмади ва сўради:

-Кимга, хотининггами?

-Йўқ, сизнинг оладирган келинингизга. Ўғлингизнинг  
вужуди билан орзунгизни қондириш осон бўлса ҳам  
келинингиз қаршисида мени бир жонсиз ҳайкал ўрнида  
тасаввур қилингиз” (136-137).

Отабек уйланди, лекин Ўзбекойимнинг орзу-ҳавас ор-  
қисидан кутган “марғилонлик балоси”дан ўғлини кутқариш  
масаласи унинг тилагича ҳал бўлмайди. Никоҳ куни  
Отабекнинг кийимларини жуҳуд домладан ўқиш марғилон-  
ликдан совитиб, тошкентликка иситишлиар – барчаси ҳам  
хозир ўз ажзларини ўнта икрор қиласар эдилар. Кейинги  
“беш-бош” домланинг берган тутатқи, эзиб ички, дуо ва  
туморлари ҳам негадир таъсир асарини сездирмадилар.

Отабек бир лаҳза бўлсин, илк муҳаббати, кўз очиб  
кўргани Кумушни унуголмайди. Натижада Зайнаб билан  
бирга бўлолмайди, “мижози суст”лигини баҳона қилиб,  
мехмонхонада ётиб юради.

Тоҳир ва Отабекларнинг муҳаббатлари ҳақиқий бўлиб,  
улар гарчи фалакнинг гардиши билан севмаганларига уй-  
ланган бўлсаларда, ўз севганларига содик қоладилар. Улар-  
ни бу йўлдан қайтариш борасидаги ҳар қандай ҳаракатлар,  
иссиқ-совуқлар самарасиз кетади.

Зухрани Қоработирга фотиҳа қилишгач, Зухра дугонаси  
орқали карvonбошиларга тилло тарқатиб, Тоҳирнинг дара-  
гини олиб келишни, ўзи ҳакида хабар беришни топширади.  
“Тоҳир қайси юртда бўлса, Зухранинг” олдига келсин!  
Яқинда Зухрага никоҳ тўй бўлади. Иложи бўлса, шундан  
олдин келиб, Зухра билан гаплашсин! Зухра Тоҳирни қўр-  
макка интиқ” (33). – деб қўшиқ айтиб юрганларни эшитган  
Тоҳир бирдан тилга киради, карvonбошидан ўзини  
Ўзжанга олиб кетишни сўрайди. Унинг гапирганини кўрган

ва ниятини билгани Гулхадича ғазаб отига минади, раше қилиб Тоҳирга шундай дейди:

*Дарё суви сузукмиди,  
Ўнг қўлимда узукмиди,  
Зуҳраойнинг син-сумбати  
Сумбатимдан тузукмиди? (37)*

Тоҳир ундан изн сўраб, “Гулхадичага қараб зор-зор йиғлаб”, айтади:

*Рустамхоннинг гўзал қизи,  
Энди менга жавоб бергин.  
На қиласман қийнаб сиззи,  
Энди менга жавоб бергин.  
Зуҳра отлик. ёрим бордир,  
Энди менга жавоб бергин.  
Кўрдим келиб элларингни,  
Ушламадим қўлларингни,  
Искамадим гулларингни,  
Энди менга жавоб бергин (36).*

“Ўткан кунлар”да эса Кумушнинг келишини эшигтан Зайнаб билан Отабек ўртасида қўйидагича сухбат бўлиб ўтади:

“Отабек Зайнабнинг юзидағи маъюсликни биринчи кўришдаёқ сезди. Бир оз жимгина қаршима-қарши ўлтуришдилар, иккисига ҳам сўз айтиш ўнгайсиз ва алла нарса монеъдек эди.

– Нега чакирган эканлар? – деб ниҳоят Отабек сўраб юборди.

– Билиб туриб сўрайсизми? – деди Зайнаб кучланиб кулган ҳолда.

– Нимани билиб туриб?

– Марғилоңдан келадирган кишингизни.

Отабек қийин ҳолатда қолди ва оғзига шу гап келди:

- Мунда маним ихтиёrim йўк... ҳамма ишни отам қи-  
лотибдир.
- Отангиз қилсалар ҳам сизнинг кўнглингиздагича.
- Нима кўнглингиздагича?
- Суйганингиз билан биратўласига қўшилиб олиш, ал-  
батта, сизнинг кўнглингиздагича...
- Мен уни суюманми?..
- Албатта, суясиз...

Отабек ўзини тинч ушлаган ҳолда:

- Янглишасиз! – деди.
- Ҳеч янглишмайман, – деди Зайнаб, – сиз  
үйланишдаёқ, уни суюб олгансиз, мени бўлса... – мен ота-  
нигизнинг орзуларича, деди ва қўзига жик ёш олди”  
(106).

“Тоҳир ва Зухра” достони ва “Ўткан кунлар” романинг хотимасида ҳам ўзаро муштарак жиҳатларни кўрамиз:

Тоҳир дорга осилгач, Зухранинг эси оғиб, “... тоза ўлим  
төлбаси бўлиб қолди. Қораҳон подшоҳ дарров Тоҳирни  
қабристонга кўмдириб, бир маston кампирга пича пул  
бериб, нима бўлса ҳам Зухрани алдашни буюрди. Маston  
кампир Тоҳирнинг қони тўкилган тупроқдан лой қилиб,  
бир одамча ясаб, Зухрага:

- Мана шуни қирқ кеча-ю қирқ кундуз ҳеч ором ол-  
масдан ва ерга қўймасдан кўтариб юрсанг, Тоҳир бўлиб  
тирилади. Муродингга етасан, – деб алдади. Подшоҳ, ва  
кампирнинг кўнглида “Зухра қирқ кун шу ахволда юрса,  
кейин Тоҳирдан кўнгли совийди”, деган ўй бор эди.

Зухраой Маston кампирдан лой одамчани олиб,  
Маston кампирнинг айтганича, одамчани тоза паҳтага  
ўраб, паҳтанинг устидан бир неча қабат бўз, бўзнинг ус-  
тидан шол, шолнинг устидан кўрпани ўраб, кўрпани чил-  
бир билан маҳкамлаб чатиб, “Тоҳир учун қирқ кунлик ма-

шаққат ҳеч гап эмас", деб Зухраой қирк кеча-ю кунду шунча нарсага ўралган лой одамчани ҳеч ором олмай, ўтирумай, каттиқ ихлос ва умид билан күтариб юрди. Шу орада Зухраой чўпдай қотиб, озиб-тўзиб қолди. Орада ўттиз тўққиз кеча-ю ўттиз тўққиз кундуз ўтиб, Зухраой бир ариқнинг лабига етиб борса, бир момо қора кигизни сувга ювиб ўтирибди. Шунда Зухраой:

- Ҳа, момо, бу кигизни ювиб нима қиласиз, - деса, кампир момо:

- Қизим, ювиб оқ қилиб оламан, - дейди. Шунда Зухраой:

- Момо, айнибсизми? Қора кигиз ювган билан оқ бўлармиди?! - деса, кампир момо:

- Бўлмаса, ўлган ҳам тириладими? Сен бўлсанг, бехудага лой одамчани бир кам қирқ кундан бери күтариб юрибсан, - деди. Бу сўзни эшишиб, Зухраой "воҳ"лаб, кўтариб юрган юкини кўчага отиб ташлаб, ўзи телбаларча қабристонга қараб югурди... Бирдан кўнглига дунёнинг тириклигидан ўлиш афзал кўриниб, ерга қараб: "Энди қўйнингни оч!" деб, Зухраой шунда нима дейди:

Эй қора ер, мендай ғарив шўрлига,  
Ором олай кириб, тезрок қўйнинг оч!  
Қирқ кун бўлди, ҳолдан тойдим, чарчадим,  
Ором олай, менга тезроқ қўйнинг оч!" (47)

Қабр очилади ва Зухра унга киради.

"Ўткан кунлар"да Кумуш Зайнаб томонидан заҳарланиб ўлдирилгач, Отабек учун яшашнинг маъноси колмайди ва у ота-она хонадонини тарк этиб, Марғилонга йўл олади:

"Бир йилдан сўнг Отабек уста Алим билан бирга Тошкент келди... Энг сўнгги кеч ёлғиз кўйи Кумуш қабри ёнида бўлди. Кеча ойдин, қабристон тип-тинч, узокроқдан куръон товуши эшитилар эди. Икки тубчинор бутоқларида

Униб ўлтурган уч-тўртта бойқушлар, қабр ёнига тизланған Отабек ва юқори, куйи дўмбайган қабрлар бу тиловатка сомиъ каби эдилар. Куръон оятлари қабристон ичига оғир олингда оқар эди... Бир соатдан кейин тиловат тўхталди. Отабек ҳолсизланиб оёғ узра турди...

... Бундан сўнг Отабек Тошкандга кайтиб келмади...

1277 йилнинг кеч кузларида бўлса керак, Юсуфбек южи Қаноатшодан бир хат олди, Қаноатшо Авлиё отадан олар эди.

“Ўғлингиз Отабек яна бир киши билан бизнинг қўшунда эди. Олмота устидаги ўрус билан тўқунишмамизда биринчи сафимизни шу икки йигит олди ва қаҳрамонона урушиб шаҳид бўлди...” (302-303).

Тоҳирдан жудо бўлган Зухра сингари, Отабек учун ҳам Кумушсиз яشاши маъносиз эди. Шунинг учун ҳам у нак, ӯлимни афзал билади.

Абдулла Қодирий реалист ёзувчи сифатида, ўз асари билан фақат мухаббат можароларини тасвирлашни эмас, балки катта ғояларни олға суришни ҳам ўз олдига максад қилиб қўйган ижодкор сифатида Отабекнинг ӯлимини миллий мустақиллик ва озодлик йўлидаги ӯлим даражасига олиб чиққанки, бу унинг ҳалқ ижоди мотивларига ғоятда ижодий муносабатда бўлганини ёрқин намойиш этади.

Бу ва бошқа ана шундай кўпдан-кўп лавҳалар “Тоҳир ва Зухра” сингари ҳалқ достонлари Абдулла Қодирий ижодига самарали таъсир кўрсатганлигидан далолат беради. Чунки ҳалқ оғзаки ижоди ва реалистик ёзма адабиётда том маънодаги роман жанри яратилмаган бўлса ҳам унда воқеаларни, қаҳрамонларни романга хос равишда баён этиш, эпик тасвир воситалари билан яратиш анъаналари мавжуд эди. Келтирилган мисоллар бунинг исботидир.

Агар дикқат килинса, қаҳрамон образини тасвирилар даги XX аср ўзбек адабиёти эришган ютуклар аслида бой халқ оғзаки ижодида мавжуд бўлган бадиий тажриба ассо сида эришилган эди. Роман жанри эса миллий адабиети мизнинг ана шу эпик тасвир анъаналарини ўз табиатни мослаштириб, ижодий фойдаланиши билан дунёга келади. Абдулла Қодирий романлари ҳам шундай йул билан пайдо бўлди. Абдулла Қодирий ўз романида факат воқеаларни тасвириш, фабулани ташкил этиш ёки композиция курилишларида гина бундай миллий анъаналардан фойдаланиш билангина чекланмади. У айни пайтда тарихий жараён тараққиёти қонунларини ўрганиш ва таҳлил этиш, миллий турмуш манзараларини кузатиш, тарихий шахслар ва тӯқима образларни ҳаёт ҳақиқатини, асар ғоясини очишга сафарбар этиш йўлидан борди; миллий урф-одатлар, тарихий обидалар ва табиат манзаралари тасвиридан тарихий воқеликни ҳаққоний акс эттирища кенг фойдаланди; қаҳрамон образини яратиш, унинг руҳий олами ва бу оламдаги ўзгаришлар диалектикасини ёрқин акс эттирища халқ оғзаки ижодидаги эпик тасвир анъаналарига таянди. “Ўткан кунлар” романини яратишида бой оғзаки ва ёзма адабиётдаги бадиий воситалар унга ёрдамга келди.

## УТКИН КУНЛАР” РОМАНИДА НАВОЙ “ХАМСА” СИНИНГ ЭПИК АНЬАНАЛАРИ

Адабиёт ва санъатнинг нодир намуналари жамият та-  
кинининг муайян босқичида мумтоз ёзувчилар туфай-  
юзага келиб, шу жамият ҳаётининг ранг-баранг қирра-  
риши үзида акс этпиради. Лекин жамиятнинг таназзулга  
утиши ва янги тарихий даврнинг бошланиши билан чи-  
нибум санъат асарни ўз қимматини йўқотмайди, аксинча, у  
ниша давом этиб, кейинги авлодлар учун ҳам маънавий  
сифатида, эстетик таъсир ва тарбия воситаси си-  
фатида хизмат қиласкеради. Бу хилдаги асарлар умумин-  
гий гояларни ифода этиб, муайян даврга, мамлакатга,  
халқка мансуб бўлгани билан айни пайтда мангуликка  
хилдордир.

Шу ўринда, ўтмиш маданиятнинг энг яхши асарлари  
учун ижтимоий тараққиёт шакллари билан бирга йўқ  
булиб кетмайди, балки келгуси авлодлар билан бирга  
нишаб, улар учун ҳаётни билиш воситаси, маънавий юксалиш  
манбаи бўлиб хизмат қиласкеради, деган саволларга  
жавоб бериш зарурати туғилади. Бизнингча, бунга маъна-  
вий маданиятдаги ворислик тушунчаси воситасида жавоб  
кайтариш мумкин.

Санъат тараққиётидаги ворислик ижтимоий онгнинг  
бонқа турлари, жумладан, фандаги худди шунга ўхшаш  
жараёнлардан жиддий фарқ қиласиди. Бу хусусият воқеликни  
бадиий образлар орқали акс эттирувчи санъатнинг мо-  
диятидан келиб чиққандир. Санъат тараққиётадаги ворис-  
ликнинг бу муҳим ва ўзига хос хусусияти шундаки, фан ва  
санъат моддий дунёни турлича акс этгиради, ижтимоий  
турмуш ва инсоннинг ҳаётий тажрибаси билан турлича му-  
носабатда бўлади. Воқеликни акс эттиришда фан тарақ-

қиёти учун мазмун ворислиги қўпроқ аҳамиятта эга бўлғани ҳолда, ҳаётни бадий образларда тасвирлаш воситаси бўлган санъат тараққиёти учун шакл ворислиги устуворлик қилади.

Фан ўтмиш ютуқларини танқидий ўзлаштириш жараён нигина уларнинг фақат объектив ҳақиқатта мувофиқ келадиган томонларини мерос қилиб олади. Адабиёт ва санъат оси ҳаётни тасвирлаш жараёнида тасвир усуллари, шакллари ва воситаларини бойитиб ва мукаммаллаштириб боради Шунга кўра, адабий анъана дейилганда, дунёни бадий идрок этиш соҳасида асрлардан-асрларга, аждодлардан-авлодларга эҳтиёж туфайли ўтиб келган илғор адабий тажрибалар назарда тутилади.

Анъана доимий машқ узлуксиз изланиш, сабр-тоқат ва машакқатли меҳнат туфайли эришиладиган ижодий жараён, улуғ санъаткорларнинг бадий маҳорат “сир”ларини, адабий мероси ва тажрибаларини ижодий ўрганиш ҳамда давом эттириш билан боғлиқ ҳодисадир. Бинобарин, анъана устоз санъаткорлар аклий ва руҳий фаолиятининг умумлашган бадий маҳсули бўлган асарлар ва улар поэтикасидан кучли таъсирланиш ҳамда янги ижодий изланышлар билан бойитилган ҳолда кейинги авлодлар томонидан давом эттирилишидир.

Шундай қилиб, анъана деганда дунёни бадий идрок этиш соҳасида даврдан-даврга, бўғиндан-бўғинга ўтиб келган адабий тажрибаларни кўзда тутамиз. Зотан, арабча сўз бўлган “анъана” атамасининг луғавий маъноси ҳам кекса бўғиннинг майший ҳаёти-ю ижодий мактабида синалган, жилоси учмайдиган нарсаларни, воситаларни янги бўғинга ошириш, демакдир. Амалда анъана – турли-туман жавоҳиротга эга ғоят катта бир хазина. Бу хазинадан ҳар ким ўзига керагини: бирор сюжет қуришдаги маҳоратни,

биров ёрқин характерлар яратишни, бошқа биروف қаҳраппилар рухиятини тасвирлаш ва ҳоказоларни олади, ўрганиди. Шу йўсинда анъанадан фойдаланиш, маълум маъноди, бадий тадқиқотга айланади. Объектив борликни, унгни бир-бири билан алоқада бўлган воқеа-ҳодисаларни маҳорат билан реалистик тасвирлаган, замонавийликни аниши ҳис этган ҳар бир санъаткор, шубҳасиз, ўзининг салоғлари анъанасини муносиб давом эттирувчи бўлади. Күпинча ёзувчилар бадий маҳоратни устоз сўз санъаткорларига эргашиш, уларнинг бой тажрибасини ўрганиш орниди эгаллайдилар.

Устозларга нисбатан чукур хурмат ва айни замонда одоб билан баён қилинган танқидий қарашлар Алишер Навоий “Хамса”сида юқоридаги фикрлардан ҳам равшанроқ икс этган. “Хамса” таркибиға кирган бирорта достон йўқки, унда Алишер Навоий, Низомий Ганжавий ёки Хусрав Дехлавий, Ашраф Марофий ёки Абдураҳмон Жомийнинг муборак номларини тилга олган, уларнинг сехркор қаламларига таҳсиллар ўқиб, айни пайтда, баязи нуқсонларини кўрсатган.

Алишер Навоий кишилик тафаккури Юнонистон ва Ҳиндистонда, Хитой ва Арабистонда, Эрон ва бошқа ўлкаларда яратган фан, адабиёт жавоҳирларига зўр эҳтиром билан муносабатда бўлган. Устозлари Фирдавсий, Ганжавий, Дехлавий, Жомий, Лутфий сингари нурли сиймоларнинг асарларини ипидан-игнасигача ўргангандан ижодий сабоқ олган. Улуғ шоир “Мұхокамат уллугатайн” асарида ўзидан олдин ўтган санъаткорларни кўп ўқигани ҳақида ҳикоя қилиб, “...ўкурга девониндин бу факир мутолаасига кўп машғул бўлмоган девон оз эркан”, – деган ва улардан илҳомлангани хусусида ёзган: “Барчасига кўп қатла ўқупмен, балки кўпини ёд тутубмен ва қасойид ва

ғазалиётларининг ғарип ва латофатин билибмен, балки ғариброқ ва латифларига татаббуу дохи қилибмен”<sup>1</sup>.

Ўзбек ёзма адабиётини кузатиш орқали шу нараси маълум бўлдики, мумтоз адабиётимизда романнинг пайдо бўлиши, биринчидан, шеърий эпик достонларнинг юзаги келиши, иккинчидан, насрнинг шаклланиши, ниҳоят, учинчидан, реализмнинг туғилиши ва тарихий ривожи билан боғлиқ. Баъзи бир миллий адабиётларда реализмнинг пайдо бўлишини кўпинча сатира жанрининг вужудга келиши билан бошлайдилар. Шу маънода XIX асрнинг иккинчи ярми ўзбек маърифатпарварлик адабиётида сезиларли изқолдирган Муқимий, Фурқат, Махмур, Завқий, Аваз Ўтар каби санъаткорлар томонидан яратилган ажойиб сатирик асарлар ўзбек адабиётида реализмнинг қарор топишида муҳим роль ўйнаганини унутмаслик лозим бўлади. Бу кейинчалик яратиладиган ўзбек романлари учун ҳам замин ҳозирланиши эди. Ёзма адабиётимизда эпик достонларнинг мумтоз намунаси Алишер Навоий “Хамса”сига кирган достонлардир. Реализмнинг шаклланиши эса ўзбек насрининг ажойиб намунаси “Бобурнома” билан, шунингдек, Муқимий, Фурқат, Завқий ва, шубҳасиз, Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Ҳамза ижодлари билан боғлиқ. Буларнинг ҳаммаси бир-бирига ўйғунлашган ҳолда ўзбек мумтоз адабиётида роман учун замин яратган, деган асосни беради.

Маълумки, ўзбек ёзма адабиёти кариб минг йиллик тарихга эга. Алишер Навоий ижоди ана шу катта тарихий давр ичida ўзбек адабиёти босиб ўтган йўлнинг якуни, адабий тараққиётнинг чўққиси сифатида майдонга келди. Навоий томонидан яратилган ўнлаб асарлар, хусусан, унинг эпик достонлари ўзигача бўлган илгор интилишлар

<sup>1</sup> Навоий Алишер. Таъланган Асарлар. Муҳокамат ул-луғатайн. – Т.: Ўздавнашр, 1948. 194-195-бетлар.

адабий анъаналарнинг такомили, тараққийси ҳамда синтези сифатида диққатни жалб этади. Хусусан, ўтмишда, ўзбек романи бўлмаган бир шароитда унинг "Хамса"сига ишган эпик асарлари роман вазифасини бажарган десак, кито бўлмаса керак. Чунки Алишер Навоийнинг ижодий услуби романтик йўналишга эга. Агар ўзбек адабиётида юалистик услубнинг пайдо бўлишига қадар унинг ўрнини романтизм бажарганилиги ҳисобга олинса, у вактда роман – шум ўрнини Навоий яратган роман – поэзия адо этиб келганилигини тушуниш қийин бўлмайди<sup>1</sup>.

"Фарҳод ва Ширин" достонини таҳлил қилар экан, Н.Маллаев ҳам Фарҳоднинг "мукаммал эпик образ дараласи"га кўтарилганлигини таъкидлаб, "Бунинг натижасида асар шеърий романга ўхшаб кетади"<sup>2</sup>, – деб бежиз симаган.

Ҳар бир бадиий асарнинг оғзаки ва ёзма адабиёт шигъаналаридан озиқланиши табиийдир. Шу маънода, Алишер Навоий билан Абдулла Қодирий ўртасидага адабий алоқалар ҳакида сўз борганда, ижодий таъсир қайси юл билан содир бўлгани, қандай характерга эгалиги, буюк шоир ижодидан илҳомланиш ва баҳраманд бўлиш орқали Абдулла Қодирий бадиий маҳоратининг тараққиёт босқичлари кўз олдимизда гавдаланади.

Одатда икки ёзувчи ижоди қиёслангандага, таҳлил қилиниётган асарлар сюжетининг ўхшаш жиҳатлари, адабий қаҳрамонларнинг яратилиш услуби, муаллифларнинг фикрлаш тарзи каби қатор масалалар тилга олинади. Абдулла Қодирий адабиётимиз тарихида тўпланган тажрибалар ва бой анъаналарга ҳурмат билан ёндошган. Айни пайтда ижодий изланишлари билан уни сифат жиҳатидан

<sup>1</sup> Бу хакда қаранг: Мирвалиев С. Ўзбек романи. – Т.: Фан, 1969. 50-51-бетлар.

<sup>2</sup> Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1976. -Б.443.

янги поғонага күтариб, ибрат намунасини кўрсатди. Абдулла Қодирий истеъдодли, туғма санъаткор сифатида устозларидан олган билими билангина чегараланиб қолмай, анча илгарига қараб кетди.

Абдулла Қодирий ўрганиши мумкин бўлган мумтоз достонлар ва халқ китобларидағи асосий қаҳрамонлар романтик буёқларда чизилиб, асарга ҳар томонлама шаклланган ҳолда кириб келадилар. Бундай ва бунга ўхшаш ҳолларни тақозо этган ва уларни келтириб чиқарган сабаблар мунаққидлар эътиборидан, афсуски, четда қолиб келмоқда. Таниқли рус адабиётшунос Б.Сучков романтизм даври адабиётига хос бўлган бундай ҳолни изоҳлар экан, романтик оқим вакилларини кўзда тутиб, улар "...ҳаётдаги нобопликларни бевосита буржуа жамиятининг характери билан боғламаганлар. Фақат оқибатнигина кўрсатган ва унинг сабабига чуқур кириб бормаган романтиклар ҳаётдаги ҳар қандай ҳодиса – характерни уларни яратган мухитдай эмас, балки инсоннинг шахсий хусусиятларидан келиб чиқади, деб билганлар ва асарларида ҳам шундай изоҳлаганлар"<sup>1</sup>, – деб ёзганида мутлақо ҳақдир.

Қаҳрамон характерини уни ўраб олган мухит билан узвий боғлаб таҳлил қиласлик ҳаётни реал кўрсатишни сустлаштиради ва характерларни муттасил тараққиётда кўрсатишни чеклаб қўяди. Йигирманчи йиллар ўзбек настрида мумтоз анъаналар инверцияси сифатида узок вақт сақланган романтик сентиментализмнинг таъсири кучли бўлди. Бу нарса, жумладан, Абдулла Қодирийнинг ҳам илк ижодида, айниқса, унинг биринчи романи – "Ўткан кунлар"да равшан кўзга ташланади. Бу таъсир асарнинг бадиий хусусиятларидагина эмас, масаланинг кўйилиши ва ҳал этилишида ҳам намоён бўлади. Бу хусусият ёзувчининг

<sup>1</sup> Сучков Б. Исторический судьбы реализма. – М.: Советский писатель, 1967.-С.187.

асар қаҳрамонининг шахсига эътиборни кучайтиришида, руҳият ва ҳиссиётга куч беришида аниқ сезилади. Зеро, қаҳрамон руҳиятини очишда ҳиссиёт етакчи тамоҳиллардан ҳисобланади.

Лекин реализм инсон руҳиятини бадий таҳлил қилишни биринчи ўринга қўяди. Романтик сентиментализмнинг таъсири остида яратилган қаҳрамонларда эса ирода "йўналиши"нинг биринчи ўринга чиқиб олиши характерли ҳусусиятдир. Бундай асаларда ёзувчиларнинг кўтаринки характерларга ва ёлғиз, жамиятдан узилган кишилар тақдирига қизиқиши, қаҳрамон ички дунёсига чуқур кириб бориши ва ички кечинмаларга, айниқса, кўп ўрин ажратиш ҳам юқорида айтилган нуқтаи назарнинг натижаси сифатида юзага келади.

"Романтизм, – деб ёзган эди С.М.Петров, – инсонни жамият нобопликлари билан асло келишмасликка чақириб, қалбида исён ва қурашга иштиёқ уйғотиб, уни ёрқин келажак ҳақида соф ниятлардан озиқ оладиган олий даражадаги қудратли интилиш билан қуроллантирган". Феодал давлат тузумига қарши қурашиш, уни ағдариб ташлаш учун ҳеч қандай ижтимоий-иктисодий асослари бўлмаган, зулмдан, давлатни бошқаришдаги бошбошдоқлиқдан, жаҳолатдан норози Юсуфбек ҳожи билан Отабекларнинг тузумни ислоҳ қилишга интилишини ҳам, маълум маънода, уларнинг ана шу типдаги қаҳрамонлар сифатида яратилгани билан изоҳлаш мумкин. Аммо, Абдулла Қодирийнинг, бошқа масалаларга муносабатда бўлгани каби бу анъаналарни ҳам "ёриб чиққанлиги" рөманда аниқ сезилиб туради. "Ўткан кунлар"да ёзувчи яратган қаҳрамонлар характерида мураккаб тарихий вазият таъсирида шаклланиб келаётган янги ижтимоий психологиянинг куртаклари равшан кўринади. Қаҳрамонларнинг қурашда ёлғизлигига қарамай,

ёзувчи ҳам улар билан бирга мавжуд ахволнинг ҳақиқиӣ айбдорларини тинмай излайди, ҳали изчил бўлмасада, қада рамонларда пайдо бўлаётган илғор қарашларни туғдирган ижтимоий муҳитни бадиий тадқик қилишга харакат қилиди. Адибнинг “Ўткан кунлар” романида характерларни муҳит билан мустаҳкам алоқада бадиий тадқик этишга, улар нинг ўзаро таъсирини очишга интилишини Шарқ адабиётининг романтик табиатидан келиб чиқсан бир неча асрлик анъаналар таъсири сифатида баҳолаш мумкин.

Алишер Навоий яратган шеърий романлар, хусусан, унинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” асарлари ўзларининг кўп томонлилиги, кўп муаммолилиги, эпиклиги, сюжет ва композициясининг мураккаблиги, тил ва услуби уйғуналиги билан роман жанрига хос хусусиятларни ўзида мужассам этган. Мазкур асарларда инсон ҳёти ва орзулари, дастлабки кўринишда бўлсада, ўз ифодасини топган. Хусусан, ўтмишда кўхна Шарқда хотин-қизларга нисбатан ниҳоятда паст назар билан қаралиб, улар ҳак-хукуки поймол қилинган, ўзлари занжирланган бир даврда Навоий томонидан аёл образининг бадиий асарда жуда кенг – эпик планда тасвирланиши, унинг севиш-севилишидан ташқари, жамоат ва давлат ишларида қатнашиши, эркаклар билан бирга, бир сафда туриб, ўз орзу-тилаклари учун курash олиб бориши жуда катта аҳамиятга эга. Демак, Алишер Навоий асарларидан бошлаб инсон ҳёти ва унинг ўз идеали учун кураши адабиётнинг тасвир обьекти сифатида янада кенг ўрин эгаллай бошлаган. Бу ҳол ўзбек романининг туғилишида муҳим бир омил бўлган. Фақат оддий меҳнаткаш инсон образигина эмас, балки хотин-қизлар образнинг тенг ҳукуқли жамият аъзоси сифатида, идеаллаштириб бўлсада, берилиши XV асрдаги адабий ҳётда жуда катта аҳамиятга эга воқеа бўлган.

Ўзбек мумтоз адабиётида бундай масалаларни ҳал иш жараёнида роман жанрига хос эпиклик ва эпик тасвар унсурлари секин-аста шаклана бошлаган. Хусусан, достонларда қаҳрамонлар образини яратишга интилиш шу қаҳрамонларнинг ички, руҳий дунёсини очиш, руҳий тасвар усулини, бадиий тўқимани шу масалага хизмат эттириш тамойили куртак ёза бошлаган. Бу асарлардаги баён силиш, ҳикоя қилиш усули романга хос эпикликнинг юзага келишида муҳим босқич бўлган.

Қисқа қилиб айтганда, ўзбек мумтоз адабиётида, маълум даражада бўлсада, ҳаётий-ижтимоий масалаларни қўниб, уни ҳал этишга уриниш йўлида яратилган образлар, характерлар, пейзаж, портрет, персонажлар руҳиятини очишга интилиш йирик бадиий наср – роман жанри томон бўлаётган ривожланишнинг белги ва хусусиятлари эди.

Бундан ташқари, роман жанрига хос муҳим бадиий компонентлардан ҳисобланган фабула, композиция, образлар тизими, конфликт, тил ва услуб масалалари ҳам шу эпиклик доирасида ойдинлашиши, айниқса, муҳимдир.

Тўғри, Навоий яратган “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достонлари том маънодаги роман табиатини ифодалай олмайди. Лекин унинг жанр табиати, хусусиятлари роман жанрининг пайдо бўлишидаги дастлабки кўринишларидан биридир.

Абдулла Қодирий роман жанрини яратиш йўлида бошланган изланишларга анъана “мақоми”ни берди, бу жанрининг биринчи ва ажойиб намунасини яратди. Аммо асардаги йўл қўйилган баъзи бир камчиликлар адабиётимизга ёзувчи олиб кирган янги бадиий хусусият ва анъаналардан бир неча бор куйида туради. Бу ҳол, аввало, романга хос мураккаблилик билан боғлиқ бўлиб, сюжетни ташкил қи-

лиш, композицион яхлитликни келтириб чиқаришда ёркин күзга ташланиб туради.

Муайян бир асарни адабий таъсир нұқтаи назаридан ўрганар эканмиз, уни фақат у мансуб жанр намуналари билангина мұқояса қилиш бирёқламалик бўлар эди. Зеро, адабий таъсир кенг кўламли ва кўп қиррали тушунча бўлиб, бир жанрдаги асарга турли жанрдаги асарлар таъсир кўрсатиши мумкин ва бу табиий. Шу жиҳатдан “Ўткан кунлар”да нафақат насрий асарлар ёҳуд эпик тасвир устиворлик қиласан достонлар, айни пайтда, халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётнинг турли жанрдаги асарлари таъсирини ҳам кузатамиз. Шундай экан, Қодирий Навоий достонларидан эпик тасвир санъатини ўрганибгина қолмай, улардаги лирик тароватдан ҳам баҳраманд бўлгани шубҳасиз.

Бу таъсирнинг барча қирраларини кичик бир тадқиқот доирасида тадқиқ этишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳам бобни гарчанд биз “Ўткан кунлар” романида Навоий “Хамса”сининг эпик анъаналари”, деб номлаган бўлсакда, мавзунинг катталигини эътиборга олиб, бу ерда асосан “Фарҳод ва Ширин” достони ҳамда “Ўткан кунлар” романини қиёсий тадқиқ этиш билангина кифояланамиз. Шунингдек, ўрни-ўрни билан “Лайли ва Мажнун” достонини ҳам мұқояса учун тадқиқотга жалб этамиз.

Абдулла Қодирийнинг Отабек ва Кумушни янги замоннинг Фарҳод ва Шириnlарига нисбат беришининг ўзиёқ Алишер Навоий қаламига мансуб мазкур достоннинг халқ орасида қанчалик машҳурлиги, жумладан, адаб учун ҳам ардокли асарлардан бири эканлиги ва, табиийки, “Ўткан кунлар”га бевосита ва билвосита таъсир кўрсатганлигини билдиради. Бугина эмас. “Фарҳод ва Ширин” ва “Ўткан кунлар” Алишер Навоий ва Абдулла Қодирийнинг ижодида алоҳида ўрин тутиши, муаллифларнинг Фарҳод ва Отабек,

Ширин ва Кумуш образлари орқали ўз идеалларидаги йигит ва қиз тимсолларини яратганликларини эътиборга олсак, мазкур асарлар Навоий ва Қодирийнинг эстетик ширашлари, оламга ва одамга муносабати, тафаккур кўлами, бадиий мезонлари ва бошқа кўплаб улар ҳаёти, ижоди, шахси, дунёқараши билан боғлиқ масалаларга ойдинлик киритиши мумкинлиги аён бўлади.

Алишер Навоий ўзининг том маънодаги етук – комил инсон хусусидаги ўй-фикрлари, орзу-истакларини кўпроқ Фарҳод образи орқали ифодалайди. “Фарҳод – улуғ Алишер Навоийнинг суюкли қаҳрамони, – деб ёзади адабиётшунос Р.Воҳидов. – Шоир юрагида макон тутган барча эзгу фазилатларни унгагинараво кўради. Уни ҳам жисмоний ва ҳам маънавий жиҳатдан баркамол инсон сифатида шакллантириди. Барча журъату шижаат, мардлигу жасоратни унинг насибасига битади. Натижада достондаги Фарҳод ўтда куймас, сувда чўкмас, ўқ тешмас қаҳрамонлар суратини ишлайди”<sup>1</sup>.

Абдулла Қодирий ҳам Отабек сиймосида ўз кўнглидаги, орзу-аъмолидаги чин инсон тимсолини яратган. Шунинг учун бу қаҳрамон адабнинг ўзига ҳам ҳамиша эъзозли бўлган.

Фарҳод ва Отабек, Ширин ва Кумуш образларида ўзаро муштарақ жиҳатлар кўп. Ҳар иккала муаллиф ҳам ўз қаҳрамонларини алоҳида бир меҳр-муҳаббат билан тасвирланган. Улар ўзларида ва ўзлари хурмат қилган кишиларда маъжуд бўлган, айни пайтда, ўзлари орзу қилган барча ижобий фазилатларни бу қаҳрамонлар сиймосида мужассимлантирганлар. Зоро, адабий қаҳрамон ҳаётий шахсга тұла-тўқис мувофиқ келмайди, у бир қадар идеаллаштирилган бўлади. Бу ҳақда Абдулла Қодирийнинг ўзи шундай

<sup>1</sup> Вожидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: 1994. – Б. 102.

дейди: “Шахс асардаги қаҳрамонга қанчалик ўхшаб кетмә син, барибир, унда қандайдир бир камчилик, нуқсон булди. Баъзан китобхон асарни берилиб ўкийдида, ундаги қаҳрамонни ўз атрофидан излаб кўради, айнан ўхшашини топа олмагач, умидсизланади, идеаллаштирилган типлар, деб хулоса чиқаради. Ёзувчи эса, кўплаб шахсларда кўргани кузатган типлардан ўзига керагини танлаб олади, умум лаштиради, бирон қаҳрамонда мужассамлаштиради. Бирок бунинг шартлари бор: типлар ясама, сунъий бўлмаслиги, ҳалқ орасида бирор бўлмаса, бирорда кўрилган, табиий, мантиқка тўғри келадиган, китобхонни ишонтирадиган бўлиши шарт”<sup>1</sup>.

Атоқли адабиётшунос олим, академик Иzzат Султон нинг қўйидаги фикри ҳам дикқатга сазовор:

“Мен энди адабиётимиз учун муҳим бир масалага дикқатингизни тортишни лозим топаман, – дейди у филология фанлари доктори Н.Раҳимжонов билан суҳбатида. – Бу масаланинг бири – ҳаётни адабиётда қандай тасвирлар масаласи. Шуни доим эсда тутиш керакки, адабиёт ҳаётнинг фотонусхаси эмас. Адабиёт – бадиий образлар олами, “иккинчи воқелик”, яъни ёзувчининг ҳаёт ҳақидаги тасаввурининг аксиdir. Бу ҳаётнинг бадиий тасвири ҳаётга ҳам ўхшashi, ҳам ўхшамаслиги керак, деган сўз. Ёзувчи ҳаётдан узилмаган ҳолда ҳаётдан “узоқлашиши” шарт. Бу узоқлашиш ҳаётнинг моҳиятини очиб беришга хизмат этади. Аслини олганда, бу узоқлашиш ҳаётга чукурроқ, кириб бориш, демакдир. Масалан, “Ўтган кунлар”ни оладиган бўлсак, Юсуфбек ҳожи ҳам, Отабек ҳам мана шундай яхлит ва мукаммал ҳолда XIX аср ҳаётимизда учрамаган. Аммо XX асрда бизнинг ҳаётимизда Юсуфбек ҳожи ва Отабек образларининг айрим қирралари учрайди.

<sup>1</sup> Қодирий Ҳ. Отам ҳақида. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. 95-96-бетлар.

Бундан шундай хулосалар чиқариш мумкин:  
Биринчидан, ёзувчи-санъаткор “мубалаға қонуни”га  
шаш қилиши шарт. Масалан, ҳозирги кунда ҳаётда тадбир-  
кор образи мукаммал шаклланган эмас. Бу нарса тадбиркор  
оғизининг адабиётга олиб кирилиши ҳали, эрта, деган  
фигрни юзага келтирмаслиги керак.

Иккинчидан, ижоднинг яна бир муҳим талаби – ёзувчи  
қаҳрамонларни, персонажларни ўз маънавий бойлиги  
билин бойитиши керак. Бу персонажларнинг ёзувчи ғояла-  
рни ифода этувчи “жарчи”та айланиши, деган сўз эмас.  
Ёзувчи ҳар бир персонажни, айниқса, ижобий қаҳрамонни  
у ўз маънавий хазинаси ҳисобига бойитиши лозим. Такрор-  
такрор айтаман: бадиий асарда тасвирланган ҳаёт у оддий,  
тундалик ҳаёт эмас, бу – ҳаётнинг мағзини чақкан, унинг  
моҳиятини тушунган санъаткорнинг тасаввурида пайдо  
булган ҳаёт манзарасидир. У оддий ҳаётга ўхшайди ҳам, ўх-  
шамайди ҳам. Ўхшашлиги – унинг ҳаётийлигини, ўхшамас-  
лиги эса – унинг бадиий таъсирчанлигини таъминлайди”<sup>1</sup>.

Абдулла Қодирий айни шу йўлдан боргандигини Иззат  
Султоннинг қуидага ҳикояси ҳам тасдиклайди:

“– 1929–1930 йиллар бўлса керак, ёзувчиликка ҳавас-  
кор ёш кезларим эди. Бир куни ҳозирги Лойиха институ-  
тининг биносига ёш ёзувчиларнинг Қодирий билан учра-  
шуви бўлди. Қодирийга турли саволлар берилди. У киши  
саволларга қайтариб, ўз тажрибаларидан сўзлаб бердилар.  
Мен Қодирийдан: “Уткан кунлар” романингиз воқеий асар-  
ми?” – деб сўрадим, “Йўқ, – дедилар у киши, – романдаги  
беш – ўн фоиз айрим тарихий воқеалар, шахсларгина во-  
кеий. Қолганлари – ёзувчининг маҳорати...”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Қайта туғилиш арафаси (И.Султон ва Н.Рахимжонов сұхбати) // Ўзбекистон  
адабиёти ва санъати, 1990. 19- март.

<sup>2</sup> Қаранг: Қодирий. Ҳ. Отам ҳақида. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. –Б. 96.

Маълум бўладики, Фарҳод ва Ширин ҳамда Отабек ва Кумуш – Навоий ва Қодирий томонидан муайян даражада идеаллаштирилган қаҳрамонлар. Лекин муаллифлар ўз асарларини бир-биридан фарқланувчи икки метод Навоий – романтик, Қодирий – реалистик методдан фойдаланиб яратганлар. Агар Навоий “Фарҳод ва Ширин”ни ёзишда оғзаки ва ёзма адабиётдаги романтик қаҳрамонлик достонларидан озиқланган бўлса, Абдулла Қодирий халқ оғзаки ижоди ва мумтоз сўз санъатимиз анъаналарига суюнибина қолмай, замонавий Шарқ ва Farb романчилигига эришилган бадиий ютуқлардан ҳам баҳраманд бўлган. Шу жиҳатдан бу икки асар қаҳрамонлари ўртасида муштарак томонлар бўлиши билан бирга, тафовутли ўринлар маъжудлиги табиий. Чунончи, Фарҳод бирмунча романтик кўтаринки услубда муболағадор, фантастик тасвир унсурлари билан омухта ҳолда тасвирланган бўлса, Отабек образи реализм талабларига мос равишда яратилган.

Алишер Навоий талқинидаги Фарҳод ва Ширин фақат севги ва вафонинг ғлоҳий маъбудаларигина эмас. Улар, биринчи навбатда, маънавий камолот ва руҳий гўзалликнинг тирик ва ноёб тимсоллари ҳамdir.

“Навоий маънавий гўзалликни жисмоний гўзалликдан айри ҳолда ажрамагани сингари, илм билан ҳунар ҳам ўзаро омухта бўлиши тарафдоридир. Яъни, маънавий етук киши жисмоний жиҳатдан ҳам гўзал бўлса, бу – комил гўзаллик ҳисобланади. Хуллас, илмли одамнинг ҳунари ҳам бўлса, ўз навбатида, ҳунарманд ҳам илму маърифатдан боҳабар бўлса, ҳақиқий баркамоллик – шу.

Фарҳодда айни жиҳатларнинг бари мужассам: у барча илmlарни эгаллаш баробарида ҳамма ҳунарлардан ҳам ҳабардор, маънавий жиҳатдан етук бўлибина қолмай, жис-

моний томондан ҳам кучли ва гүзал, мард ва шижаатли”<sup>1</sup>. Лйни хусусиятларни Отабекда ҳам кўрамиз. Отабек гарчи Фарҳод каби замонасининг барча илмларини эгалламаган бўлсада, лекин ўзига етарли даражада билимли. Савдо иши билан нафақат ўзимизнинг вилоятлар, балки рус шаҳарларига ҳам борган, ҳалқ турмуши, давлатни бошқариш ишларини кузатиб, кўзи очилган, дунё кўрган, муайян тажриба тўплаган, дунёқараши ҳийла кенг, фикр-мулоҳазаси чукур; ўзи босик, хушмуомала; мард ва танти, жасур ва кўркмас, андишали, ор-номусли, қисқаси, ўз замонасининг олд фарзандларидан ҳисобланади.

“Фарҳод ва Ширин”да романтик саргузашт тасвири стакчилик қиласи: Ширинни излаб йўлга чиққан Фарҳод кўпдан-кўп саргузаштларга дуч келади – Юнон юртига бориб, Сухайло билан учрашади, аждаҳо, Ахриман, темир пайкарни енгиб, Жамшид жомини қўлга киритади, Сукрот ҳаким билан сўзлашиб, Искандари Румий тилсимини очади. Бу – воқеаларнинг биринчи босқичи. Иккинчи босқичи – кўзгуда Шириннинг аксини кўрган Фарҳоднинг унга етиш йўлида бошидан кечирган воқеаларни ўз ичига олади.

Отабек гарчи ўз салафи каби Марғилонга ёр излаб эмас, балки савдо иши билан келган бўлсада, “бу ўртада ўхшаши” бўлмаган “кўхлик” бир қизнинг савдосига гирифтор бўлади. Унинг баҳтли-баҳтсиз саргузаштлари шундан сўнг бошланади. Асарда муҳаббат масаласининг вақтинча иккинчи ўринга туширилиши ёзувчининг ҳалқ достонларига эргашмай, ижодий йўлдан борганлигини кўрсатади. Демак, ёзувчи анъанани эгаллашда тақлидчилик йўлидан эмас, балки ижодий йўлдан борган.

Фарҳод ўз муҳаббати йўлидаги тўсиқлар бўлмиш аждаҳо, Ахриман, темир пайкар ва Хисравлар билан афсона-

<sup>1</sup> Қаранг: Қодирий. Ҳ. Отам ҳақида. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. –Б. 96.

вий жангу жадаллар олиб борган бўлса, Отабекнинг у душманлари Ҳомид, Мутал полвон ва Содикларни ўзаро тенг бўлмаган курашда енгиб чиқиши ҳам бир достон, катта қаҳрамонлик. Фарҳод ўзини макру хийла билан бағди қилган рақиби Хисравдан сира чўчимай, унинг саволларига босиқлик билан ва асосли жавоб қайтаради, ишмоқли гаплар билан уни ҳатто мот қиласи.

“Хисравнинг хитоблари қанча қаттиқ бўлса, Фарҳод унга шунча осонлик билан жавоб берар эди. Хисрав унда шу қадар жасоратни кўрди. Унинг сўзлари ҳам худди дур соч гандай эди. Бундан Хисрав беҳуд бўлиб, ичига ўт туш гандай, унинг ичидаги ўтхонадан эса бунинг алангаси чиқаётгандай бўлди. “Мендек подшога бошидан – оёғигача занжирдаги шундай бир тубан ва разил одам, ҳаётининг кўчатидан шохлар синиб турган бир пайтда ўжарлик билан жавоб беряпти. Бундай фидойини ўлим жазосига тортиш керак, токи ҳар қандай тоғ ва водий гадойи иккинчи марта сultonлар олдида хавф ва даҳшатни писанд этмай, сўзга ботирлик кўрсатмасин!” – деб ўйлади у.

...Уни дор қурилган, ўтин ва ўт тайёрланган ерга олиб келдилар, “Шундай бир бегуноҳ ўлиб кетаверадими?!?” – деб бутун халқ ўртасида ғулгула кўтарилди.

...Хисрав бошлиқ унинг барча хос кишилари, хосларнинг ўзигина эмас, ҳамма Фарҳоднинг билимдонлигидан, мардлик билан бепарволигидан ҳайратда эдилар. Халойиқ унинг хеч кими йўқлигига, унинг бундай жазога лойиқ эмаслигига йиглашар эди”<sup>1</sup>.

Хисрав, бир томондан, халқ орасида ғавғо-тўполон чиқишидан қўрқиб, иккинчи томондан, Фарҳоднинг юзида валийлик нурини кўриб, уни ўлдиришдан ҳайикиб, ўз хукмини бекор киласи – уни Салосил қўрғонига банди этади.

<sup>1</sup> Навоий Алишер. Фарҳод ва Ширин. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. –Б.516; 519-520-бетлар. (Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат қилганда саҳифасини қавс ичидагу кўрсатиш билан кифояланамиз).

Ҳомиднинг туҳмати билан Отабек ва Мирзакарим кутидорни Худоёрхонга қарши исён чиқаришда айблаб қўлга оладилар ҳамда сўроқ учун Марғилон қушбегиси ҳузурига колтирадилар. “Отабекда тушунмасликдан бошқа ўзгариш сенилмаса ҳам кутидор жуда кўрқсан, ранги ўчкан эди” (71). У қушбенинг барча саволларига босиқлик ва бепарволик билан жавоб қайтаради:

“... – Айтингизчи, қирқ кунлаб Марғилонда қолишингизнинг сабаби нима эди?

– Маълумки, ҳозир Тошканд қамал (муҳосара) ҳолатидир. Шундай вақтда Тошкандга қайтиш ўзи ақлсизлик бўлар эди.

– Қорачопончи бўлганингиз учун, – деди истехзо қилиб қушбеги, – қипчок оғайнилардан қўрқдингизми?

– Сўзингизга тушунолмайман, – деди кулиб Отабек. Бу гани оддий кишига айткандек қилиб сўзлади. Кутидор унинг бу айткан гапидан эмас, кулишидан ниҳоят даражада кўрқувга тушиб, ўзида иссиғлик-совутлик бир ҳолат ҳисбган эди. Ҳокимларга гарчи тўғри бўлганда ҳам дағалроқ сўз айтиш ўлимни тилаш билан тенг эди. Утаббой қушбеги томона ҳокимларининг тузуги бўлса ҳам, кўп бўлмаса озрок, уларнинг таъсири бунда ҳам бор эди.

– ... Мен сизнинг қиличингиз остида ўлимдан кўркиб ёки сизга хушомад учун сўзламай, хукумат кишиларимиз орасида тушинадирган бир одам бўлганлигингиз важидан отамнинг ҳам ўзимнинг қандай фикр ва маслак кишиси эканлигимизни айтиб ўтмакчи бўламан: биз на қипчоқларга тарафдор бир киши ва на шаҳарлик оғайниларга...” (72–74).

Қушбеги томонидан ўлим жазоси эълон килинганда, Отабек

“-Ҳақсиз жазо” – деб кулимсираб қўяди... Кутидор „чин ўлик тусига кириб” (95), ўзини йўқотиб қўяди.

Отабек Қўқон хони ҳузурига чақирилиб, иккинчи марта сўроқ қилинганида ҳам, “тахт устига қўндирилган жонлии Худоёр ҳайкал”нинг (122) оталиги бўлган “Мусулмонкул дек маккор тулки”га (121) рўпара бўлганда ҳам довдираш қолмайди, аксинча ўзининг дадиллиги билан уларни ҳайратга солади.

“Отабек худайчи орқасидан кириб хонга таъзим килди ва қўл боғлаб тўхтади-ю, Отабек Мусулмонкул отини, унинг йиртқичлигини яхши билса ҳам, аммо шахсан ўзини кўрмаган, шунинг учун хоннинг ёнидаги хоқонга илтифот этмади. Унинг бу илтифотсизлиги Мусулмонқулга асарни қолмади-да, аччиғи устига аччиғ, кек устига кек қўшилди ва шулар ичидаги ясалаб чиқган бир истеҳзо илжайиш ва бир товуш билан:

–Менга қаранг, бек йигит, – деди. Отабек ўзига қарагач:  
– Сиз ким бўласиз? – деб сўради. Ул ҳануз бояғи масхари ҳолатда эди.

–Мен – Отабек.

–Дунёда Отабекдан кўпи борми, сиз қандай Отабек?

–Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли.

– Ҳа-а-а, шундог денг-чи... Тошкандлик Юсуфбек ҳожи-ким, Азизбегимизнинг гумаштаси бўлған зети шарифнинг ўғиллари?

Отабек бу чўлтоқ супургини таниди ва унинг истеҳзоларини пайқади. Ул бундан сўнгги кўргулигини тамом маъноси билан онглаб, маъносиз бу саволларга жавоб бериб ўлгуришдан сукутни хайрлик топди. Гўё ўзининг бу сукути билан Мусулмонқулга маънолик бир жавобни ифода қиласа эди. Чиндан ҳам, Мусулмонқул бу сукутдан таҳқирланди, тутуни кўкка кўтарилаш экан, бақирди:

- Нега жавоб бермайсан?
- Сиз мени қандай таниган бўлсангиз-бўлингиз, мен ушандоғ кишининг ўғлиман, - деди бек. - Мен билан отам сиз билан қушбегига бир неча турлик бўлиб танилсак-да, ўз виждонимиз олдида бир турликкинадирмиз! Шунинг учун сиз талаган тарафингизга хукм қилинмоқчи, буйруғингизни бераверингиз!

Мусулмонқулнинг юзидағи бояғи аччиғлар ерини бир тақваниш вазияти олди. Кулимсираш ичидаги Отабекни кузатар экан:

- Дав юрагинг бор экан, йигит... Ҳайфки гуноҳинг бўйнингда, - деди ва чақирди: - Жаллод!" (122-123).

Отабекнинг довюраклиги, жасорати ва қаҳрамонлиги муаллиф томонидан таъриф-тавсиф этилмайди, балки асар қаҳрамонларининг ҳайрат-ҳаяжони орқали ифодаланади. Чунончи, дўстининг уч душманга қарши бир ўзи кураш олиб борганини эшитганда уста Алим тонг қолиб: "Субҳоноллоҳ қандай юрагингиз бор экан, Отабек!" (253) – деб хитоб қиласди. Унинг бу ишини "ақллар ишонмаслик қаҳрамонлик" (253) сифатида баҳолайди. Уста Алимдан "арслон юраклик Отабек"нинг (260) қаҳрамонлигини билган кутидор, "бир томондан, даҳшатга тушса, иккинчи жиҳатдан, Отабекнингда юрагига ҳайрон қолар эди" (261). Эру хотин алламаҳалгача "Отабекнинг "фавқулодда юраки"ни мақтаб, унинг ҳақига дуо қилиб ўтирадилар.

Михинбону билан Ширинни, уларнинг аркони давлатини гадо кийимидағи Фарҳоднинг фаришталарникидек хулқу одоби, чуқур билими ва кенг дунёқарashi, хушмуомаласи, назокати ҳайратга солади. Улар Фарҳоднинг оддий одам эмаслигини англай бошлайдилар.

"Михинбону унга меҳрибончиликлар кўрсатиб, кўнглини кўтарарди. Ҳар дамда бир у шафқат билан сўз ҳам

қотиб қўярди. Фарҳод эса уялганидан икки кўзи ерга тикилган эди. Унинг салобати, одоби халқни хаяжонга соларди. У ўзини тоғ олдидағи хас ва кўкат, деб биларди. Гоҳо саволларга адаб билан жавоб ҳам бериб қўяр, ҳар сўзи тиник инжудай эди. Унинг гапирган гаплари ақли, зийраклиги, юзидан эса бутун фаҳму фаросати билиниб турарди.” (482-483).

Миҳинбонунинг ўз шарафига уюштирган зиёфатида эса Фарҳод май таъсирида дадилланиб, маликанинг илму хунарда баркамол қизлари билан савол-жавоб қилиб, нечоғлик билим ва салоҳияти борлигини намоён қиласди ва барчани яна бир ҳайратга солади. “Унинг аслида табиати тоза, баланд бўлгани учун замон уни камолот эгаси қилган эди. Фарҳод ўзининг шу равшан табъидан келиб чиқиб, ҳар бир қизга унинг ўз фанига оид саволлар берарди. Унинг ўртага ташлаган масалалари шу вақтгача ҳеч эшитилмаган масалалар бўлгани учун санамлар жавобга ожиз қолдилар. Улар шубҳага сабаб бўлган жумбокларни еча олмагач, Фарҳод уларни ўзи ечиб берарди.

Унинг гап – сўзларининг чиройлилиги олдида идрок деган нарса қусурли, унинг ҳар бир сўзи гавҳардай тоза эди. Гап-сўзлардаги маъноларнинг ниҳоятда нозиклиги базмдагиларни ҳам ақлу ҳушидан ажратиб қўйган эди.

Миҳинбону Фарҳоднинг гапларидан ҳайрон, эшиитган сари ўзини йўқотиб борарди. Фарҳоднинг сўзларидан илоҳий сирлар зоҳир бўлар, жамолидан эса шаҳзодалиги аён бўлиб борарди...

Билимлар билан тарбия топган, ҳамма билимдонларнинг бошлиғига бошлиқ Миҳинбону билдики, бу тошйўнар йигит гавҳарли тождан бошини олиб қочиб юрган экан. Шундан кейин у унинг салобати олдида ўзини паст, сўзлари оддида ўз сўзларини тубан сезди” (489).

Шундан кейин Михинбону таҳтдан тушиб, Фарҳодга таъзим қиласи ва унинг таҳтга чикиб ўтиришини ўтинади, Фарҳод бунга кўнмагач, ўзи ерга тушиб, Фарҳоднинг ёнига ўтиради. “Бону ичидаги ўйларди: “Бу ғамнок йигитдек бир тоза гавҳарнинг бошқа топилиши мумкин эмас. Менга унинг бутун феъл-автори маълум бўлди. Унинг иши ростлик, хунари тозалик экан. Ширинга бир марта қарашга ҳам тоб бермаяпти. Чунки унинг ҳароб бўлган жони чиқишга яқинлашди. Бу инсон суратидаги малакдир. Унинг гавда-сида фариштага ўхшашлиги аник кўриниб турибди” (480).

Отабек ҳам Зиё шоҳичиникида бўлган меҳмондорчиликда ўзининг билимдонлиги, кенг дунёқараши, чукур ва маъноли сўзлари, гўзал хулки, ўзини тутиши, камтар-камсукумлиги, яхши билим ва тарбия олганлиги билан даврадагиларнинг олқишига сазовор бўлади:

“Мажлис Отабекнинг Шамай таассуротини мароқ билан эшилкан, шу кунгача ҳеч кимдан эшилмаган унинг фикрларига ажабланган эди. Истиқбол қайғуси тушига ҳам кирмаган бу Туркистон оталари Отабекнинг дардини дилдан чиқариб айткан гапларидан ҳиссасиз колмадилар...

Отабек мажлисга тамоман янги ва эшилмаган фикрларни сўзлаб кетти, улар бекнинг оғзига анқайишиб қолган эдилар. Дарҳақиқат, ўзаро битмас низоъларнинг асли маншаъини ул яхши онглаб таҳлил килар ва дуруст қиймат берар эди. Унинг шу йўсун мулоҳаза ва фикрлари мажлиска чувалган ипнинг учини топиб бергандек бўлиб, лафзан бўлмаса ҳам маънан уларнинг таҳсин ва олқишлиарини олди.

Отабек хуфтан намози учун таҳорат олишга меҳмонхонадан чикган эди, унинг кетича:

–Отасининг боласида, – деб Зиё шоҳичи меҳмонларга қараб қўйди. Умри узок бўлсин, – деди Акрам хожи, – йигит-

ларим ичидә ақллиги экан... Агарда хон күтариш маним қўлимда бўлса эди, хон қилаб Отабекни кўтарар эдим... Ўзи ўқуганми?

Бу мактovлар билан терисига сиғмай кеткан Ҳасанали жавоб берди: Тошканд Беклар беги мадрасасининг пешқадам муллабаччаларидан эди, лекин уч йилча бўлди, хўжамиз мадрасадан олиб, савдо ишига қўйдилар.

-Худо ҳар нарсадан ҳам берган йигит экан, – деди қутидор.

Ахли мажлис Отабекни кўкларга кутариб мақтар эди..." (18-20).

Отабекнинг "қиз ёқтирмаслик" сабабидан ҳануз уйланмай келаётганини эшитган Ҳомиднинг Ҳасаналига қарата: "Балки бегингизнинг кўнгли хон қизидадир" (20), – деган истеҳзосига жавобан бўлгуси қайнотаси Мирзакарим кутидор айтади: "Отабек хон қизига лойиқ бир йигит экан" (21).

Мирзакарим қутидорнида меҳмон бўлган Отабекни унинг чўриси Тўйбека ҳам оғзидан суви оқиб таъриф-тавсиф этади:

"– Наҳ сиз ёш меҳмонни кўрмабсиз, дунёга келмабсиз, – деди Тўйбека ўнгу терс ош чайнаб, – бир чиройлик, бир ақллик, тағин ўзи ҳаммадан юқорида ўлтуратур; ҳали йигирмага ҳам бормагандир, мўйлаби ҳам эндиғина чиқа бошлаган... Наҳ бизга кувв бўладирган йигит экан, – деди ва Кумушка" қараб қулиб қўйди...

Кумушбиининг сезилар-сезилмас қулимсирашидан ёқутдек иринлари остидаги садафдек оқ тишлари кўриниб кетган эрсада, бироқ унинг бу ҳоли тезлик билан тундликқа алишинди...

Тўйбека Кумушнинг тундланишини эламади:

– Эй... синглим, ҳали сен билмайсан, – деди, – у йигитни бир кўргинда, ху деб кета бергин... сен тугил, шу ёшим

билан меним ҳам унга текким келди, – деди ва хохолаб оборди.

Кумушбиби чирт этиб юзини Тўйбекадан ўгириди.

– Тезроқ тегиб қолинг.

– Кошки эди тегалсам, – деди Тўйбека, – мен унинг бир гукига ҳам арзимайман. Аммо сен бўлсанг, унинг билан генглашар эдинг...” (32–33).

Отабекни шарафловчи, унинг Кумуш учун энг муносиб кубигина эмас, балки марғилонлик йигитлар орасида белазир эканлигини тасдиқловчи фикрлар бу сўзлар билан тутамайди.

Мехмонлар кетгач, энди Офтобойим эридан Отабек қишида суриштиради:

“ – Чиройлик йигит, акллик йигит, деб мақтай-мақтай Тўйбеканинг ичаги узилди, у ким эди?

– Мехмонимиз ўша эди, – деди қутидор, – тошкандлик Юсуфбек ҳожи отлиғ яқин ошнамнинг ўғли.

– Тўйбеканинг мактаганича борми ўзи?

– Бор, – деди қутидор ва ғиталанди, – Худо кишига ўгул берса, шундайини берсинда.

Офтоб ойим кула-кула Тўйбеканинг Отабек тўғрисида сўзлаган гапларини ва Кумуш билан бўлган можаросини сўзлаб чиқди. Қутидор ҳам кулгидан ўзини тўхтатолмас жан:

– Тентагингнинг акли бало, киройи куявинг шундоғ бўлса, – деди” (33–34).

Бош қаҳрамоннинг ҳар томонлама баркамол бўлиши халқ оғзаки ижоди намуналари учун ҳам бегона эмас. Аммо бу масала мумтоз Шарқ адабиёти, хусусан ўзбек адабиёти ва, айникса, Алишер Навоий достонларида устувор адабий тамойил даражасига кўтарилиган. Модомики, биз ушбу бобда “Фарҳод ва Ширин” достони билан “Ўткан кунлар”

романидаги эпик қаҳрамонларни ўзаро мукояса қилаётган эканмиз, уларнинг баркамол шахс сифатида китобхонга тақдим этиб айтган жиҳатларини четлаб ўтолмаймиз. Алишер Навоий учун бош қаҳрамон биринчи навбатда маънавий юксак, хушсурат ва ҳар томонлама билимдон киши бўлиши муҳимдир. У Фарҳодни шунчалик адабий асар қаҳрамони эмас, балки ҳалқа ибрат намунаси бўлган шахс сифатида тақдим этишни ўзига мақсад қилиб олган. Фарҳоднинг тилга олинган фазилатлари севги ва муҳаббатга садокати ва жасорати билан кўшилиб, уни қарийб идеал қаҳрамон даражасига кўтарган.

Навоий ўз қаҳрамонининг ана шу фазилатларини кашф этиш мақсадида эпик тасвир восита ва йўлларини ишлаб чиққанки, бундан – устоз анъанасидан Абдулла Қодирий ҳам баҳраманд бўлган ва у шу анъаналарни давом эттиришни ўз олдига мақсад қилиб кўйган.

Фарҳод ва Отабекни бир-бирига боғлаб турувчи жиҳатлардан яна бири – уларнинг ҳалқпарварлиги. Фарҳод – шаҳзода, Отабек ҳам хукуматда баланд мартабада турувчи бир кишининг, ўзига тўқ хонадоннинг фарзанди бўлсада, ҳар иккаласи ўзининг фуқаропарварлиги, эл хизматига камарбасталиги, юрт қайғусига эшлиги билан алоҳида ажрабиб туради.

...Ёшлигидан ҳалқни ўйлаши, унинг оғирини енгиллатишга уриниши, “кўнгли эл озоридан озор” топиши, “эл андуҳидан ғамнок” бўлиши, филдан ҳам кучли эканлигига қарамай, чумолига ҳам озор бермаслиги, тақдир зарбаларини ўзига олиши сингари фазилатлар Фарҳоднинг элим деб, юртим деб яшадиган фидойи кишилар тоифасига мансуб эканлигидан далолатdir.

Фарҳод – фавқулодда хусусиятлари, алоҳида истеъодига қарамай, сира ҳалқдан ажралмаган, таркидунё қилма-

ган, аксинча, “Дил ба ёру даст ба кор” шиорига қатый амал қилган қахрамон. У ҳамиша халқ хизматига камарбаста бўлишни, элга манфаат етказишни ўйлайди. Бу нарса, ай-никса, унинг Ширинни излаб, Арманияга бориб, тог қазув-чиларнинг оғир ва самарасиз меҳнатини кўрганида намоён бўлади:

*Хунарни асрарон неткумдур охир,  
Олиб тупроққаму кеткумдур охир?!*

У кўнглидан ана шу даъватни кечириб, “мазлум сит<sup>ам</sup>-каш” халққа ёрдамга шошилади...

Бу – Навоийнинг инсонпарварлик қарашлари тизими<sup>ми</sup>-даги энг муҳим нуқта. Шоир ақидасига кўра, инсоннинг инсонлиги, аввало, унинг ижтимоий фаоллиги, халққа фойда келтириши, элнинг оғирини енгил қилиши билан белгиланади. Жамиятга фойдаси тегмайдиган, халқ ғамини гами деб билмайдиган одам – одам деб аталишга нолой<sup>ик</sup>дир:

*Одамий эрсанг, демагил одами,  
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами,*

Шоирнинг бу машхур байти гарчанд “Ҳайрат ул-абр<sup>ор</sup>” достонидан олинган бўлсада, Фарҳод образининг мохия<sup>ти</sup>-ни очади, унинг халққа бағишланган ҳаётининг бош шис<sup>ри</sup> үлароқ жаранглайди. Дарвоқе, Ширин ҳам одамийлик<sup>ни</sup> ошиқлиқдан устун кўяди:

*Манга не ёру не ошиқ ҳавасдур,  
Агармен одам ўлсам, ушибу басдур<sup>1</sup>.*

Зиё шоҳичиникидаги меҳмондорчиликда Отабек<sup>аги</sup> Шамай таассуротларини сўзлар экан, бошқарув тизими<sup>да</sup> қолоқликлар, бошбошдокликлар, зулм-зўрлик, порахўрлик<sup>ни</sup> ва бошқаларни танқид килиб, жумладан, шундай дейди:

<sup>1</sup> Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. 7-том. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Бададбиёт, 1964. -Б.247.

“ – Шамайга бормасимдан илгари ўз ҳукуматдорлиги мизни кўриб, бошқалар ҳам шундайдир, деб ўйлар эдим, деди бек, – лекин Шамай маним бу фикримни ост-уст қи либ, ўзимни ҳам бутунлай бошқа киши ясади. Мен ўриснинг идора ишларини кўриб, ўз идорамизнинг худди бир ўйинчиқ бўлганлигини иқрор этишка мажбур бўлдим...

Бизнинг идорамиз бу кўнги тартибсизлиги билан кетаберса, ҳослимизнинг нима бўлишига ақлим етмай колди. Шамайды эканман, қанотим бўлса, ватанимга учсан, тўпни тўғри хон ўрдасига тушсанда, ўриснинг ҳукумат қонунларини бирма-бир арз қилсан, хон ҳам арзимни тингласада, барча элга ёрлиғ ёзиб, ўриснинг идора тартибини дастуруламал этишка буюрса, мен ҳам бир ой ичидага ўз элимни ўрисники билан бир қаторда кўрсан... Аммо ўз элимни қайтиб кўрдимки, Шамайды ўйлаганларим, ошикканларим ширин бир хаёл эмиш. Бу ерда сўзимни эшиткучи бираш ҳам бўлмади, бўлсалар ҳам: “Сенинг орзунгни шу хонлар эшитадими, шу беклар ижро қиласдими?” – деб мени маъюс қилдилар. Илгарироқ, мен уларнинг гапига бовар қилмай юрсан ҳам сўнгидан тўғри сўзни айтканларини билдим. Дарҳақиқат мозористонда “ҳайя алал-фалаҳ” (“нажотга шошилинглар” – Н.С.) хитобини ким эшитар эди” (18).

Бутун бошқарув тизгинини ўз кўлига олган, халқа беҳад жабру зулмлар қилиб, қораҷопон (узбеклар) ва қипчоҳларни бир-бирига гижгажлаган, эл орасида фитна-ғалаён қўзғаган қўғирчоқ хон Худоёрнинг қайнотаси ва оталиғи бўлган Мусулмонқулнинг кирдикорларини фош этиб, Отабек шундай дейди:

“...Модомики, ўз ғарази йўлида истибодод орқали эл устига ҳукмрон бўлғучилар йўқотилмас эканлар, бизга нажот йўқдир; магар шундай ғаразчиларни улар ким бўлсалар ҳам иш бошидан қувлаш ва улар ўрнига яхши ва

холис одамларни ўтказиш нажотимизнинг ягона йўлидир” (19).

Кипчоқ қирғинидан қайғуришлари, Тошкент ҳокимишинг маслаҳатчиси сифатида отасини ҳам бу фожиага айбдор билиб, унга таъна қилиши ҳам Отабекнинг халқ дарду гами билан яшаган бир инсон эканлигини кўрсатади.

Фарҳод ҳам, Отабек ҳам мард, жасур ва танти кишилар. Улар ҳатто ўзларидан бир неча баробар кучли душманни суга оладиган даражадаги шиҷоатга эга. Уларнинг бундай баҳодирликлариға дўстлари ҳам, душманлари ҳам тан берадилар. Лекин ҳар иккаласи ҳам макр-ҳийла олдида ожиз. Бу, уларнинг инсон зотига ўта ишонувчанликларидан келиб чиқади. Натижада иккаласи ҳам усталик билан тўкилган хиёнат тўрига тушади. Маккорлар “Ширин ўлди”, деган сіғон хабар тарқатиб, Фарҳоднинг ўлимига сабаб бўлган бўлсалар, соҳта талоқ хати уюштириб, Отабек ва Кумушни бир неча муддатга бир-биридан жудо этадилар.

“Фарҳод ва Ширин”нинг насрый баёнида ҳийлагар кампир шундай тасвирланади:

“...Қадди икки букилган бу зол кампирнинг бутун фикру хаёли фалак золиникига ўхшарди. Юзида макр чизифидан ажинлар тушган, умрида тилида бирон чин сўз чикмаган бу кампир агар ўзининг шум ҳийла ва найрангларини ишлата бошласа, қўлида төш мумдай эрир эди. У тилёғламалик килиб, афсун билан бир гапга бошласа, отага қизни, ўғилга эса онани олиб бериши мумкин эди ...” (552).

“Ўткан қунлар”да Ёсуман кампир ролини Содиқнииг онаси Жаннат ўйнайди-ю исми жисмидан ер билан осмонча фарқланувчи бу хиёнаткор аёл асарда қуйидагича таърифланади:

“Хотин Кумушка қараб келар эди. Ул ердан бичиб олгандек пак-пакана, бурни юзи билан баробар деярлик теп-

текис, кўзи қоққан қозиқ ўрнидек чуп-чукур, оғзи қулоги билан қошиқ солишар даражада жуда катта, юзи қирқ йиллик оғрикларнидек сал-сариқ, қирқ беш ёшлар чамасидан бир хотин эди. Кумушбиби ўзига томон келгучи бу даҳшатлик хотинни умрида биринча мартаба кўрар эди. “Нима қилиб юрибди бу оч арвоҳ” – деб ўйлади. Хотин ўн одимлар узоқдан юзига совуқ ва тушда қўрқарлик бир қулги туси берди. Димоқ билан “қиҳ” этиб қўйди” (168).

Бу ҳар иккала кампирнинг ташқи қиёфаси тасвирини ўзиёқ кишини даҳшатга солади. Улар фақат анъанавий шум кампирларгина эмас, балки ўз хукми билан юзта Букрони Ҳакимни мот этиб, Фарходни ўлдиргувчи кучга эга; иккincinnинг ҳам макр ва ҳийласи ҳисобсиз бўлиши мумкин. Реал ҳаётдаги маккор унсурлар Навоий достонида қандай бадиий вазифани бажарган бўлсалар, “Ўткан кунлар”да ҳам шундай вазифани ўтайдилар. Ва бу ҳол Қодирий асарида Навоий таъсири ўлароқ зухур беради.

Ширин ва Кумуш ўртасида ҳам ўзаро ўхшаш жиҳатлар кўп. Ширин ҳам, Кумуш ҳам ўз замонасининг ҳар жиҳатдан етук қизлари: оқила, фозила, ҳусну жамолда танҳо, хулқу адабда якто, севгисига содик, аҳдига вафодор, ишқа қатъиятли, жасур, ор-номусли, қисқаси, идеал аёлга хос бўлган барча эзгу фазилатлар ортиғи билан уларда мужасам. Ширин ва Кумуш – ҳамма замонларда ҳар қандай йигитнинг орзу-аъмолидаги қизлар.

Навоий Шириннинг ҳусну жамолини тоғ қазаётган Фарходни кўриш учун бораётган пайтида тасвиirlайди: “Гўзал Шириннинг ҳар ёқса занжирдай тўзғиган соч ўримлари гўё тош қазувчиларни илинтиришга каманд эди. Нега ҳам каманд бўлмасин? Чунки икки қора шом ўртасида кофур билан бир чизиқ тортиб фарқ очилган эли Жингалак, қора мушқдай хушбўй соchlарининг устидан юзига парда

тортилган бўлиб, гўё қора шомни ой чекилтириб келаёт-  
гандек эди.

Иккита ҳилол қоши фитналар қўзгаб, гўё бу ой бошида  
кўп қон тўкишлар бўлади, деяётгандай; ҳар нафас қон тў-  
кишнинг кенгашини қилиб, иккаласи бошларини туташ-  
тирган. Бу кон тўкишда иттифоқ тузиш учун унинг юзи-  
нинг сахифалари “қуръон” эди...

Оғзи устидаги бурни ҳам ажибликнинг тимсоли эди.  
Унинг ёнидан эса бир қора хол ўрин олганди...

Унинг қадди-комати жаннат савсанидай озод, юзи гул  
бироқ юз гулнинг хирмани эди. Унинг ўт рангидағи лаъл  
тошидай қип-қизил лабларидан ҳарорат кўтарилиб, ўша  
гул хирманига ўт туташган эди...” (469–470).

Абдулла Қодирий Кумуш тимсолида ҳақиқий ўзбек  
қизларига хос иффат, ибо, назокат, малоҳат, олижаноблик,  
вафодорлик, муруватлилик, софдиллик каби фазилатла-  
рини жамлаган. У ўзига хос обрўли, хуш хулқли, яхши  
табиатли ота-она кўлида тарбия топган. Кумуш ўзининг  
хушрўй чеҳраси билангина эмас, балки гўзал маънавий  
киёфаси билан ҳам киши ақлини лол қиласи.

“Кумуш қайин отаси билан қайин онасига уч-тўрт  
куннинг ичидаёқ ўзини кўрсатиб қўйди, ширин ва ақллик  
муомалалари билан уларни ўзига мафтун қилди. Юсуфбек  
хожи – бу одам фарзанди эмас – фаришта” дер, орада  
Зайнаб бўлмаса, “фаришта”, деб атамоққа ҳам ҳозир эди,  
Ўзбек ойим бўлса, эски гина ва адоватларни қайтиб келмас  
дунёсига жўнатди. Теваракдан марғилонлик келинни кў-  
риш учун келгучи хотинларига муомалани яна ҳам юқо-  
рироқдан туриб қила бошлади. Ҳар бир – “келинингиз  
ажабми?” деб Кумушка сукланғучи хотинларга “Маним чин  
келиним Марғилонда эдида”, дер эди.

Гоҳо Ўзбек ойимнинг ўзи ҳам Кумушнинг хусни ва муоммаласига ажаблана бошлар, ҳожини овлоғрокда учратиб қолса, “алҳазар, ўғлингиздан – уйланган хотинини қаранг” деб қўяр, ҳожи бўлса, “Ўзинг билган сиҳирчи ҳинди сенинг ҳам бошингни айлантирибдир...” деб илжайганда, Ўзбек ойим – “рост, бу келиннинг хуснидан ҳам бошқа яна тағин бир алоҳида хосияти борга ўхшайдир!” деб кулар эди” (331–332).

Ёзувчи Кумуш таърифида ўзининг энг гўзал ташбехларини ишлатган, унинг гўзаллигини чизишда бисотидаги энг рангин миллий буёклардан фойдаланган. Шунинг учун ҳам Кумуш сиймосида фақат ўзбек хотин-қизларигагина хос кирралар алоҳида қўзга ташланиб туради. Мана, атлас кўрпа, пар ёстиқ қучоғида ётган Кумушнинг тасвири:

“...Унинг қора зулфи пар ёстиқнинг турлик томонига тартибсиз суратда тўзғиб, қуюқ жинггила киприк остидаги тимқора қўзлари бир нуқтага тикилганда, нимадир бир нарсани кўрган каби... қоп-қора камон, ўтиб кеткан нафис, қийик қошлари чимирилганда, нимадир бир нарсадан чўчиган каби... тўлган ойдек ғуборсиз оқ юзи бир оз қизилликга айланганда, кимдандир уялган каби. Шу вақт кўрпани қайириб ушлаган оқ нозик қўллари билан латиф бурнининг ўнг томонида, табиатнинг ниҳоятда уста қўли билан қўндирилган холини қашиди ва бошини ёстиқдан олиб ўлтурди. Сарик рупоҳ атлас кўйнакнинг устидан унинг ўртача кўкраги бир оз кўтарилиб турмоқда эди. Туриб ўлтургач, бошини бир силкитдида, ижирғаниб қўйди. Силкиниш орқасида унинг юзини тўзғиган соч толалари ўраб олиб, жонсиз бир суратка киргизди. Бу қиз суратида кўринган малак кутидорнинг кизи – Кумушбиби эди” (29).

Кўриниб турибдики, Ширин ва Кумуш гўзаллигининг таърифида муштарак жиҳатлар, тўғрироғи, анъанавий таш-

бехлар мавжуд: соchlарининг тўзғилганлиги, жингалаклиги, қошларининг камонлиги, ўта кетган даражада нафислиги, кўзларининг тим қоралиги, иккаласининг холи борлиги ва айнан бурнининг ёнида жойлашганлиги...

Қодирий Кумушни бир неча ўринда “фаришта”, деб атгайди. Шу билан у Кумушнинг Ширин, Лайли каби фаришта, малак, пари деб улуғланган қаҳрамонлар силсиласига мансуб эканлигини тасдиқлагандек бўлади.

Кумушнинг латофатини Қодирий табиат манзаралари орқали ҳам тасвирлайди – бу хусн мулкининг маликасига табиат ҳам ошиғу шайдо, табиат ҳам унга олқиш айтади:

Кумушбиби ариқ бўйидан бир ўринни кўзладида, сакраб нариги юзига ўтди ва чўнқайди. Унинг кўзлари мулоҳимгина сув устига оғдилар. Ариқнинг мусаффо тиник суви ёвошгина оқиб келар, Кумушбибининг қархисига етканда гўёки унинг таъзими учун секингина бир чарх уриб қўяр, ўз устида ўлтурган сохиранинг сихрига мусаххар бўлган каби таги бир каттароқ дсирада айлангач, оҳистагина кўприк остита оқиб кетар эди. Ариқ сувининг ниҳоятсиз бу ҳаракатини узоқ кўздан кечириб ўлтургач, кўл узатиб сувдан олди ва юзини ювди. Унинг юзини ўпиб тушкан сув томчилари билан ариқ ҳаракатда келиб чайқалди, гўёки сув ичида бир фитна юз берган эди... Иккинчи, учунчи қайталаб юз ювишда бу фитна тағи ҳам кучайди...” (31).

Бу тасвирлар Атойининг қуийдаги машхур мисраларини эсга туширади:

*Ул санамким, сув яқосинда паритеқ ўлтуур,  
Фояти нозуклукиндин сув била ютса бўлур...  
Ул иликким, сувдин ориқтур, юмас они суда,  
Балки сувни пок бўлсун деб илики бирла юр<sup>1</sup>.*

<sup>1</sup> Атойи. Танланган асарлар. -Т.: Ўздавнашр, 1958. -Б.84.

Кумушдаги ҳусн белгилари ва унинг хатти-ҳаракатларида кўзга ташланадиган нафис ҳолатларнинг барчаси бирикиб, умум бир гўзалликни вужудга келтиради. Адаб ҳам Кумуш суратини, унинг нафис қилиқларини бекиёс бир завқ-шавқ билан тасвирлайди. Шарқ хотин-қизларининг иффати, одоби, ҳаёси жуда нозик ифодалангани ҳам достон ва романнинг муҳим ҳусусиятларидан ҳисобланади.

Ширин ва Кумуш бошқа-бошқа миллатларга мансуб бўлсалар ва уларнинг орасини беш юз йиллик вақт масоғаси ажратиб турсада, уларнинг ишку муҳаббатга муносабатларида ва бу муносабатларнинг бадиий талқинида муштарак жиҳатлар оз эмас.

“Фарҳод ва Ширин” достонининг энг нафис ва энгилирик лавҳалари муҳаббат ва садоқат мадҳияси бўлмиш Ширин ва Фарҳод ўртасидаги ёзишмалардир. Бу мактубларда севги изҳори, севишганларнинг бир-бирини қадрлаши, улуғ тутиши юксак бадиият билан куйланган. Бу ёзишмани, даставвал, Ширин бошлаб берган. Шириннинг мактубини эса Навоий “дарднома” деб атаган.

Алишер Навоий Ширин тилидан унинг энг чукур севги туйғуларини ифодалар экан, ундаги аёллик табиатига хос назокатни ёрқин гавдалантиради, аёлларнинг дард, изтироблари пинҳон, лекин чукур ва кучлироқ эканини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Ошиқ-маъшуқларнинг бир-бирларига мактуб йўллаши мумтоз сўз санъатида кенг тарқалган анъана. Ишкий достонларнинг деярлик барчасида бу ҳолни кўрамиз. Бу мактублар романтик бир рух, шоирона бир оҳанг, ҳассос бир муҳаббат туйғуларига йўғрилган бўладики, бу анъанани биз Отабек ва Кумуш мактубларида ҳам кўрамиз. Чунончи, Кумуш Отабекка ёзади:

"Юсуф савдосида бекарор Зулайҳо исмидан, Мажнун шинкида йиғлаган Лайли стидан – сизга бошимдан сочларимнинг тукларигача беҳад салом..."

Сиз – қочкоқсиз, нари-бери тил учидан менга бир нарса оғандек бўлиб қочқансиз, икки йил бўйи Марғилон келиб юришларингизни мен ўзимча ечдим, лекин топиб ечдим: сизнинг барча машаққатларингиз душманларингиздан ўчиш учун бўлганини англадим. Йўқса, мени кўрар эдингиз, кўргингиз келмагандан ҳам бошқалар сизни кўрар эдилар, туяр эдилар... Мен каби баҳтсиз, мен каби ғовғаси кўп сизни зериктириб, жондан тўйдирган бўлса, ажаб эмаски, коча бошлагансиз... Қочсангиз қочиб кўрингиз, аммо мен бу кундан бошлаб бирорларни қувишка бел боғладим: отам билан онам рафокатларида хизматингизга – чўрилигингизга эрта-индин юраман, суйганингиз кундошим олдида қадру қийматимнинг нима бўлишини ҳам биламан... Сиз олийжанобсиз: эски қадрдонлик ҳурматига кўнгил учун қулиб боқарсиз... Лоақал шугина билан ҳам баҳтсизни масъуда қиласиз..."(299).

Абдулла Қодирий ушбу мактубда ўз хусну камоли ва қадрини яхши билган Кумушнинг бугун боришини ўз Отабекига бағищлагани, аёллик жамоли-ю қизғин муҳаббатини илҳомбахш сатрларда гўзал бир тарзда ифодалаган. Умуман, Абдулла Қодирий қаҳрамонлар тилига катта эътибор беради. Бу ҳол, айниқса, қаҳрамонларнинг ёзишмалирида ёрқин намоён бўлади. Бу хатлар ёзувчига қаҳрамонларнинг бой маънавий оламини теран очиш имконини беради. Кумушнинг Отабекка йўллаган мактуби унинг яхши ният, шафқат, мурувват, самимият ва садоқат каби хислатларини ифодалашга мос тил билан ёзилган.

Энди бу мактубни Шириннинг Фарҳодга йўллаган мактуби билан муқояса этайлик:

“Меҳнат-машаққатларнинг рамзи бўлган бу хат куйни ёнаётган бир шамъдан парвонага эмас, бир самандардан бир оташхонага, яъни мендай бир заиф ва хаста жондан, малолат қалъасининг посбонидан ғаму дарди фироқи тоғтоғ бўлган, дард-андуҳ тоғида қалъа тузган сенгадир...

... Нима бўлар эдики, зулмки қасб қилиб олган фалак мени бир умрга сендан ажратмаса! Юрар вақтингда йўлдошинг бўлсан, дам олган чоғларингда қўлингдан ушлаб юрсан. Кундузлари сенга қуёш каби сухбатдош бўлиб, кечалари соя янглиғ бирга ўлтирсан. Дунёниг ўчакишидан кафtingга тикан кирадиган бўлса, мен кипригимни игна қилиб, уни олиб ташласам. Кундузлардан озор чекиб, бетоб бўлган вақтларингда доим бошинг қўйнимда бўлса. Агар ётадиган ўрнингда чўп-хашак кўрсан, кани энди сочим билан уни ҳеч кимга билдирмай супуриб ташласам.

Кўнглингда агар гардан қайғу бўладиган бўлса, кўз ёшларим билан ер юзига сувлар сепсан. Агар бошингга азоб-уқубат шоми муттасил тўшадиган бўлса, юзимни очиб, ундан қуёшни кўрсатсан. Агар узун кунлар сенинг “жонингга қасд қиласиган бўлса, мен сочимни тўзғитиб, сенга анбар ҳидли тунларни еткурсан. Юзумни юзингдан олмасдан, кўз ёшларингни енгим билан артиб юрсан”. (539–540).

Лайлининг Мажнунга мактуби, Шириннинг мактубига қараганда, Кумушнинг Отабекка ёзган хатига кўпроқ, ҳамохангдир. Лайли Навфалнинг қизига уйланмоқчи бўлган Мажнундан ўзини унутмасликни сўрагани каби Кумуш ҳам Отабекдан, эски қадрдонлик ҳурмати, Зайнабдан фарқли ўлароқ, ўзига гоҳи-гоҳи марҳамат этишини сўрайди.

“Хитой нақшларига ўхшаган бу сатрлар бир шикастанинг бир хастага ёзганларидир. Яъни: мен зору мубталодан, балодан қутулмаган сенгадир.

Яна мана шундай афсоналарни ҳам айтадилар, гүё сен Навфал билан тил бириктириб, унинг безалган уйига кўз ташлаб, қизига уйланмоқчи бўлиб, оғиз солибсан. Бахтинг ср бўлсин, биллоҳ, мен бунга ишонмадим. Сенинг мақсадинг шундай бўлса, менинг ҳам мақсадим шудир. Бир куни боғда томоша қилиб юрганимда, у санамни кўрган эдим. Узи дуруст, элга меҳрибон, яхшигина жон деса ҳам бўлади. Ҳақ таборак сенга йўлдош бўлсин! Бу хайрлик ишинг муборак бўлсин. Ўша билан хуррам бўлган чоғларингда бу хастани ҳам гоҳ-гоҳ эслаб қўй! Инсофни ҳам тарк этмагин, мени ҳам бир йўла уннутиб юборма!”<sup>1</sup>.

Ошиқ, аҳлининг ҳаддан зиёд камтар-камсукумлиги, маъшуқа олдида ўзини фақиру ҳақир кўриши, хору хасдан ҳам кам ҳисоблаши – Шарқда кенг тарқалган анъаналардан. Хусусан, ёзма адабиётда бу кенг истифода этилди ва ривожлантирилиб, ўзининг авж нуқтасига етди. Бу таъсирнинг изларини биз нафақат Фарҳод билан Мажнун, балки Отабек мактубларида ҳам кўрамиз. Ўз душманларидан қасос олган Отабек Тошкентга жўнаш олдидан Кумушга бир мактуб қолдириб кетади. Унда, жумладан, ўқиймиз:

“...Уйингиз орқасида қилган адабсизликларим, хунхўрликларим учун мени кечирингиз... Чунки мен бу ваҳшийликни ишлашда ихтиёrsиз эдим: Ҳаётингизнинг, номусингизнинг сақланиши буни тақозо этар эди... Албатта. Мен ишонаманким, сиз маним бу яхшилигим учун миннатдорлик қиласиз. Лекин мен бу миннатдорликка ўзимни сазовор ҳисоблай олмайман.

Мен ўшал кун кечаси душманлардан бирини ўлдирдимда, сўнг даражада заифландим, иккинчи душмандан енгилишимни ва кўйингизда жон беришимни аниқ билиб,

<sup>1</sup> Навоий Алишер. Лайли ва Мажнун. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1990. 316-318-бетлар (кейинги иктибосларда фақат китоб саҳифаси кавс ичидаги кўрсатилади).

роҳатланиб кетдим... Маним учун кўйингизда ва аёғингизда учидан жон бериш жуда ширин эди ва кўбдан бери гоям эди" (264).

Энди Қиёс учун Фарҳоднинг Ширинга йўллаган мактубини насрой баён асосида келтирайлик:

"Меҳнат-машакқат ўтининг достони бўлган бу мактубнинг қораламаси ғам-тусса тутунидан нишонадир. Бу хат тикандан сарвқомат ёсуман гулига, янада тўтироги, дўзахдан жаннат гулига йўлланмоқда..."

...Мен шундай зору ожиз бир чумолиманки, мендан ожиз чумолини бошқа топиб бўлмайди. Менинг олдимда оддий бир кесак ҳам бало тоғидай, ҳар қандай тола ип эслаждаҳо бўлиб кўринади. Шундай вазиятда сенинг ғаминг менга куч ва ҳарорат беради. Ана шу дардни тортишдан жонли кувват топади ... (543-545).

Кўрамизки, Отабекнинг Кумуш қаршисида ўзини ғоят хоксор тутишининг адабий илдизлари йўк эмас. Нафақат Фарҳод, балки Мажнун ҳам ўз қалбининг мумтоз юлдузи олдида ўзини тубан ҳисоблайди. Бир томондан, Лайли ишқида мажнун бўлган Қайснинг бундай ҳолатга кириши ажабланарлик эмасдир. Лекин Чин шаҳзодаси, ҳар томонлама баркамол йигит Фарҳоднинг Ширин кўйида адо бўлиши-ю ўзини ожиз-у нотавон билиши бошқа миллий урф-одатлар асосида тарбияланган кишига эриш туюлиши мумкин. Лекин гап шундаки, Шарқда қабул қилинган таомилга кўра, хат ёзувчи киши хат ёзилган кишига нисбатан хурматини баланд пардада ифодалаш ниятида ўзини ғоят камтарона тутади. Ошиклар эса ўзларини маъшуқа қаршисида паст тутишлари ва ишқий нолаларга мойил бўлишлари билан маъшуқани илоҳийлаштирадилар. Ишқ ва ишқ маъбудаси бўлмиш Аёл Шарқ адабиётида шундай йул билан ҳам улуғланади.

Илму хунарда тенгсиз Фарҳоднинг аслида кимлигини билган Михинбону унга беҳад меҳрибончиликлар кўрса-тиди, доимо унинг аҳволидан хабар олиб туради.

“Бу меҳрибончилик кундан-кунга ортиб бора бошлади. У - Шундай асл йигит менга фарзанд бўлса, нима килар дид?! - деб ҳавас қиласарди” (476).

Отабекнинг илму одоби, ўзини тутиши, хушмуомаласи, камтарлиги, келишган қадду бости, ярашган хатти-хара-кагинн кўрган Мирзакарим қутидор ҳам уни куёв қилишни истойдил орзу қиласи ва совчиликка келган Зиё шоҳичи-нинг сўзларига жавобан дейди: “Отабек каби бир йигитни ўгул қилиш шарафига ноил бўла олсан, ўзимни энг баҳтлик оталардан санар эдим...” (44).

Алишер Навоий достонларининг Абдулла Қодирий ро-манига таъсири қирралари факат қаҳрамонлар, уларнинг ташки ва ички кўринишлари, руҳияти, асар қурилмаси билан боғлиқ бўлиб қолмай, тил, услугуб ва бадиий тасвир воситаларидан фойдаланишда ҳам кўзга ташланади. Чу-пончи, табиат манзаралари, кушлар ва ҳайвонларнинг ҳаракатидан қаҳрамонлар ҳолат-руҳиятини кентроқ очишида, асар мазмунини чукурлаштиришда истифода этиш бу-нинг яққол мисолидир. Масалан, “Лайли ва Мажнун”даги ишқ даштининг тасвири билан “Хўжа Маъз”да Отабек ўтказган тун манзараси ўртасида муайян умумийликлар мавжуд: ҳар иккаласи ҳам қаҳрамоннинг мажхул ҳолати, мавхум истиқболидан фол очади. Ёки Лайли ишқига банд бўлган Қайснинг булбул билан мунозараси-ю, ота-она орзуси билан иккинчи марта уйланиш хабарини Марғилонга олиб бораётган Отабекнинг баҳор завқи-ю тириклик шавқидан маст қалдирғочга ҳавас қилиши ўртасида ҳам муаллифлар маҳорати билан боғлиқ ворисий бир мушта-

ракликни, бадиий тасвир анъаналари давомийлигини күрамиз:

“Қайс булбул билан жүровоз наво қилар, фифони бул-булницидан ҳам ошиб тушарди. У булбулга қараб:

– Сенинг бундай нола қилишинг ўринсиздир, чунки ёринг билан биргасан; жойинг тоза гулшан, қўнадиган еринг эса гуллар шохида. Сен гулшанда ҳарам маҳрамисан, гуллар орасидаги сұхбатнинг азизисан. Гүё сен ўз мав-қеингни писанд килмайсан ёки ёр васлидан тўйдингми? Минг тил билан сайраб, ҳар шом ва саҳар ғавғо қилиб, ово-зинг билан элга озор бериб, ўзингни ошиқи зор қилиб кўр-сатасан. Киши сен каби ишқдан сўзласа, ошиклар бунга ишонармиди?.. Сен мубталолик ноласини чекмасанг ҳам бўлади. Сенинг олдингда висол боғи бўлса, менинг ба-римда фироқ доғи бор; сенинг ёнингда баҳор гули бўлса, менинг кўнглимда фироқ тикани бор, – дерди” (275).

Ҳар гал Марғилонга қанот чиқариб учадиган Отабек бу гал оёғи тортиб-тортмай, оғир ўйлар, изтироблар юкини кўтариб, минг бир машаққат билан бормоқда. Атрофга ба-ҳор сепини ёйган. Қишу адирлар, йўллар кўклам безаги билан безанган, бутун мавжудот тирикликтининг эрка бир шодлигига чулғанган бўлсада, уйғониш фаслининг бу завқу шавқлари унга татимайди, чунки у жондан азиз севги-лисига иккинчи марта уйланиш хабари – кундошлиқ сов-ғасини олиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ихтиёrsиз равиши-да теварак-атрофга қараниб борар экан, Отабекнинг кўнг-лидан шундай ўйлар кечади:

“– Ҳов ана бир қалдирғоч тўғрига қараб ўқдек отилиб борадир, учкан йўлида вижир-вижир сайраб ҳам қўядир. Қалдирғочнинг қайғуси йўқ, суйганининг олдига тезроқ этиш учун шошадиргандир; сайроғи ҳам суйганининг кў-риш шодлиги учундир... Баҳтилик қалдирғоч: олган совғаси

ҳам қўрқунч эмасдир, ота-онасининг ҳам орзу-ҳаваслари йўқдир. Уларнинг турмуш қонунлари жуда енгил, икав-икав, суйган-суйганини оладиларда тоғларда, ерларда, кўкларда учиб юрийберадирлар. Мен ҳам шу қалдироҷдек унинг сари отилиб, вижир-вижир сайраб учар эдим...

“Ўткан кунлар”да қадимдан қолиб келаётган урф-одатлардан бири йигит-қизларнинг ўз ихтиёри билан эмас, балки ота-она хоҳишича никоҳ қилиниши ўзининг оқибатлари билан очиб берилган. Бир-бирин ўзи топиб, севишган Отабек билан Кумуш қанчалик баҳтли, саодатли эдилар-у, ота-она орзу-ҳаваси билан келин бўлган Зайнаб қанчалик баҳтсиз эди. Бугина эмас. Бу ярамас урф-одатларнинг касри бошқаларга ҳам уради: бутун бир севги қасри барбод бўлади: Кумуш фожиали ўлим топади, Отабек учун ҳаёт ўз маъносини йўқотади, Ёдгорбек етим қолади, Зайнаб жинни бўлади; Мирзакарим қутидор билан Офтоб ойим кўзларининг оқу қорасидан ажралиб, бир умрлик қайғу-alam чохига тушган бўлсалар, Юсуфбек Ҳожи билан Ўзбек ойим ҳам тирик туриб Отабекдан маҳрум бўладилар.

Бу, мазкур одатларимиз таъсир доирасининг нақадар кенглиги, улар келтирадиган қайғу ва кулфатнинг нақадар кўплигини кўрсатиб турибди.

Абдулла Кодирий ўзбек халқининг майший ҳаёти ва психологиясиға тегишли кўз илғамас майда урф-одатлар, икир-чикирларни маҳорат билан акс эттирган. Энг муҳими, бу урф-одатлардаги майда-чуйдалар, психологиядаги элементар ҳолатлардан йирик ижтимоий маъно чиқарилган ёҳуд улар йирик ижтимоий маъно уфуриб турган воқеалар билан боғлиқ, ҳолда акс эттирилган “Ўткан кунлар”даги Отабек ва Кумуш фожиалари фақат ўша давлардаги хон истибдоди, бу истибдод натижасида пайдо бўлган ўзаро қарама-қаршилик ва қирғинларгагина боғлиқ эмас,

балки ўша даврларда халқ психологиясидан мустаҳкам ўрин олган баъзи урф-одатларга, жумладан, ёшлар ҳаёти учун ҳеч қандай аҳамияти бўлмаган “ота-она орзу-хаваслари”га ҳам боғлиқ. Абдулла Қодирий қаҳрамонлар фоҳиасини ишонарли қилиш, унинг таъсирини ошириш учун ўша чиркин одатларни ниҳоятда санъаткорона тасвирланган. Шу хилдаги ҳаёт учун заарли урф-одатларнинг, психологик ҳолатларнинг тасвирини биз унинг бошқа асарларида ҳам кўрамизки, мазкур асарларнинг сюжет ривожи, конфликт зиддиятларини шусиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Даврнинг адолатсизлиги ва баъзи одатларнинг ярамаслигини кўрсатиш – “Ўткан кунлар” романининг мазмун-мундарижасини ташкил этади. Бу нарса асарда асосан Отабек ва Кумуш образларида ўз аксини топган. Зеро, улар айни шу нарсаларнинг курбонига айланадилар.

Лайли ҳам ана шундай урф-одатнинг курбони бўлди. Биргина ўзи эмас, ёш Мажнуннинг ҳам умри хазонликка юз тутди. Ота-онаси ҳам шу ғамда дунёда ўтдилар. Чунончи, Лайлининг ота-онаси сўнгсиз ғам-қайғу гирдобида қолдилар. Қариндош-уруғлар ҳам ҳасрат оловида ёндишлар.

Гарчанд Мажнун севгани билан қайта топишган бўлсада, мазкур одатларнинг омонсиз кули Навфалнинг қизига ҳам анча-мунча озор етказди...

Қодирийнинг калдирғочни – оддий бир қушни коинот гултожи бўлган инсондан баланд қўяётгани бежиз эмас. Ярамас урф-одатлар асоратида қолиб, ўз эркини бўғаётган, ҳаётинн заҳарлаётган одамлардан эркин қушлар минг марта яхши ва баҳтлидир.

Шириннинг Фарходни ва Кумушнинг Отабекни кўриб қолганидан кейин улар руҳиятида кечган ғалаёнлар, уларнинг ҳолат-кайфиятлари орасида ҳам ўхшаш жиҳат мавжуд:

“Энди Ширин ўзининг мунгли кўнгли учун чора, яъни Фарҳодни қандай қилиб кўриш иложини қидира бошлади. Бир хилват жойни топиб, унга қарамоқчи бўлди. Шундай бўлсаки, бу уни кўрсин-у, у буни кўрмасин. Мабодо кўриб колгудай бўлса, у яна хушидан кетиши, сирнинг пардаси кўпроқ очилиб қолиши мумкин, деб ўйларди у...

... Ширин айрилиқда зор, оқшомдан тонггача бедор эди. Дардини айтишга бирорта ҳамдарди йўқ, тонгда ҳам, оқшомда ҳам на уйкусида ҳаловат бор эди, на овқатида. Ҳамдам бўладиган кишиси йўқ, аҳволини айтай, деса, номуси йўл кўймас эди. Фарҳоднинг олдига борсам, у сабру қарорини йўқотади, деб унинг олдига боришдан ҳам ўзини тиярди. Бу гулюзли бормайман, деса, ҳазин кўнглиниң чидами тугаб борарди. Шўрлик Шириннинг жони айрилик ўтида ёнар, унинг дарди эса бедармон эди” (476– 477).

Ширин-ку ўз ошигининг кимлиги ва қаердалигини билади, лекин Кумушга севгилисингин жон олгучи сиймосидан бўлак ҳеч нарса маълум эмас. Шунинг учун ҳам уғам-кайғу гирдобида қолади, кўнглига ҳеч нарса сиғмай, тумтайиб олади, нуқул хаёллар суради, “намозшомгул каби ёпик” бўлади (31). Унинг тўйга қаршилиги, бутун маросимларни йиги-сиғи билан ўтказганлиги ҳам худди шу – ўз кўнглидаги йигитга узатилаётганлигини билмаганидан эди. Шунинг учун ҳам чимилдиқда бегона бир йигитни эмас, балки ўз кўнгил тилашни учратиши унинг учун чиндан-да кутилмаган баҳт эди:

“ – Сиз ўшами?

–Мен ўша, – деди бек. Иккиси ҳам бир-бирисига беихтиёр термулишиб қолдилар.

Кумушбиби оғир тин олиб:

–Кўзларимга ишонмайман, – деди.

Отабек кўзларини тўлдириб қараб:

–Мен ҳам, – деди...

Кумушбиби Отабекнинг юзига узоқ тикилиб турди-да:

–Кутилмаган бир баҳт, – деди ва ўзининг отидек бир нарсанинг товуши каби қилиб кулиб юборди. Бу кулиш ҳовлиларгача эшитилди..." (61).

"Үткан кунлар"да асарнинг бошлариданоқ кўзга ташла надиган ёзувчи услубига хос хусусиятлардан бири, айтиб ўтганимиздек, тасвирида воқеаларнинг маълум бир томонини сир сақлашдир. Чунончи, бир неча кундан бери бошқача бўлиб, "қандоқdir бир хаёл ичид" юрувчи ва "шунинг сингари хаёл ичид" барчани унутиб", "бошқа ишларга эътиборсиз ва парвосиз" бўлган Отабек каби Кумуш билан ҳам бир воқеа юз берган. Аммо ёзувчи ўша нимадир воқеа билан дарров таништира қолмайди, сир сақлайди. Аммо ҳали ўқувчига аниқ бўлмаган воқеа муносабати билан ёзувчи қаҳрамон психологиясида рўй бераётган маълум бир ўзгаришларга ишора қиласди, уларни тасвирлайди. Кумушбибининг руҳиятидаги ўзгариш кишини шубҳага солмай қўймайди.

Отабекка унаштирилган Кумушбибининг ҳолатини ёзувчи шундай тасвирлайди:

"Кумушбиби бир нечча фурсаткacha шу кўйи бурканиб ётди. Сўнгра ўрнидан туриб ташқари ҳавлиға қараб кетди. Кўб йиғлағанликдан кўзлари қизарган, қовоқлари шишкан, юзлари бўрткан эди. Аммо бу ўзгаришлар унинг хуснини, латофатини бир зарра ҳам камитмай, балки ўн қайта оширган эдилар. Ташкарига чиққандан кейин айвоннинг тумшуғига келиб улгурди ва ўнг қўлининг кафтига юзини олиб, фикрга толди. Шу холда узоқ қолди. Шундан кейин ул қўлинин юзидан бўшатдида, энтикиб дам олди ва кимнидир излагандек, кимнидир куткандек теварагига қараб қўйди..."

– Ариқ, бўйи, сирлик ариқ бўйи.

Ёшлик кўзлар ариқ бўйига тушиб, нозик оёқлар ариқ бўйи томонга ҳаракатландилар. Ул ариқ бўйига еткач, маълум ўринга сакраб ўтдида, чўнқайди. Бир ҳовуч сув олиб юзидан тўкиб туширди ва оҳистагина йўлак томонга қараб олгандан кейин сувнинг оқишига кўзини тикди. Кумушнинг дардини ҳеч ким билмас, унинг хаёлига ҳеч ким тушинмас, магар шу ариқ, бўйи тушингандек, билгандек.. ” (50–51).

Бу сир никоҳ кечаси – Отабек билан Кумуш ёлғиз қолганларида тақдир марҳамати билан ўз хушини ўғирлаган йигитга турмушга чиқкан Кумушнинг ҳайрат ва ҳаяжон билан айтган: “Сиз ўшами?” деган хитоби орқали очилади. Таҳорат олиш учун кутидорнинг ташқарисидаги ариқ бўйига тушган Отабек тасодифан нима юмуш биландир меҳмонхонадан чиқиб келгучи фариштага кўзи тушди. Кумуш ҳам ариқ ёқасига келиб тўхтаган бежирим йигитка беихтиёр қараб қолди. Ихтиёрий эмас, ғайри ихтиёрий иккиси ҳам бир-бирисидан бирмунча вақт кўз ололмадилар. Ниҳоят, Кумуш нимадандир чўчигандек бўлди, енгилгина бир ҳаракат билан ўзини ичкари йўлак томонга бурди. Бу бурилишдан унинг орқа ўнгини тутиб ётган қирқ кокили тўлқинланиб кетди. Кумуш ичкарига қараб чопар экан, йўл устидан ариқ бўйида қотиб турган йигитка яна бир қараб кўйди ва бу қараашда унга енгилгина бир табассумни ҳадя қилган эди....

“Кумушбибининг юкорида “Сиз ўшами?” деб сўраши шунга биноан бўлиб, аммо унга масаланинг онглашилмай қолиши ва чин баҳтни – билъакс кутиб олиниши қизиқ эди. Шундай қилиб, икки ёшнинг биринчи ҳам соф муҳаббатлари ковишиш билан натижаланди” (61–62).

Кумуш – соф муҳаббат ва тоза қалб эгаси. У хулқатворда, юриш-туришда, атрофдагилар билан муносабатда

оқила аёл сифатида таассурот қолдиради. У Отабекнинг ота-она орзуси билан бошқага уйланишини эшишиб, қаттиқ, изтиробга тушса-да, Отабек муҳаббатига бўлган ўғонт қаттиқ ишончига таяниб ҳамда бу иш унинг истагидан ташқари бўлаётганига чукур тушунган ҳолда, фавқулодда олижаноблик билан: “Мен рози, мен кўндим”, деб юборади (151). Кумушнинг бу сўзида ҳам рашик, ҳам кўркинч, ҳам оқкўнгиллик мужассамдир. Шунинг учун Отабек: “Кўнглиңгиз фаришталар кўнглидек” (151), деб Кумушни фариштага ўхшатади.

Алишер Навоий анъаналарини давом эттирган Абдулла Қодирий Кумуш образи орқали – ишқ-муҳаббат туйғуси нииғ бани башар ҳаётида нечоғлик мухим ўрин тутишини кўрсатади. Навоий ва Қодирийлар куйлаган муҳаббат тарихи шуниси билан эътиборлики, ҳар иккала асар қаҳрамонлари ёлғиз ўз муҳаббатлари қобиғига ўралиб колмайдилар. Уларни бирлаштирадиган нуқта теран ижтимоий мазмун билан суғорилган.

Ширин ва Кумуш муҳаббатига банди бўлган Фарҳод ва Отабек руҳий ҳолатида ҳам ўхшаш жиҳатларни кўрамиз. Иккаласи ҳам дастлаб ўз дардини пинҳон тутади. Агар Ҳасанали паришон, ўйчан бўлиб қолган Отабекнинг сирини “...қора кўзлари, камон қошлари...” (24) деган сўзлашларидан Ҳасанали билиб олган бўлса, бутун дунёдан, одамлардан қўл ювган Фарҳод “тани”нинг заифлиги тундан-тунга ортиб, кундан-кунга кўпайиб борарди.

У фиғон тортмаслик учун оғзини қанча берк тутмоқчи бўлса, шунча кўп беихтиёр нола чекиб юборар эди. Илгарилари табиати анча мустаҳкам эди. Танида ҳам кучлилиги, соғломлиги сезилиб турарди. Энди у ўзини тутишга бениҳоя уринса ҳам кўп-кўп фиғонлар тортиши аҳволини билдириб кўяр эди” (448).

Романтик достонларнинг қаҳрамонлари одатда кутилмаган сабаблар туфайли муқаррар баҳтсизликдан сақланиб коладилар. Чунончи, никоҳ кечаси хурсандчилигидан кўп ичиб қўйган Ибн Салом хафақон касали тутиб, ҳушидан кетиб йиқилади ҳамда Лайли ундан халос бўлади. Ширинни қўлга киритиши аён бўлиб қолган Хисравни кутилмаганда ўзининг ишкдаги рақибига айланган ўғли Шеруя ўлдириб қўяди. Азизи Миср бир неча йил Зулайҳо билан бирга яшаган бўлса ҳам унга сира яқинлашолмаган эди. Зулайҳонинг икки елкасида кўринган икки аждар унга монеълик қиласарди<sup>1</sup>.

Қодирий эса реалистик “йул”дан боради: никоҳ кечаси Комилбек Кумушга етиш йўлида ўлиб-тирилаётган Ҳомид томонидан ўлдирилади. Бу ҳаёт ҳақиқатига яқин. Чунки агар Кумуш Комилбекка тегса, ҳар қандай ҳолатда ҳам унинг Отабекдан ажралиши аниқ эди. Бинобарин, ўз душманларини ер билан яксон қилган Отабекнинг Кумушни кўрмай Тошкентга қайтиб кетишининг сабабларидан бири ҳам Комилбек номининг севишганлар орасига тушиб қолиши эди: Отабек Кумуш мени унутиб, Комилбек ёди билан яшай бошлаган, деган шубҳага борган ва бу табиий эди.

От миниб, Фарҳод ҳузурига йўл олган Ширин билан ҳаммомдан чикиб, қизлар мажлисига келган Кумуш тасвири ўртасида ҳам муштаракликлар кўрамиз. Бу, муаллифларнинг ўз қаҳрамонларини тўғридан-тўғри таърифламай, балки муайян вазият билан узвий боғлиқ ҳолда тасвирлашларида ҳам намоён бўлади.

Чунончи, “Ўткан кунлар”да ўқиймиз:

Шу чокда бизга Отабек керак эди! Нега десангиз, ул келсин эдида, суйганини бир курсин эди: ҳаммом билан ул... фақат жонгина сўрайдир, мажруҳ кўксларга у ўқина

<sup>1</sup> Қаранг: Юсуф алайхиссалом қиссаси // Шарқ, юлдузи. 1994. – № 1–2. –Б.68.

отадир... Бошдағи оқ шохи рўймол, ичдаги оқ шохи қўйнак, устдаги оқ кумуш заррин сирилган пустин, бағбақаларни ўраб ўпид турган ёқа қундузларининг келишкани, солиниб тушкан қора жинггила соchlарнинг бўйин теварагига чирмашкани, хом нуқра юзларнинг бўғриққани..."(53-54).

Навоий Шириннинг қизил рангли отга минганини шафаққа ой минди, деган ташбех орқали ифодалаган:

"Пари юзли Ширин девзод отини шундай чоптирадики, натижада юзи терлаб, гул япрогига шабнам тўкилгандай бўлди... Жинггалак, қора мушқдай хушбўй соchlарнинг устидан юзига парда тортилган бўлиб, гўё қора шомни ой чекилтириб келаётгандек эди.

Юзининг атрофига тақкан дур ва марваридлари қуёш атрофидаги юлдузларни эслатарди...

Кулоқларига осган қимматбахо дурру гавҳари гўё ой атрофидаги Зухра ва Муштарий юлдузларига ўхшайди. Қадди-қомати гул рангли шамшод, шамшод ҳам эмас, гул ҳам эмас, гул танли сарв дарахти сингари эди...

У отда кетиб бораркан, оти тоғнинг белини букар, от устида ўзи эса хуснининг жомидан маст эди. У гўё осмон отида борар, от ҳам, қуёш ҳам эмас, балки дев устида бир pari борар эди. У отини қайси томонга бурса, замон аҳли уни узокдан кўриши билан "Алҳазар!" дерди" (469-471).

Абдулла Қодирийнинг адабий муваффақияти ва ёзувчилик маҳорати шундаки, у Фарҳод ва Ширинга ўхшаш халқ орзу-умидларининг тажассуми бўлган қаҳрамонларни яратишни ҳавас қилибгина колмай, улар муқобилига қўядиган даражада юксак истеъдод билан ишланган Отабек ва Кумуш образларини ҳам яратса олди. Халқ орасида машҳур бўлиб кетганилиги, шоирлар қаламига, хонандалар қўшиғига тушганлиги адебнинг Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун, Баҳром ва Гуландом, Вомиқ ва Узро,

Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам, Алпомиш ва Барчин каби суюкли ва ўлмас қаҳрамонлар силсиласини Отабек ва Кумуш образлари билан бойитди.

Ўзбек оғзаки ва ёзма адабиётида ўз анъанасига эга бўлган бу хил хусусиятлар, нарсага хос эпикликни ташкил этувчи усул ва воситалар Абдулла Қодирий томонидан реализм “декча”сида қайта ишланди. Ёзувчи, ўзи айтмоқчи, асарни ёзишда доимо ўқувчи оммани кўз ўнгидатутган; бу асар билан халқимиз рағбатини мумкин қадар янгиликка тортишга интилган, айни пайтда шу қунгача ўрта аср дostonчилиги ва ҳикоянавислиги билан озикланиб келган халқнинг завқини, савиясини назарда тутиб, мумтоз адабиёт усулларидан ҳам онгли равишда фойдаланган. Қисқаси, бу роман тил, ифода тарзи жиҳатидан эски наср билан янги, реалистик наср, қолаверса, бутун бошли мумтоз адабиётимиз билан янги ўзбек адабиёти орасидаги олтин кўприк вазифасини ўтади.

Хулоса қилиб айтганда, Абдулла Қодирий буюк Алишер Навоий анъаналарини насрга шунчаки кўчирмади, балки уларга ижодий ёндошган ҳолда, эпик тасвирга асосланган реалистик роман жанрининг янги ва юксак қамунасини яратди.

## ҚОДИРИЙ ИЖОДИГА ВОРИСЛИК

Абдулла Қодирий асос солган “янги романчилик мактаби”ни давом эттирган адиларнинг Қодирий ижодидан қай йўсинда таъсирлангани, илҳомланганини тадқиқ этиш ҳозирги адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари сира-сига киради.

Шу уринда алоҳида эътироф этиш керакки, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор ва Шуҳрат ижоди, бадий маҳорати ҳақида адабиётшунос – танқидчилар томонидан жуда кўп ибратли фикр ва мулоҳазалар билдирилган ва ҳанузгача уларнинг янги қирралари эътироф этилмоқда. Биз эса бу уч адебнинг романлари хусусида фикр юритамиз.

Ўзбек халқини янги “замоннинг “Тоҳир ва Зуҳро”лари “Чор дарвеш”лари, “Фарҳод ва Ширин”лари, “Баҳромғўр”-лари билан танишириш”ни мақсад қилган Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи Отабек ва Кумуш муҳаббати асосига қурилиб, уларнинг баҳтига кўз тиккан худбин Ҳомид ва кундошлиқ балоси натижасида хазонга айланган муҳаббат тарихини ёритишга бағишланган бўлса, Абдулла Қаҳҳорнинг “Сароб” романи буржуа миллатчилиги ғоясини фош қилиш, уларнинг разил башараларини очиш баробарида романнинг асосини ташкил қилувчи ғоявий ният худбинликни ёхуд индивидуализм иллатини бадий талқин қиласи. Шуҳратнинг “Олтин зангламас” романи эса ўзбек адабиётида қатағон йиллари ҳақидаги биринчи асар бўлиб, у кескин тўқнашувлар, ўткир конфликтлар асосига қурилгандир.

Хўш, бу учала романдаги образларнинг характеристидаги умумийлик ва ўзига хослик нималарда кўринади? “Ўткан кунлар”, “Сароб” ва “Олтин зангламас” романларини қиёсий ўрганиш асносида адиларнинг характер яратиш маҳорати,

ўзига хос услубини кўрсатиш, асар поэтикаси, композицияси ва сюжети, тили ва бадиий тасвир воситаларини, шунингдек, романлар орасидаги муштарак, вобаста жиҳатларини тадқиқ килишга ҳаракат қиласиз.

Шу ўринда “Ўткан кунлар” романидаги салбий қаҳрамонлардан бири Ҳомид, “Сароб” романидаги бош қаҳрамон Раҳимжон Сайдий ва “Олтин зангламас” романидаги Мирсалим образлари хусусида тўхталишни лозим кўрдик. Чунки, Ҳомид, Сайдий ва Мирсалим образларида ўзаро ўхшаш, муштарак жиҳатлар кўп.

Маълумки, худбинлик инсоният тарихидаги энг қади́мий ва энг хавфли иллатdir. Шу сабабдан адилар бу шахслар тимсолида риёкорликнинг турли товланишларидағи кўринишларини тасвирлайди. Халқда “Одобни одобсиздан ўрган” деган мақол бор. Назаримизда, адилар ҳам шу мақолга амал қилиб, инсоният маънавиятигининг ана шу азалий душманига қарши қалам яланғочлаб жангга киришган. Демак, романларнинг асосий гояси шундаки, улар бу образлар орқали худбинлик, сотқинликнинг ҳалокати муқаррар эканлигини кўрсатиш баробарида инсонларни ҳушёрликка ва эзгуликка чақиради.

Шу ўринда романдаги салбий қаҳрамонларни қиёслаш тўғрими, деган ўринли савол туғилиши табиий. Фикримизча, реалистик адабиётда қаҳрамон ижобий бўладими, салбийми, барibir, биринчи навбатда тўлақонли инсон бўлиши керак, унинг ҳар бир ҳаракати, қилиғи, сўзлари ҳам бақувват ички мантиққа эга бўлмоғи, китобхонни ҳеч қандай гап – сўзсиз ишонтирмоғи лозим. Бу тўғрида атоқли адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов шундай дейди: “Агар ёзувчи ижобий образ яратаяпман деб, уни мактаб кўкларга кўтарса, фақат ажойиб фазилатлар – у, нодир сифатларининг эгаси қилиб тасвирласа, образ эмас, чучмал

сиропдай меъдага тегадиган фаришта мижоз схема туғи лади, холос. Ижобий қаҳрамон ҳам салбий қаҳрамон ҳим муштарак бадиият қонунлари асосида яратилмоғи керак<sup>1</sup>. Чунки, асар ўқувчини ҳаяжонга сола олмаса, унинг эстетик дунёсини бойита олмаса, унинг яхшиликка ва ёмонлигги муносабатини ўткирлаштира олмаса, унда нималар айтил масин, қандай мавзу ва муаммолар қўйилмасин, у ҳақиқий санъат намунаси бўла олмайди. Шу сабабдан ҳам бу уч романдаги салбий характердаги қаҳрамонларни танқидий кўз билан ўрганиб, улардаги нуқсонли хислатларни кўрсашиб беришни мақсадга мувофиқ кўрдик. Романлардаги салбий персонажларининг мудхиш башараси уларнинг хатти ҳаракати, психологик тасвири билан тўлдириб мукаммалаштириб берилган.

Абдулла Қодирий Ҳомид образини яратар экан, роман бошидаёқ уни шундай тасвирлайди: "...узун бўйли, қора чўтири юзли, чағир кўзли, чувоқ соқол, ўттуз беш ёшларда бўлған кўримсиз бир киши эди. Бу йигит яхшигина давлатманд бўлса ҳам, лекин шухрати нима учундир бойлиги билан бўлмай, "Ҳомид хотинбоз" деб шухратланган, кишилар Ҳомид орқасидан сўзлашканда унинг отига тақилған лақабни қўшиб айтмасалар, ёлғиз "Ҳомидбой" дейиш ила уни танита олмайдилар"<sup>2</sup>. Ёзувчининг шу сўзларини ўзиёқ, кўз ўнгимиизда унинг қандай одам эканлигини кўрсатади. Романда Ҳомид икки уйланган бўлишига қарамай, яна ўз шаҳвоний ҳирси йўлида яна уйланишни мақсад қилиб, бу йўлда ҳар қандай ножӯя йўлдан тоймайдиган кимса сифатида кўз ўнгимиизда намоён бўлади. Отабекнинг Марғилонга келиши муносабати билан уни кўргани келган

<sup>1</sup> Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳдор. Эссе. – Т.: Ёш гвардия, 1998. –Б.63.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўткан кунлар. Танланган асарлар. –Т.: Шарқ, 2014. –Б.7 {Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан олинади бети қавс ичидаги кўрсатилади}.

Раҳмат, Ҳомиднинг ўзаро сұхбатида Ҳомиднинг қиёфаси әзувчи томонидан тұлалигича очиб ташланади: “–Хотинга мувофиқ бўлиш ва бўлмасликнинг унча кераги йўқ, – деди Ҳомид эътиrozланиб, – хотинларга “эр” деган исмнинг ўзи кифоя... мувофиқ келмас экан, мувофиқини олиб, хотинни икки қил! Буниси ҳам келишмаса, учинчисини ол.. Қамчингдан қон томса, юзта хотин орасида ҳам роҳатланиб, тириклик қилоласан! Мен бу кунгача икки хотин ўртасида туриб жанжалға тўйгунимча йўқ, аммо хотинни учта килишға ҳам ўйим йўқ эмас!” (10-11-бетлар).

Абдулла Қаҳҳор яратган образ эса буржуа худбинлигини ўзида мужассамлаштирган мукаммал образ бўлди. Асарнинг бошларидаёқ ёзувчи Саидий шахсида худбинлик ниш уриб турганлигини таъкидлайди. Саидий Мунисхонни биринчи бор учратганидаёқ яхши кўриб қолади. Унинг кўнглидан ўтказган биринчи нияти куйидагича эди. “Шу қизнинг бошига бир фалокат тушса-да, кутқарадиган киши ягона мен бўлсан<sup>1</sup>”. Бу сўзлар Саидий шахсининг асосий мақсад йўналишини, яъни унинг худбинлигини белгилайди.

“Олтин зангламас”даги Мирсалим-чи? Романнинг бош қаҳрамони Содик шаҳарга келиб илк бор “сурма ранг дўппили сертакаллуф”<sup>2</sup> киши Мирсалимга дуч келади. Мирсалимнинг ҳимматига сазовор бўлади. Шундан кейин ёзувчи келгусида юз берадиган тўқнашувлар учун замин ҳозирлашга, аввало Мирсалим шахсиятини таърифлашга киришади. Мирсалим Содикка ўзини яқин олиб, илтифот кўрсатар экан, бу тасодифий эмас, кўнглига туғилган ўй – режалар уни шунга даъват этади. Мирсалим “илоннинг оёгини санаган одам”, Содик шунчаки одамлардан эмас,

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Сароб. Асарлар. 5 жилдлик, 1 жилд. -Т.: Адабиёт ва санъат, 1987. -Б. 35. (Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан олинади, бети қавс ичидан кўрсатилади).

<sup>2</sup> Шуҳрат. Олтин зангламас. -Т.: Шарқ, 1995. -Б. 18. (Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан олинади, бети қавс ичидан кўрсатилади).

"ахир қўлидан бир иш келмас, шундай шахри азимги келармиди..., бунда албатта бир ҳикмат бор, кўтарилиши мумкин. Бугун ўқитувчи, эртага директор бўлмайди деб ким айтди! Ҳозир унинг ҳеч кими йўқ, айни пайт" (22-бет). Мана Мирсалимнинг ўй – ҳаёли, худбин қиёфаси.

"Ўткан кунлар" романида Отабекнинг кўз остига олиб қўйган Кумушга уйланганидан ғазабланган "тусидан йирт-қичлик, бир гуноҳсизнинг устига хужумга ҳозирланган ваҳшийлик белгилари" кўринган Ҳомид ўзининг разил режасини амалга ошириш учун қўрбошиникига боради ва Отабек, Мирзакарим қутидорга тухмат қиласи. Бу ҳам иш бермагач, у яна қулай фурсат кутади, шунда Отабекнинг Тошкентдан қайта уйланиши у учун айни муддао бўлади. Ўзига ўхшаган шериклар топиб, улар ёрдамида ўзининг разил режасини амалга оширади. Отабек томонидан Кумушга сохта талоқ хати киргизиб, натижада қайнотаси томонидан Отабекни қувиб чиқарилишига сабабчи бўлади. Бу ҳам етмагандай Отабекнинг Содиқ ва Мутал ёрдами билан ўлдириш режасини тузади.

"Сароб" романида Саидий университетда ўқий бошлигандан кейин курсдошларини назар-писанд қилмайди, гурӯҳдаги студентлар ўртасида "...қўпол, минг йил ўқиганда ҳам "нам" ўтмайдиган кўринган, аслида жисмоний меҳнат учун яратилганлари ҳам бор. Буларни кўрганда Саидий афсусланар эди: "Шулар ҳам студент!... Саидий кўпдан бери айтмоқчи бўлиб, айтишдан ҳайиқиб юрган бир гапни бир куни дарсда кекса, ранги заҳил, лунжлари осилган бир профессор айтади:

– Сиз университетга муносиб эмассиз, – деди у, Саидий "тўнгак" деб ном қўйган йигитга, – бориб кетмонингизни чопинг! (42-43-бетлар). Шунда Саидий тор оёқ кийимини ечиб ташлагандек яйради ва шу профессорни яхши кўрди.

Саидийнинг яхшигина таниш – билишлари бор эди. Эҳсон, Шариф, Шафрин. Лекин Саидий улар билан күшилишни истамайди. Шариф билан Шафринни эса мутлоқ ёқтирмас эди. Улар мабодо Эҳсонни йўқлаб (Саидий Эҳсон билан бир хонада тураг эди) келиб қолсалар ўзини ухлаганга солиб ётиб оларди, ўқиш ҳақида гапиришса, унга кўп ёқавермас ҳам эди. Улардан биронтасига маслаҳат ҳам қилмас, маслаҳат ҳам олмас, ўз дардини очиб ҳам гапирмасди. Саидийдаги бу кайфият, хусусан, Эҳсонни Москавага жўнатиш пайтида яққол кўринади “Эҳсонни қузатгани вокзалга кўп одам чиқади. Поезд жўнаб кетгунча Саидий ўлиб бўлди... Платформадан чиққандан сўнг Саидий булардан ажралиб кошиш йўлини излади ва эвини қилиб қочди” (62-бет). Мана, Саидийнинг асл қиёфаси.

Ҳаётда, шундай кишилар бўладики, улар ўзларининг худбин ниятларини яшира биладилар, маълум бир мақсадни кўзлаган ҳолда парда орқасидан туриб, асдойдил ҳаракат қиласидилар ва шу саъии ҳаракатлари ўлароқ кўпгина мувафаққиятларга эришадилар. Ҳомид ва Саидий ундалардан эмас, лекин “Олтин зангламас” даги Мирсалимга бу хислат жуда мос.

Ҳа, Мирсалим ҳамиша ўз фойдасига иш кўради, бу гал ҳам шундай қиласиди, айни пайтда Содикни тушовлаб олади, ёнгинасидан ховли-жой топиб беради, уйига чақириб, меҳмон қиласиди. Содик тёз орада мактабда обрў-эътибор қозонади, каттага ука, кичикка ака бўлиб олади, буни кўрган Мирсалим бир жихатдан ҳасад қиласиди, иккинчи жихатдан унга ўзини яна ҳам яқин олади.

“Ўткан кунлар” романида ҳам худди шундай ҳолатга дуч келамиз. Салим шарбатдорнинг ўғли Комилбек Кумуш билан никоҳи бўладиган кун Ҳомид томонидан ўлдирганинги гумон қилган уста Фарфи ҳамкасби Умарбекдан

эшитган сири ҳақида Олим ва Отабекка гапириб беради. Ўзининг айбизиз дор остига келтирганлиги ва қайнотаси томонидан бесабаб қувилгани сабабини тушунган Отабек, шундан сўнг, Ҳомид кирдикорларини очишга жазм қиласди. Кумушга бир неча марта совчи қўйиб унга етиша олмаган Ҳомид энди яна бир кабих режа тузиб, уни ўғирлаш на кечаси шаҳардан чиқариб юбориш маслаҳатини Содик ва Мутал билан тузади. Ўз шахсий манфаати йўлида ҳар қандай пасткаш йўлдан тоймайдиган, яъни тухмат қилиш, хий лаларигачув тушириш, ҳаттоқи одам ўлдиришга бориб етган Ҳомид охир оқибатда Отабек томонидан фош этилади.

“Сароб” романида эса Саидий шахсиятида худбинник нинг туғилиши, унинг характеридаги иккиланишлар ва ниҳоят миллатчилар томонига ўтиб олиши ажойиб далиллар билан кўрсатилган. Ёзувчи ўз маҳоратини, бутун куч-куватини Саидий характеридаги мана шу этапларни кўрсатишга сарф қилган. Худбинлик, ўзининг алоҳидалигига, фавқулоддалигига ишониш, ўзининг доҳий, бошқаларни оми хисоблаш, ўз шахсига маҳлиё бўлиб, бутун оламни шунга мослаштиришга интилиш Саидийда яна бир хавфли касаллик – шуҳратпарамастликни авж олдиради. Абдулла Қахҳор Саидийдаги бу иллат қандай куртак ёза бошлаганини ҳаётий деталларда, психологик жиҳатдан асосли лавҳаларда тасвирлайди. Худбинлик Саидийга ўкишда ҳам, дўстларига ҳам, атрофидаги ҳаётга ҳам лоқайдлик билан қараш хиссини туғдиради ва уни ҳаётда катта максади, олийжаноб эзгу ниятдан маҳрум қилиб қўяди. Ёзувчи роман охирида Саидийнинг ўз-ўзини ўлдиришни, яъни жисмоний ҳалокатини кўрсатади, бироқ ундан аввал роман воқеаларининг ривожи давомида унинг аллакачонлар маънавий ҳалок бўлганини чиройли тасвирлаб беради.

“Олтин зангламас” романидаги Мирсалимда ҳам Ҳомид ва Саидий каби худбинлик, қўролмаслик кучли бўлиб, у бутун хийла-макрини ишга солиб соддадил Содикни лақиллатади. Жаннатнинг туғмаслиги унга қўл келади, қисқаси уни Жаннатдан совутиб, Мушарраф исмли бошқа аёлга рўпара қиласди. Эгри йўллар орқали кун кўришга одатланган Мирсалим Содик таъқибига учрагандан кейин ҳам ана шунака йўл ахтаради ва ниҳоятда қабих ишга қўл уради. Содикдан дакки еган ғаламисларни атрофига тўплаб, унинг устидан иғво тарқатади, ўша йиллардаги мураккаб вазиятдан фойдаланиб қолади. Содикка “халқ душмани” ёрлигини ёпиштиришга, уни асоссиз қамашга мувоффак бўлади. Содикни қаматиб, ўрнига мактаб директори бўлиб олгач, мактабда ўз режимини ўрнатади. Шуҳрат бош қахрамон Содик тақдирига алоқадор янги конфликтлар тасвири билан бирга параллел равишда Мирсалим тақдирини ҳам ҳикоя қилиб боради. Мирсалим учун ҳам янги зиддият майдонларини белгилаб олади. Содикнинг укаси Қодир ва унинг севиклиси, ўз қизи Азизани айириш учун, бир-биридан жудо этишга, Қодирни орадан йўқ қилишга кўп уринади, иғво, фиску фасодлар тарқатиб, Қодир бошига оғир савдолар солади, лекин у барибир ожиз қолади, муҳаббат қабиҳлик устидан голиб келади. Мирсалим эса ўз қилган хато гуноҳларининг қурбони бўлади.

Бу уч романдаги Ҳомид, Саидий, Мирсалим образларининг характеридаги умумийлик – худбинлик иллати уларнинг барчаси учун хос бўлса, ҳар бир образнинг ўзига хос индивидуал нуқсонли хислатлари ҳам мужассамлашган-ки, адиблар буни шахслар тимсолида жонлантирган. Ҳомид нафақат хотинбоз, яъни аёлларга суюги йўқ кимса, балки унинг “Қамчингдан қон томса” дейишини ўзиёқ, унинг ўзига хос бағритошлиқ иллати ҳамучун бегона эмас эканли-

гини намоён қилса, Сайдий шахсида эса ичиқоралик ва таң-  
магирлик иллати шу даражада барқ урганки, бир күриш-  
даёқ ёқтириб қолган қизнинг бошига фалокат тушишини  
тилаши унинг кўнглиниң кирлигидан, кутқарадиган киши  
ягона у бўлишини исташи эса таъмагирликдан далолат.  
Мирсалимда эса Содикнинг ютуқларидан ҳасади келса ҳам,  
уни ўзини дўсти қилиб кўрсатиши – иккюзламачилик ҳам-  
да ўрнига эга чиқиш учун, Содикни асоссиз қамалишига  
эришиши, унда сотқинлик каби иллат ҳам борлигини яққол  
ифодалаб беради.

Демак, юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, ёзув-  
чиларимиз ўз романларидағи қаҳрамонларнинг худбин  
қиёфаларини бир неча кўринишида: кўролмаслик, ҳасад қи-  
лиш оқибатида, тухмат қилиш, сохта хатлар уюштириб, дор  
тагига келтириш ёки қаматиш тарзда намоён этишган. Шу  
билан бирга бу худбин кимсаларнинг ўзлари қазиган гўрга  
ўзлари йиқилганларини адилар романда ишонарли ба-  
дий тасвиirlаб беришга эришишган. Натижада, романлар-  
да қаҳрамонларнинг ўша дамдаги драматик ҳолати, руҳий  
кечинмалари ҳаққоний ва таъсирчан қилиб кўрсатилган ва  
адибларимиз бунда уларнинг бадий ифодасига, қалб  
драмаси тасвирига, психологик таҳлилига ҳам алоҳида  
эътибор беришган, бу эса ёзувчиларимизнинг юксак ба-  
дий маҳорати эгаси бўлганликларини кўрсатади.

## ХУЛОСА

Беш асрдан буён назмда ҳеч ким Алишер Навоийнинг олдига тушолмагани сингари чорак кам юз йилдан бери насрда ҳам ҳеч ким Абдулла Қодирий кўтарилиган юксакликка эришган эмас. Ўзбек адабиётида Қодирий мактабидан сабоқ олмаган, унинг бадиий баркамол асарларидан таъсиранмаган шоиру адаб йўқ ҳисоби. Бугина эмас, қардош халқларнинг кўпгина ёзувчилари ҳам бу улуғ сўз санъаткорининг улкан истеъоди ва юксак маҳоратидан баҳраманд бўлганлар.

Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” асари билан ўзбек романчилигига асос солибгина колмай, мумтоз сўз санъатимиз намуналари қаторида тура оладиган гўзал умрбоқий асарни яратишга ҳам муваффақ бўлди. Абдулла Қодирий ўз романини яратишга катта тайёргарлик билан келди.

Маълумки, “Ўткан кунлар” майдонга келгунга кадар нафақат Европа, балки қатор Шарқ халқлари адабиётида ҳам роман жанри мавжуд эди. Хусусан, Жўржи Зайдон романларининг араб тилидан туркий халқлар тилларига таржима этилиб, чоп килиниши турк, татар, озарбайжон романларининг ҳам яратилишига жиддий туртки берди. Шубҳасиз, Абдулла Қодирий Жўржи Зайдон романларидан мутаассир бўлган. Адаб Сотти Ҳусайннинг “Шарқ ҳақиқати” газетасида эълон қилган “Ўтган кунлар ҳам “Ўтган кунлар” деб номланган мақоласига жавобан мақола билан чиқиб, унда ўзини роман ёзишга ҳаваслантирган Миср фузалосидан устоз Жўржи Зайдон” номини ҳурмат билан тилга олгани бежиз эмас<sup>1</sup>.

Шубҳасиз, Абдулла Қодирий ўзбек адабиётидаги биринчи романни ёзишга киришишдан аввал қардош халқлар

<sup>1</sup> Қаранг: Қодирий Абдулла. Кичик асарлар. – Т., 1969. –Б.193.

адабиётидаги роман жанри намуналарини ўрганибгиниң қолмай, унинг миллий адабиётимизда мавжуд бўлган илдизларини ҳам синчков назар билан кузатди. У ана шундай ҳаётбахш илдизларни ўзбек халқ оғзаки ижодининг “Тоҳиру Зухра” сингари намуналари ҳамда Алишер Навоий нинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” каби эпик достонларидан топди.

Табиийки, бирор-бир асар йўқ ердан пайдо бўлмайди ёки бутунича оригинал ҳолатда дунёга келмайди: у ўзигача яратилган асарларнинг акс – садоси сифатида туғилади, улар замиридаги ҳамиртуришдан униб-ўсиб чиқади. Ҳар бир чинакам ёзувчи ўз салафлари ва халафлари ўртасида ўзига хос боғловчи – халқа бўлади – аждодларидан олганини тўлдириб, ривожлантириб, авлодларига етказади. Бундай ворисийлик бўлмагандан нафақат адабиёт, балки санъат ва илм-фанинг бошқа турлари ҳам тараққий этмаган бўлар эди. Бу маданий дунё айнан шундай ворисийлик туфайли барқарорки, бизнинг вазифамиз унинг адабиётидаги аҳамиятини текширишдан иборат.

Айтиш мумкинки, нафақат Шарқ ва Фарб романчилиги тажрибаси, балки кўп асрлик ўзбек халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётининг барҳаёт анъаналари бўлмагандан, Қодирий ҳам, унинг “Ўткан кунлар” сингари буюк асарлари ҳам майдонга келиши маҳол эди.

“Алномиш” эпоси, “Гурӯғли” туркуми достонлари, “Ойсулув”, “Кунтуғмиш”, “Тоҳир ва Зухра”, “Лайли ва Мажнун”, “Фарҳод ва Ширин”, “Баҳром ва Гуландом”, “Вомиқ ва Узро”, “Тўмарис”, “Широқ”, “Сиёвуш қиссаси”, “Юсуф алайҳиссалом қиссаси”, “Ҳазрат Али қиссаси”, “Абомуслим жангномаси” каби кўпдан-кўп халқ китоблари, ўзбек халқ эртаклари, “Самак айёр” номли халқ романлари туркуми, “Қисаси Рабғузий” каби асарлар, Навоий ва

Фузулийнинг эпик достонлари, "Бобурнома" ва бошқаларни замонавий романларга менгзаш ўринсиз бўлсада, уларда нафакат романбоп воқеа ва қаҳрамонлар, балки эпик тасвир унсурлари ҳам борки, Қодирийнинг улардан бевосита ва билвосита таъсиранмаслиги, ўз романи шакли ва мазмунини кўришда мазкур дурдоналардан фойдаланмаслиги мумкин эмас эди. Бу таъсиринг у ёки бу даражадаги акс-садосини биз адебнинг роман сюжетини қуриши, конфликтларини шакллантириши, характерларини яратиши, қаҳрамонларнинг ташки портрети ва руҳий оламики чизиши, ички коллизияларни акс эттириши, шунингдек, асарнинг тили ва услуби, бадиий тасвир воситалари ва бошқаларида кўрамиз.

Гарчанд катта ижтимоий юкни ўз устига олмасин, асарнинг Отабек ва Кумуш муҳаббати асосига қурилиши, романнинг асосий ҳаракатлантарувчи кучи сифатида икки ошиқ-маъшуқ севгисининг олинини муайян даражадаги саргузашт мотивига эга эканлиги, халқ қаҳрамонларига хос кўпгина хусусиятларнинг Отабек образида мужассамлаштирилиши, қолиплаш усулидан фойдаланилиши – роман ичида уста Алим қиссаннинг келиши, гарчи Марғилонга ёр излаб келмаган бўлса-да, бегона юртдаги бир гўзалнинг муҳаббати савдосига йўликиши, бу муҳаббат йўлидаги ғов ва тўсиқлар, ранжу машаққатлар, уста Алим ва Отабекнинг бир-бирига ўз саргузаштини ҳикоя қилиши, қаҳрамоннинг ўз муҳаббати йўлида минг бир имтиҳондан ўтиши, ҳатто ўлимларга дуч келиб, сўнгги лаҳзаларда ажал бандидан кутулиб чиқиши ва бошқалар Қодирийнинг халқ оғзаки ижоди намуналаридан "куб ва хўб" (Бобур) таъсиранганини ҳакида гувоҳлик беради.

Қаҳрамонларнинг муайян даражада идеаллаштирилиши, улар сиймосида адеб орзу-аъмолининг тажассум топи-

ши, севишганларнинг бир-бирига мактублар йўллаши, маъшуқани бир кўриб ёки унинг таърифини эшишиб ошиқ бўлиш, аҳдга вафо, ишқда қатъият кўрсатиш, муҳаббат йулида минг бир машакқатларни бошдан кечириш ва бошқалар маълум маънода ёзма адабиётдаги романтик – қаҳрамонлик достонлари, биринчи навбатда, Навоий “Хамса”-сига кирган эпик достонлардаги бадиий силсилаш таъсири бўлиб, Қодирий улардан ижодий фойдаланган ҳамда янги шароит ва янги талабларга мувофиқ равища уларни ижодий ривожлантирган.

“Ўткан кунлар” романининг бадиий қурилмасидан ўрин олган аксар воқеалар Отабекнинг бир неча душманларга қарши ёлғиз курашга чиқиши, мозорда тунаши ёхуд қамоққа тушиши (Тоҳирнинг сандиққа солиниб, (оқизилишини эсланг!) ва бошқалар халқ оғзаки ижоди ва мумтоз асарлар таъсири сифатида майдонга келган эпик тасвир кўринишларидир. Адид ўз асарининг мазкур адабий манбаларидан фақат шундай “тайёр” ёхуд ўхшаш воқеаларни “олиб”гина колмай, улардаги “сир сақлаш” каби бадиий усууллардан, ҳийлакор кампир каби анъанавий образлардан ҳам фойдаланган. Агар Фарҳод ёхуд Мажнун билан Отабекни, Ширин ё Лайли билан Кумушни ўзаро қиёслайдиган бўлсак, улар ўртасидаги қатор муштарак жиҳатлар Абдулла Қодирийнинг Навоий асарларидағи бадиий тажрибадан анъана сифатида фойдалангани, айниқса, ёрқин кўзга ташланади.

Албатта, Абдулла Қодирий халқ китобларидан таъсирланиш, улардан шунчаки ўрганиш билангина кифояланмаган, балки уларни ижодий равища ривожлантирган, реализм талаблари билан уйғунлаштирган. Биргина мисол: агар адид фольклор таъсиридан чикиб кетолмаганида Отабекнинг ўз душманларини ер билан яксон қилганидан сўнг ошиқ-маъшуқларни ўзаро топиштириб, шу ерда ўз

асарига нүкта қўйган бўлар эди. Шундай қилганида асар халқ йўлида ёзилган бир қисса кўринишини олиб, новаторона романга айланмас эди. Лекин Қодирий бу нүктада тўхтаб қолмади ва илгарилаб кетди. Буёги – новаторлик, Шарқ ва Farb романчилигининг таъсири ва талаби. Халқимиз тарихининг “кирли” даврларидан қолиб келаётган баъзи бир урф-одатлар, уларнинг энг хунук кўринишларидан бири бўлмиш кундошлиқ можароларини барча оқибатлари билан реализм шартлари асосида ёритиб берди. Кўп хотинлилик, балоғатга етиб, ҳақ-хуқуқини таниган йигит-қизларнингда эрки ўз қўлида бўлмай, ҳамма нарсани отана раъий ва истаги ҳал қилиши, бўлмагур расму русумларга бандилик, ҳою-ҳавастга қуллик ва бошқалар миллатни қолоқлик ботқогида ушлаб турган омиллар бўлиб, адаб кенг китобхонлар оммасининг эътиборини шу каби миллатнинг равнақ топишига халақит бераётган, инсон эркини бўғиб, унинг парвозга шайланган қанотларини қайираётган иллатларга қаратди ва уларни бартараф этмай туриб, олға қараб юриш мумкин эмаслиги ҳақида бонг урди.

“Ўткан қунлар” романидаги Абдулла Қодирий яратган характерлар мураккаб табиатга, зиддиятли тақдирга, ҳам салбий, ҳам ижобий хусусиятларга эга кишиларнинг табиий, жонли образлари бўлиши билан бирга, давр иллатларини, жамият қўсурларини фош қилишда ҳам муҳим ўрин тутади.

Халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт анъаналаридан озиқланган, уларни ижодий ривожлантирган Абдулла Қодирий халқ китoblари ва мумтоз сўз санъати дурданлари билан рақобатлашиши мумкин бўлган бадиий баркамол асарлар яратди. Айниқса, адабнинг “Ўткан қунлар” ва “Мехробдан чаён” романлари халқ томонидан ҳамиша севилиб ўқиладиган “Алпомиш” эпоси, “Гўрўғли” достон-

лари туркуми ва, эҳтимол, ўзбек адабиётининг ўлмас ёдгорликлари бўлмиш Алишер Навоийнинг “Хамса”, Захиридин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” сингари асарлари билан бирга ўзбек бадиий маданиятининг олтии фондини ташкил этади.

Абдулла Қодирийнинг катта истеъоди ва юксак маҳорат билан яратилган Отабек, Кумушбиби, Анвар, Раъно, Юсуфбек Ҳожи, Солиҳ маҳдум, Ўзбек ойим, Офтоб ойим, Нигорхоним ва бошқа образлар эса, асрлар оша ҳалқ қалбида яшаб келаётган Тўмарис, Ойсулов, Рустам, Алпомиш, Барчин, Гўрӯғли, Юнус пари, Тоҳир, Зухра, Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Бахром, Або-муслим каби қаҳрамонлар силсиласини бойитди, десак, янгилишмаган бўламиз.

Абдулла Қодирийнинг ҳаётни тасвирлаш, миллий характер яратиш усуллари, воситалари жуда ранг-баранг, асарларининг тили эса ўзига хосдир. “Ўткан кунлар” романни ўзбек адабиётида Алишер Навоий бошлаб берган эпик анъаналарни изчил давом эттириши ва янги, юксак погонага олиб чиқиши билан адабиётимиз тарихида ўзига хос муҳим ўрин тутади.

То ҳалқ яшар экан, адабиёт яшар экан, Абдулла Қодирий яратган асарлар ва қаҳрамонлар миллат фарзандларининг маънавиятини бойитиш, эстетик диидини ўстириш, хулқини тарбиялаш ва гўзаллаштириш, бадиий савијаси ва завқини оширишга хизмат қиласи, уларни ззгу ва савоб ишларга руҳлантириб, ватан ва ҳалқ манфаатлари йўлида ҳамиша камарбаста бўлиш, лозим топилса, фидойилик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатишга илҳосмлантаверади. Бу асарларнинг буюк миссияси ва Абдулла Қодирий абадияти худди шу билан белгиланади.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ АДАБИЁТЛАР**

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириши – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. – 2017 йил, 4–август.

2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб–интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси булиши керак –Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б.104.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатни биргаликда барпо этамиз. Т.: Ўзбекистон, 2016. –Б.56.

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев мамлакатимизнинг етакчи илм–фан намояндадари, Фанлар академияси аъзолари, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари, тижорат банклари раҳбарлари, етакчи олий ўкув юртлари ректорлари билан 2016 йил 30–декабрь куни бўлиб ўтган учрашувда сўзлаган нутқидан // Халқ сўзи, 2016 йил, 31–декабрь.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил, 13– сентябрдаги ПҚ–3271–сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора–тадбирлар дастури тўғрисидаги қарори// Халқ сўзи. 2017. 14–сентябрь. <http://www.lex.uz/tu/docs/3338600?twolang=true>

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва гаркатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши // Халқ сўзи, 2017 йил, 13–январь.

### **II. ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АДАБИЁТЛАР**

1. Абдулла Қодирий замондошлари хотирасида. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1986. – 398 б.

2. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. –Т.: Ўқитувчи, 1980. – 346 б.

3. Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик куйчилари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. –160 б.

4. Абдураҳмонова М. Абдулла Қодирийнинг психология тасвирлаш маҳорати. – Т.: Фан, 1977. – 141 б.
5. Адабиётшуносликка кириш. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – 227 б.
6. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – 406 б.
7. Адабий турлар ва жанрлар. З жилдлик. 1-жилд. – Т.: Фан, 1991. – 384 б.
8. Айёмий. Ўт чақнаган сатрлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. – 67 б.
9. Алиев А. Абдулла Қодирий. Адабий–танқидий очерк. – Т.: Бадиий адабиёт, 1967. – 215 б.
10. Алиев А. Ижод ва изланишлар. – Т.: Бадиий адабиёт, 1976. – 187 б.
11. Аристотель. Поэтика. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1980. – 149 б.
12. Аҳмедов Т. “Хамса” қаҳрамонларининг характер жозибаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1986. – 66 б.
13. Боболардан қолган нақллар. (Тўплаб нашрга тайёрловчилар: М.Жураев, У.Сатторов). – Т.: 1998. – 128 б.
14. Беллер Э.А. Преемственность в развитии культуры. – М.: Наука, 1969. – 198 б.
15. Белинский В.Г. Адабий орзулар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1977. – 264 б.
16. Белинский В.Г. Танланган асарлар. – Т.: ЎзССР Давлат нашриёти, 1955. – 178 б.
17. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: Фан, 1968. – 486 б.
18. Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. I–II-жилд. – Т.: Халқ мероси нашриёти, 2002. – 343 б.
19. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиёти тарихи (XV асрнинг иккинчи ярми. II қисм). – Самарқанд, 2002. – 258 б.
20. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1993. – 191 б.
21. Воҳидов Р., Эшонқулов X. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. Ўкув кўлланма. – Т.: Ўзбек ёзувчилар уюшмаси АЖН, 2006. – 528 б.
22. Горький М. Адабиёт ҳақида. – Т.: Ўззадабийнашр, 1962. – 191 б.
23. Жалолов Т. “Хамса” талқинлари. – Т.: Фан, 1968. – 152 б.

24. Жуманазаров У. Ўзбек фольклори ва тарихий воқелик. – Т.: Фан, 1991. – 230 б.
25. Зоҳидов В. Улут шоир ижодининг қалби. – Т.: Ўзбекистон, 1986. – 184 б.
26. Каримов Б. Абдулла Қодирий. – Т.: Фан, 2004. – 232 б.
27. Каримов Е. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. Тошкент: Фан, 2006. – 231 б.
28. Каримов Б. Қодирий насрини – нафосат касри. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 232 б.
29. Каримов Б. Абдулла Қодирий ва ғерменевтик тафаккур. – Т.: Akademnashr, 2015. – 256 б.
30. Каттабеков А. Тарих сабоқлари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1986. – 276 б.
31. Крачковский И.Ю. Ранняя повесть о Маджнуне и Лейли в арабской литературе. – М.: АН СССР, 1946. – 71с.
32. Маданият ва мерос. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1973.–195 б.
33. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. – 372 б.
34. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб. Дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – 664 б.
35. Маҳмудов М. Талант ва ижод. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1976. – 285 б.
36. Мирвалиев С. Ўзбек романни. – Т.: Фан, 1969. – 312 б.
37. Мирвалиев С. Абдулла Қодирий. – Т.: Фан, 2004. – 176 б.
38. Мирвалиев С. Тарихийлик ва замонавийлик. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. – 196 б.
39. Мирзаев И. Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси. – Т.: Фан, 1977. – 148 б.
40. Насриддинов Ф. Маҳорат жилолари. Абдулла Қодирий ижодиёти. – Т.: Фан, 1977. – 148 б.
41. Норматов У. Ўткан кунлар ҳайрати. – Т.: Фан, 1996. – 132 б.
42. Норматов У. Етуклик. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1982. – 366 б.
43. Норматов У. Қодирий боғи. – Т.: Ёзувчи, 1994. – 217 б.
44. Ойбек. Муқаммал асарлар тўплами. XIV том. – Т.: Ўззадабнашр, 1979. – 512 б.

45. Ойбек. Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли. – Т.: Ўзабданашр, 1936. – 52 б.
46. Оқбутаев Х. Ҳалқ китоблари ва адилар //Адабий мерос. I (55). – Т.: Фан, 1991. – 65–70-бетлар.
47. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. – 213 б.
48. Соатова Н. Аёл билан мунаvvар олам. – Т.: 1999. – 87 б.
49. Соатова Н. Эпик тасвир анъаналари. – Т.: Ҳалқ мероси, 2001. – 87 б.
50. Султонов И. Таnlанган асарлар. 4 томлик. 2 –том. – Т.: Фан, 1972. –139 б.
51. Юнусов М. Традиция ва новаторлик проблемаси. – Т.: Фан, 1965. –209 б.
52. Қодирий А. Кичик асарлар тўплами. Ўткан кунлар тақдири устида баъзи мулоҳазалар. – Т., 1964.
53. Қодиров П. Ҳалқ тили ва реалистик проза. – Т., 1973.
54. Қодирийни қўмсаб. Ёднома. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Ш.Қодирий. – Т.: Ҳалқ мероси, 1994. –80 б.
55. Қодирий Ҳ. Отам ҳақида. –Т.: . Адабиёт ва санъат, 1983. – 208 б.
56. Қодирий Ҳ. Отамдан хотира. –Т.: Янги аср авлоди, 2005. – 416 б
57. Қўшжонов М. Ҳаёт ва қаҳрамон. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. –364 б.
58. Қўшжонов М. Ижод масъулияти. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. –340 б.
59. Қўшжонов М. Қалб ва қиёфа. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1978. –224 б.
60. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. Қодирийча аргумон. – Т.: Ҳалқ мероси, 1994. –136 б.
61. Ганиева С., Абдуғафуров А. Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Т.: Фан, 1968. –96 б.
62. Ганиев И. Руҳий гўзаллик қисмати. – Бухоро: 1994. –106 б.
63. Ғойиблар ҳайлидан ёнган чироклар. Тузувчи: Жураев З. – Т.: Ўзбекистон, 1994. –236 б.
64. Ҳайитметов А. Мерос ва ихлос. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1985. – 203 б.

65. Ҳайтметов А. Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. Алишер Навоий номидаги адабиёт институти, Узбекистон Республикаси Фанлар академияси. – Т.: Фан, 1993. – 207 б.
66. Ҳайтметов А., Зоҳидов Б. Навоий ва ижод сабоқлари. – Т.: Фан, 1981. – 159 б.
67. Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – 153 б.
68. Ҳаккулов И. Навоийга қайтиш. – Т.: Фан, 2007. – 224 б.

### **III. ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР**

1. Бобониёзов А. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романида тасвирий воситалар ва тил бадиияти. Филол. фан.номзоди... дисс.автореф. – Т., 1995. – 23 б.
2. Исаева Ш. Б. Ўзбек тарихий романларида характер рухиятини тасвирлаш усуслари: филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2001. – 22 б.
3. Махмудова З. Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” романининг миллий ўзига хослиги: Филол. фан.номзоди... дисс. – Т., 1997. – 236 б.
4. Махсумхонов С.А. Қодирий ижодида ҳажвий характер муаммоси: Филол. фан.номзоди... дисс.автореф. – Т., 1997. – 23 б.
5. Мирвалиев С. Ўзбек адабиётида роман жанрининг таркиб топиши ва тараққиёти: Филол. фан.номзоди... дисс. – Т., 1997. – 500 б.
6. Тошмуҳамедова Л. И. Абдулла Қодирийнинг адабий–эстетик карашлари: филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2005. – 26 б.

### **IV. БАДИЙ АДАБИЁТЛАР**

1. Алпомини. Ўзбек халқ достонлари. I том – Т.: Шарқ, 1988. – 393 б.
2. Баҳром ва Гуландом. Зевархон. Фарҳод ва Ширин. Лайли ва Мажнун. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1986. – 268 б.
3. Навоий Алишер. Лайли ва Мажнун. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1990. – 364 б.
4. Навоий Алишер. Фарҳод ва Ширин. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. – 590 б.

5. Навоий Алишер. Қаро кўзим. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1988. – 400 б.
6. Тоҳир ва Зухра.–Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. –239 б.
7. Фарҳод ва Ширин (ўзбек халқ достони). –Т.: Фан, 1966, –150 б.
8. Ўзбек халқ достонлари. Биринчи жилд. – Т.: Фан, 1956. –150 б.
9. Қодирий. Ўткан кунлар. – Т.: Шарқ, 1995. –398 б.
10. Қодирий А. Ўтган кунлар. Мехробдан чаён. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1992. –528 б.
11. Қодирий А. Ўткан кунлар. – Т.: Шарқ, 2009. – 400 б

#### **V.ТЎПЛАМ, ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛ МАҚОЛАЛАРИ**

1. Абдураҳмонов F.A. Қодирий услуби ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. –1994. № 4–5–6. –Б.38–42.
2. Абдуваҳобова М. Абдулла Қодирий ва М.Авезов // Ўзбек тили ва адабиёти. –1984. № 4.–Б.45–48.
3. Абдуллаев М. Миллий ғуур. Абдулла Қодирий ҳақида хотиралар // Туркистон. 1993. 2–октябрь.
4. Абдуғафуров А. “Хамса” ибратлари // Гулистон. 1984. № 6. –Б.22–23.
5. Адиб ҳақидаги фикрлардан // Фан ва турмуш. 1974. № 7. –Б.18–19.
6. Алиев А. Жулкунбой сабоги. Ўзбек романисти Абдулла Қодирий ҳақида // Гулистон. 1967. № 9. –Б.26–27.
7. Алиев А. Ижод маҳорати ҳақида. Абдулла Қодирий ижоди ҳақида // Ўзбекистон маданияти. 1961. 19–июнь.
8. Алиев А. Ўлмас маънавий ҳазина. Абдулла Қодирий асарлари ҳақида// Гулистон. 1994. № 31. –Б.12–14.
9. Асқаров С. Абдулла Қодирий ижодида фольклорнинг баъзи масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1973. № 1. –Б.19–22.
10. Аъзамов К. “Ўткан кунлар”нинг тақдири. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи ҳақида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1988. 18– март.
11. Бадалов М. Ёзувчи санъати. Абдулла Қодирийнинг “Мехробдан чаён” ва “Ўткан кунлар” асарлари ҳақида // Тошкент оқшоми. 1994. 5–декабрь.

12. Боқий Н. Қатлнома. Ҳужжатли қисса // Шарқ юлдузи. 1991. № 5–6. –Б.33–84; –Б.84–142.
13. Дониёров А., Ҳасанов Б. Сўз заргари. Абдулла Қодирий ижоди ҳакида. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1984. 11–май.
14. Ёқубов О. Ўзбекнинг ардоқли фарзанди // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994. 9–декабрь.
15. Жуманиёзов Р. Ҳалқ китобларини ўрганишнинг муҳим масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. №5. –Б.35–39.
16. Исматуллаев Х. “Ўткан кунлар” нашрлар, таржималар, тадқиқотлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1989. № 4. –Б.18–24.
17. Каримов Б. Бадиий олам манзаралари // Ватан. 1995. 5–март.
18. Каримов Н. Абдулла Қодирий ва Чўлпон // Ватан. 1994. 7–14–сентябрь.
19. Каримов Н. Адиб яратган боғ // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1987. 20–ноябрь.
20. Каримов М., Оқмуродов А. Сўз сехри. Абдулла Қодирий асарларидағи ҳалқнинг руҳий олами, сўзлашув нутқи соддалик ва табиийлик ҳақида // Ҳалқ сўзи. 1994. 24–май.
21. Каримов Э. Метод ва дунёқарааш. А.Қодирий ижодий йўли ҳақида // Шарқ юлдузи. 1975. №10. –Б.162–169.
22. Каримов Э. Рус адабиёти ва Қодирий ижоди // Фан ва турмуш. 1974. №7. –Б.14–17.
23. Лутфиддинова Х. Кумушбиби эстетик идеал намунаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996. № 5 –6. –Б.42–45.
24. Мажидов Р. “Ҳалқ китоблари” термини ҳақида. Адабиётта сид тадқиқотлар. –Т.: 1978. 169–176–бетлар.
25. Маҳмудова Р. Ҳалқ китоблари ва айрим қиссалар. Адабий мерос, 1971. 2–сон. –Б. 254–257.
26. Мамажонов С. Ўзига хослик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1990. 4–май.
27. Маҳмудов Н. Рост ва расо сўзлар: Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини яратишда тил маҳоратига доир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. –1993. –15 октябрь.
28. Мирвалиев С. Адиб таржимаи ҳолига оид муҳим маълумот // Адабий мерос. 1993. № 1–2. –Б.3–11.

29. Мирвалииен С. Абдулла Қодирий ҳаётининг сўнгги даври. Маданият ва маънавият муаммолари // Илмий–амалий мақолалари мажмуаси. –Т., 1994. –Б. 172–184.
30. Мирзаев И. Ўлмас санъаткор // Шарқ юлдзузи. 1974. № 4. –Б.233–235.
31. МирзаевТ., Саримсоқов Б. Достон, унинг турлари ва тарихий тараққиёти // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. –Т., 1981. –Б.17–21.
32. Мурод Мухаммад Дўст. Ибрат. Абдулла Қодирий ҳақида // Шарқ юлдзузи.–1984. № 4. –Б.167.
33. Муҳамедов Али. Адибнинг адабий умри // Тошкент оқшоми. 1994. 31–октябрь.
34. Насриддинов Ф. Сехрли сўз санъаткори. Абдулла Қодирий ҳақида // Гулистон. 1994. № 5. –Б.34–35.
35. Норматов У. Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1992. № 2. –Б.40–49.
36. Норматов У. “Уткан куглар” романи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1992. № 2. –Б.49–57.
37. Норматов У. Отага таъзим. Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги олдидан // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994. 17–июль.
38. Ойбек. Туғма адиб. Абдулла Қодирий ҳақида // Фан ва турмуш. 1967. № 7. –Б. 22–23.
39. Орипов Г. Кумушбибининг ҳаёси. Абдулла Қодирийнинг “Уткан кунлар” романидаги Кумушбиби образи ҳақида // Шарқ юлдзузи. 1994. № 9–10. –Б.189–191.
40. Раҳимов А. Абдулла Қодирийнинг адабиётга қарашлари // Ўзбек тили ва адабиёти.1994. № 4. –Б.28–32.
41. Саттаров М. Улуғлар даврасида. Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ап ижоди // Шарқ юлдзузи. 1990. № 4. –Б.188–198.
42. Солижонов Й. Илк куртаклар // Шарқ юлдзузи. 1994. № 5–6. –Б.193–202.
43. Қодирий Ҳ. Адиб ҳақидаги лавҳалар // Гулистон. 1967. № 5.

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
“Үткан кунлар” романида анъана ва маҳорат.....	10
“Үткан кунлар” романи ва ҳалқ китоблари.....	33
“Үткан кунлар” романида Навоий “Хамса”сининг эпик анъаналари.....	67
Қодирий ижодига ворислик.....	114
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	129

*Илмий нашир*

**СОАТОВА НОДИРА ИСОМИДДИНОВНА**

**АНЬАНАВИЙЛИК ВА  
ВОРИСЛИК**

*Монография*

Нашриёт муҳаррири: Маҳкам Маҳмудов

Мусаҳҳиҳа: С.И.Эшонқурова

Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев

**«MUMTOZ SO‘Z»  
масъулияти чекланған жамияти  
нашриёти**

Манзил: Тошкент, Навоий кӯчаси, 69.

Тел.: (998 71) 241-81-20 E-mail: mumtoz\_soz@mail.ru

Нашриёт лицензияси AI № 103. 15.07.2008

Босишига рухсат этилди 10.10.2019

Қоғоз бичими 60x84 1/32. Офсет қоғози

Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт табори 8,05.

Шартли босма табори 8,75. Адади 500

Баҳоси келишилган нархда

**«MUMTOZ SO‘Z»  
масъулияти чекланған жамиятининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент, Навоий кӯчаси, 69.  
Тел.: 241-81-20**



Соатова Нодира Исомиддиновна 1967 йил Жиззах туманида туғилган. 1988 йил ЖДПИ ўзбек тили ва адабиёти факультетини имтиёзли тутаган. Филология фанлари номзоди (2001), доцент (2004).

“Аёл билан мунаввар олам” (1999), “Эпик тасвир анъаналари” (2001), “Ўзбек–қозоқ лингвистик луғати” (2002) номли китоблар ва 80 ортиқ мақолалар муаллифи.

Айни пайтда, “XX аср ўзбек адабиёти тараққиётида Шухратнинг тутган ўрни” мавзууда докторлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб бормоқда.



ISBN 978 9943-6084-5-0

9 789943 608450